

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР
БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

**“ЁШ МУСАВВИР” ТЎГАРАГИ
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ**

ТОШКЕНТ-2014

УДК: 738 (074)
ББК: 85.15

Муаллиф: **Ф.Зиятов** – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази Ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи услубчиси

Тақризчилар: **Р.Шоабдурасулова** – Республика рассомчилик коллежи кафедра мудири

Н.Шомансурова – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Ў.Расулов – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази тўғарак раҳбари

“Баркамол авлод” болалар маркази услубчилари, тўғарак раҳбарлари, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари тўғарак раҳбарлари фойдаланишлари мумкин.

Ушбу ўқув қўлланма Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 3 сентябрдаги 259-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ёш мусаввир” тўғараги ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Мазкур ўқув қўлланма “Баркамол авлод” болалар марказлари, таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва маҳаллалар қошида ташкил этилган “Ёш мусаввир” тўғарак раҳбарлари учун тавсия қилинади.

Ушбу ўқув қўлланма Республика Таълим маркази ҳузуридаги “Маънавий-маърифий ишлар” йўналишидаги Илмий методик кенгашнинг 2013 йил 13 августдаги навбатдан ташқари 6-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-987-00-5

© “BARKAMOL AVLOD” BOLALAR MARKAZLARI

“ЁШ МУСАВВИР” ТЎГАРАГИНИНГ БИРИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ ҚЎЛЛАНМАСИ

Кириш

1. Миниатюра санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Миниатюра бадиий матн мазмунини шарҳловчи восита сифатида вужудга келган ва асар ғоясини ёрқин бўёқларда ифодалаши лозим бўлган. Шу билан бирга миниатюра тасвирий воситалари чизиклар ва рангларда ўз ифодасини топган мустақил эстетик қимматга ҳам эгадир.

Миниатюра – французча *miniature*: лотинча *miniut*-қизил бўёқ-бадиий усуллари ўта нафис бўлган кичик ҳажмли (мўъжаз) тасвирий санъат асарлари, ўрта аср қўлёзмаларини зийнатлаш учун яратилган нафис мўъжаз расмлар, шунингдек, суяк, пергамент, мағзи сохта (Тошқоғоз) металл, чинни, баъзан, майший буюмлар (тамакидон, соат, узук ва бошқа)га ишланган кичик ҳажмдаги ранг тасвирига ҳам миниатюра атамаси қўлланади.

Бадиий миниатюранинг китоб ва портрет миниатюраси каби соҳалари кенг тарқалган, китоб миниатюрасида расмлар рангли қилиб темпера, гувашъ, елим, аквариль, ва бошқа бўёқлар билан қўлда бевосита қўлёзма китоблар варақларига ишланиб, ундаги нақшлар (сарлавҳа, унвон, лавҳа ва бошқа) шу китобларни безаклари билан уйғунлашган миниатюра қадимдан маълум бўлган.

Қадимда Миср попирусларига хира бўёқлар билан перода расмлар текис юзали қилиб ранг тасвир усулида ишланган. Сўнгги антик миниатюралари (IV–VI асрлар) шакллар ва нур-ҳаво ҳолати тўғри берилганлиги билан диққатга сазовор. Бу усул Византия миниатюраси (асосан, диний қўлёзмалари)да X асргача ҳукм сурган. Миниатюраларга халқ ижодий хусусиятлари кириб борган. XIII–XV асрлар Балтика миниатюрасида натурани ҳаққоний ифодалашга интилиш кучайди, расмлар матни билан изоҳланди, шакллар жонланди, манзара, интерьер, меъморий ҳошияларга кенг ўрин берилган.

Францияда йирик миниатюра усталаридан А. Бонивё, Жакмар Г Эден ва бошқалар самарали ижод қилган. Ўрта асрлар ғарб миниатюраси маҳаллий мактабларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Арманистонда (VI–VII асрлар), Грузияда (IX–X асрларда), Россияда (XI асрда) миниатюра ривожланган. Шуни алоҳида айтиш мумкинки, миниатюра санъати Араб шарқи Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг исломгача (VII–VIII асрлар) бўлган деворий суратлар, пайкарсозлик, амалий санъат каби қадимий санъатнинг теран илдизларига бориб тақалади. У узок тараққиёт йўлини босиб ўтиб, ўрта асрларда, яъни етук феодализм даврида ўз ривожининг чўққисига кўтарилди.

Ўрта Асрларда шарқдан миниатюранинг ўзига хос мактаблари шаклланган. Араб миниатюрасида бир қатор мактаблар ажралиб туради: Миср, Сурия, Ироқ, Афғонистон, Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон, Ҳиндистон қўлёзма китобларининг барча безаклари ўзаро уйғунликда боғланган: чизикли ритм, манзара рангларнинг нозик уйғунлиги уларнинг безак тузилишини белгилаган.

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида миниатюра санъати бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Миниатюра санъати бемисл ва бетакрорлиги билан дунёга машҳур бўлган. Миниатюра санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадиий дидини шакллантиради, руҳиятини тарбиялайди.

Марказий Осиёда яратилган бадиий безакли кўлёмаларнинг аксарияти Камолиддин Бехзод ижодига мансуб. Миниатюра мактабининг асосчиси Камолиддин Бехзод, Алишер Навоий, Султон Ҳусайн, Жомий каби адиблар асарларига мўъжаз расмлар яратган. Буюк рассом томонидан яратилган тасвирларда инсон образи тасвири, уни ҳаракатда бериш, мўъжаз санъат имконидан тўлиқ фойдаланган ҳолда инсонларнинг индивидуал хусусиятларини, ички дунёсини намоён эта олган. Жонли ҳаётдан олинган манзараларни реал тасвирлай билиш, тасвир доирасини кенгайтириш орқали Бехзод миниатюра санъатини жонлантирди. Бехзод ижодига хос бўлган ана шу хусусиятларни шогирдлари давом эттирди.

Бугунги кунда мустақил мамлакатимизда халқимизнинг асрлар бўйи ижод меҳнати натижасида яратилган миниатюра санъатини кадрлаш, ундан амалий фойдаланиш, ёшларга ўргатиш орқали уларнинг эстетик дидини ўстириш ҳамда юксак маданиятли кишилар қилиб тарбиялашга имкон яратилди.

“Ёш мусаввир” тўгараги К. Бехзод ва унинг шогирдлари яратган санъат асарларининг бекиёс маънавий қийматларини намоёиш этиш орқали тўгарак аъзоларининг бадиий дидини шакллантириш, уларга зарур билимларни бериш, меҳнатга бўлган кўникма ва малакаларини ривожлантириш, касб танлашга руҳий ва амалий тайёрлаш ишларига муҳим эътибор қаратилган. Машғулотларда тўгарак аъзоларига касб маданияти ҳақида кенг тушунча берилади.

Тўгаракнинг мақсад ва вазифаси – ўқувчиларни мусаввирлик санъати билан таништириш, уларда шарқ миниатюрасининг услубини, шарқ миниатюраси, ундаги ранг ва чизиқларни фарқлаш, уларни амалиётга мустақил татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш ва малакалар ҳосил қилишдан иборат.

Шунингдек, ўрганаётган ҳунарнинг жамиятдаги ўрни, устозлар анъанасини давом эттириш, меҳнатсеварлик фазилатлари, ҳунарда ақлли ва тадбиркор бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш каби хислатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Медиа – телевидение, радио, кинематограф, оммавий нашрлар (газета, журнал), компьютер ахборот тизимлари пайдо бўлди. Энди минглаб тарғиботчилар шарт бўлмай қолди. Ўз даври медиасидан унумли фойдаланган коммунизм, фашизм ғоялари миллионлаб ўз ва ўзга мамлакат фукароларининг умрига зомин бўлишди.

Баъзан интернет, медиа дейилганда қовоғимиз солинади. Булар албатта ёмон-да, деймиз. Аслида ҳам шундайми? «**Медиа**» – лотинчада восита, ўртада турувчи, деган маъноларни беради. У маънавий (ахборот, билим) эҳтиёжларини қондириш воситаси.

МЕДИА – Пичоқ, олов, сув каби холис восита. Врачнинг қўлидаги пичоқ беморни соғ қилади. Жиноятчининг қўлидаги пичоқ эса соғни бемор қилади. Оловнинг йўғи одамни музлатса, кўпи куйдиради. Кўп сув ғарқ қилса, сувсизлик қакратади. Медиа ҳам шундай. Агар меъёрда, компетентли фойдаланилса, медиа донолар учун – билимлар манбаи. Нодонлар учун – балолар манбаи. Демак, гап медиада эмас, ундан фойдаланувчиларда, аниқроғи – ҳар бир йигит-қизнинг медиамаънавиятига боғлиқ бўлиб чиқаяпти.

Британиялик медиапедагог Д. Букингемнинг фикрида жон бор. У “ахборотлашган жамиятда” ёшлар албатта медиамаҳсулотларни пассив қабул қилишади ва албатта медиаматериалларнинг қурбонларига айланишади”, дейишади. Бироқ, медиапедагогика боланинг ўзини марказга қўяди. Боладаги медиабилим ва тажрибага таянади”, дейди.

Шундай экан ёшларга медиа маҳсулотларни танлаш ва фойдаланишни ўргатиш бугунги куннинг асосий шартларидан бирига айланди. Бироқ, муаммо шундаки, ота-оналар, ҳатто баъзи ўқитувчилар ҳам ўз болаларига медиамаданиятни (катталарга салом бериш, чой қуйиб узатиш, сочни турмаклаш ва ҳ.к. каби) ўргата олмайдилар. Бунинг устига ахборот технологияларининг шитоби шунчалар тезки, унга ёшларнинг ўзлари ҳам зўрға етиб олишаётир.

“Ёш мусаввир” тўғарак машғулотларига зарур бўлган хом-ашёлар рўйхати

1. Акварель мўйқаламлари № 1–10
2. Акварель бўёқлари (24 рангда)
3. Мой бўёқлар
4. Эритгич № 4 пинен
5. Лок (қрпловчи, акрел, писта)
6. Қоғоз (А3 формат)
7. Қоғоз (А4 формат)
8. Ватман 860х600 mm
9. Қорақалам
10. Рангли қалам (24 рангли)
11. Елим (блестящий)
12. Елим ПВА
13. Ўчирғич Чизгич
14. Гуаш бўёқлари (24 хил)

Шарқнинг миниатюра санъати ва унинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни

Шарқнинг миниатюра санъати, XIV–XV асрлардан бошлаб ривожлана бошлаган. Бунда буюк мусаввир Комолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари яратиб қолдирган миниатюра асарлари асос бўлади. Миниатюра асарларда тасвирланган мавзуларга асосан, ўша халқ урф-одати, яшаш тарзи, халқ анъналари, миллат кийимлари ва тарихини билиб оламиз. Ҳозирги олимлар, санъатшунослар ўша миниатюра асарларини таҳлил қилишиб, тарихимизни, ўша даврни жуғрофий муҳитини билиб олмоқдалар. Чунки ҳар бир миниатюраасарларида шу тасвирлар бор ва муҷассам.

Тасвирий санъатнинг миниатюра йўналиши характери ва усуллари билан алоҳида ажралиб туради. Миниатюра асарларида ранг-тасвир ва графика турлари унсурлари ҳам иштирок этади. Миниатюра санъатидаги асарлар тўғри уч ўлчамли чизиқлар перспективага асосланган тасвирий санъат турларидан маълум даражада фарқланади. Аммо шу нарса ҳам маълумки, ўтмиш миниатюра санъатининг ўзига хос сир-асрорлари бўлиб, бу соҳада ўрганилмаган бадиий муаммолар жуда кўп.

2. Миниатюра ишлашда қўлланиладиган материаллар асбоб-ускуналар ва техника хавфсизлиги қоидалари

Миниатюра кичик (Митти) ҳажмдаги нозик ранг вачизиқлардан иборат бўлган ранг тасвир асарлар ҳисобланади. Асосан, сув бўёқ, гуаш, рангли коллерларда қоғозга, картонга, тахтачаларга чизилади. Асарни узоқ сақланиши учунклей қўшиб ишлатилади ва устидан лак билан сайқаллаб ишлов берилади.

3. Миниатюраларда ишлатиладиган гул ва дарахтлар тасвирини қаламда чизиш, рангларда бўяш

Миниатюрада ишлатиладиган гул ва дархтлар тасвирлари қаламда ишлаш учун, чизиладиган мавзуга мурожаат этиш керак. Фаслларга доир, эртакларга тааллуқли, миллий байрамларга тааллуқли бўлишига қараб, гул ва дархтларни шакли, тузилиши ўзгартирилиб, образли қилиб чизилади. Рангда бўяшда фақат чизиқлар ичи бўёқ билан бўялади. Миниатюрада рангларнинг акс-таъсири сездирилмайди, аксинча ҳар бир иссиқ ёки совуқ ранглар алоҳида ранг берилади.



4. Миниатюрада ишлатиладиган тоғлар тасвирини қаламда чизиш ва рангларда бўяш

Миниатюрада ишлатиладиган тоғлар тасвири шартли равишда олинади. Тасвирланадиган тоғлар ҳаракатдаги одамлар ва дарахтларга нисбатан очеретиктива ҳолатида эмас, балки бир-бирига яқинроқ қилииб тасвирланади. Тоғлар образи ҳақиқий тоғлардек эмас, балки эртакнома, чизикларга асосланган қилиб қаламда ва сўнг рангда бўялади.




5. Миниатюрада ҳайвонлар тасвирларини чизиб рангда бўяш

Миниатюрада тасвирланаётган ҳайвонлар от, кийик, шер, туялар мавзуларига асосланиб чизилади. Улар узоқ-яқин масофаларда тасвирланмайди. Бир-бирига яқин бўлмаган ҳолатда тасвирланади. Ҳайвонлар ҳаракати эса мавзуни бойитади.




6. Миниатюраларда одамлар тасвирларини чизиб ранг бериш

Миниатюрада тасвирланаётган одамларни узоқ ва яқин масофада туриши бир хил чизишга сабабминиатюра қоидасига асосланиб перепективага қилинмайди. Одамларнинг кийим-кечаклари уларни бир-биридан фарқини белгилаб туради. Бой, камбағал, савдогар, мусиқачилар, қаландарлар ва севги рамзларини билдирувчи ошиқлар ҳам шулар жумласидандир. Рангда ишлашда алоҳида берилади.



7. Миниатюра бинолари тасвирларини чизиб ранг бериш

Миниатюра бинолари асосан, мақбара, сарой, миноралардан иборат бўлади. Шунга қараб қаламда асосий фасади, нақшинкор кошнлар ва нақшлари чизилиб, сўнг рангда ишланади.



8. Икки фигурали миниатюра композициясини тузиш

Миниатюрада икки фигурали композицияни чизаётганда уларни ҳаракатлари ёки касби, шуғулланаётган машғулотларига қараб тузиш керак. Айниқса кийимини ва рангларда алоҳида эътибор қаратиб ишлаш керак.



9. Кўп фигурали миниатюра композициясини тузиб унга ранг бериш

Миниатюрада кўп фигурали кишилар ҳам муҳим рол ўйнайди. Тасвирланаётган жанг, ов, суҳбатлар, мушоираларда албатта кўп фигурали одамлар образи диққатга тортади. Тасвирланаётган ҳар бир кишининг ҳаракати, кийими, шуғулланаётган машғулотларини бир-бирини такрорлаши керак эмас. Ҳаммаси мавзуга асосланган бўлиши керак. Сўнг ранг берилади.



10. Камолиддин Бехзоднинг шарқ миниатюра услуби

Ўрта Шарқ миниатюра ранг тасвири даҳоси, афсонага айланиб кетган Бехзод ижоди XIX аср охиридан бошлаб ўрганилиб келинмоқда. У ҳали яна узок вақт ўзининг ёрқин асарлари уларда, табиатнинг ранг-баранг оламини ўзига қамраб олган мафтункор гўзаллиги, меҳнаткаш инсон ва ижодкорнинг турмуш ва маънавий дунёсига теран кириб борганлиги билан тадқиқотчилар эътиборини ўзига тортади. Бизнинг давримизда Бехзод ижодини тўғри талқин этиш ва тушунтириш учун аввало унинг ижодини мукаммал ўрганиш ва моҳиятига кириб бормоқ лозим. Бу масалани самарали ҳал қилиш усулларида бири – яқин замондош бўлган бир мавзуга, муайян прототипларга мурожаат қилган турли мусаввирлар асарларини қиёсий ўрганишдир. Турли вариантларни қиёслаш Бехзод миниатюрасида мавзу кўп қиррали теран очилганлигини кўрсатади. Бехзод қоядаги ғор олдида икки суҳбатдошнинг аввал ўтган рассомлар томонидан ишланган манзарасидан фойдаланган. У манзарани қия тарзда ривожлантириб, унга Дорбанд кўрғонини эгаллаган қароқчилар саҳнасини ҳам қўшади.

Бехзод мавзунини талқин этиш, ундаги фожиавий асосни кучайтириш мақсадида асардаги унсурларни бир-бирига қарама-қарши қўяди. Маънони теран англаш, даврнинг муҳим муаммоларини беришда воқеани ихчам ифода этиш йўлидан боради. Рассом “қалб кўзи” орқали воқеани кўп маъноли тарзда талқин этади. У картинасида бошқа рассомлар каби воқеани чегараланган маконда эмас. Фазовий кенгликда, “ойдан тортиб, балиққача” (Низомий, Ҳайём) ифода этган.

Бехзод миниатюрасида табиат ва олам жонли, ажралмасдир. Картинадаги ҳар бир унсур мавзунинг ички теран маъносини очишга хизмат қилади.

Бехзоднинг картиналаридаги дунё мафтункор. У мукаммал ва латиф бир нафосат билан тасвирланган. Борлиқ ҳодисалари орасидаги умумийлик ва хусусийлик майший турмуш зиддиятларини бартараф этувчи шакл сифатида намоён бўлади.

Бехзоднинг табиатан салобатли одам бўлган. У ҳаётни теран англаб, унинг барча қатламларини тасвир этишни орзу қилиб, шу мақсад сари интиланган.

Ҳирот миниатюра рангтасвири мактабининг энг ёрқин вакили Бехзод ижодининг шаклланиши ва камолга етиши Темурийлар сулоласининг энг сўнгги йирик вакили Султон Ҳусайн Бойқаро (1438–1506) ҳукмронлик қилган даврга тўғри келди. Бу маданият чинакамига гуллаб-яшнаган вақт эди.

Бехзод ўз ижодида ниҳоятда юксак чўққиларга ва мукамалликка эришиб, маҳорат жиҳатдан барча замондош миниатюрачилардан ўтиб кетди. Унинг асарларни Эроннинг қадимги афсонавий суратлар альбоми – “Аржанг” билан қиёслашар, рассомнинг ўзини эса “иккинчи Моний” деб эъзозлашарди. Энг мукаммал сураткаш ва рангтасвирчи бўлган Бехзод ўзидан илгари яратилган барча зўр усуллари умумлаштириб, тасвирий-

ликни ўрта аср услуби доирасида, кучли уйғунлик ва мукамалликка етказиш борасида янгича воситаларни топа билди. Бехзоднинг янгича усуллари ифодалилиқнинг янги шаклий тасвир воситаларини излашда ва миниатюраларнинг мазмун жиҳатидан кенгайтиришдаа намоён бўлди.

Бехзод воқеалиқни акс эттиришга интилиб, даврнинг бешавқат расм-русумларини танқидий идрок этган ҳолда тасвирлашга ҳаракат қилади. Шу жиҳатдан олганда, унинг қатор миниатюраларида тасвирланган хизматкорнинг калтаклаб жазоланиш сахнаси характерлидир. Бундай сахна “Султон Хусайн ҳузурида қабул” (Саъдийнинг “Бўстон”и, 1488 йил), “Масжиднинг бино қилиниши” (“Зафарнома”) миниатюраларида сюжет ғояси концепциялари ўзгарган ҳолда учрайди.

Инсонпарварлик негизининг равнақ топиши билан Бехзоднинг портрет рангтасвирига эътибори орта борди. Тарихий манбалардан маълумки, у қатор портретлар яратган. Агар Бехзод ижодининг дастлабки босқичида фидо-корона меҳнатнинг фаол ва ҳар хил кўринишлари, ҳис-ҳаяжонларнинг тўлиб-тошиши, композицияларнинг турли-туманлиги етакчилиқ қилган бўлса, мусаввир ҳаётининг иккинчи ярмида руҳият, борлиқнинг мазмуни хусусида фалсафий фикр юритиш майллари фаоллашади. Бу аввало унинг манзарали мавзуларни талқин қилишида кўзга ташланади.

Манзарачи Бехзод замин, табиатнинг гўзаллигини бўёқлар ёрдамида кўтаринки руҳда ажойиб бир куч-қудрат ва идрок билан тасвирлайди. Унинг романтик манзаралари, бир томондан, илгари таркиб топган рамзлар ва маъжозларга доир анъаналарни сақлаб ҳамда ривожлантириб борса, бошқа томондан, атрофдаги асл табиатни акс эттиради.

Умуман, теран умуминсоний мазмун билан суғорилган ва эмоционал жиҳатдан сермаъно шаклларда ижро қилинган Бехзод санъати Ўрта Шарқда миниатюра рангтасвири санъатининг гуркираб ривожланишида бир босқич бўлди.

Бехзод ва унинг XV аср бошидаги ҳиротлик сафдошларининг ижоди Шероз, Язддаги, XVI асрда – Бухоро, Самарқанд, Шохруҳия, Табриз, Машҳад, Казвин, Исфаҳондаги миниатюра мактаблари фаолиятининг янги чўққиларга кўтарилишида муҳим ўрин тутати.

Ушбу мактаблар мусаввирлари Ўрта Шарқнинг барча зукко кишилари учун ҳамиша уйғунлик ва мукамаллиқнинг рамзи бўлиб қолган буюк Бехзоднинг ижодий тажрибасидан ғоят кўп қимматли ва ибратли сабоқлар олишган.

Машғулотнинг мазмуни. Камолиддин Бехзод шарқона миниатюра усулида ишлаган мусаввирларнинг энг буюғи. Шунинг учун беназир ижоди алоҳида мавзу сифатида ўтишга лойиқ. Мусаввирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараёнида унинг буюк мусаввир бўлиб етишиши учун ўзига хос замин бўлган омилларнинг педагогик талқини ўқувчилар онгига етказиш муҳим аҳамият касб этади. Камолиддин Бехзод бадиий-тасвирий фаолиятида камолот чўққисини забт этиш билан бирга Шарқона тасвирий санъат мактабини яратди. Шунинг учун унинг шогирдлари ва издошларининг ижодини ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Камолиддин Бехзоднинг талабалик йиллари. Унинг Султон Хусайн Бойқаро саройидаги китобхонада Мирак Наққош раҳбарлигида мусаввирлик сирларини ўргана бошлаши, унинг “Нигористон” санъат академиясида таълим олиши. Унинг ижодида мусаввир “Пир Саид Аҳмад Табризий, Мирак Наққош, хаттот Султон Али Машҳадийларнинг ўрни. Камолиддин Бехзоднинг истеъдодини буюк маърифатпарвар шоир Алишер Навоий томонидан эъзозланиши. Унинг камолотида Шарқнинг буюк файласуф шоири Абдурахмон Жомий билан дўстлигининг ўрни. Камолиддин Бехзод яшаб ижод этган даврда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт. Камолиддин Бехзод ижодининг Хирот ва Табриз миниатюра марказларида ўтган йиллари. Камолиддин Бехзоднинг буюк асарлари. Камолиддин Бехзоднинг шогирдлари ва издошлари ижодида у яратган тасвирий санъат мактабининг анъаналарини давом эттирилиши. Шох Музаффар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Қосим Али, Хожи Муҳаммад Наққош, Дарвеш Муҳаммад, Юсуф Наққош ва бошқалар.



Кўргазмали материаллар

Камолиддин Бехзоднинг Низомийнинг “Хамса”, Амир Хусрав Дехлавийнинг “Мажнун ва Лайли”, Алишер Навоийнинг “Хамса”, Шарофиддин Али Йаздийнинг “Зафарнома”, Саъдий Шерозийнинг “Бўстон”, “Тулистон” асарларига ишланган миниатюралари, шоир Абдулло Хотифий, Муҳаммад Шайбонийхон, Хусайн Бойқаро портретлари.

Бехзоднинг шогирдлари асарларини ўрганиш ва таҳлил этиш.

Султон Муҳаммад Низомий ғазаллари, Ҳофиз Шерозий девони, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сига ишланган миниатюралар;

Қосим Али, Низомийнинг “Хамса”сига, Алишер Навоийнинг девонларига ишланган миниатюралар;

Дарвеш Муҳаммад ижоди;

Устод Муҳаммадий. Низомийнинг “Хамса”, “Шарафнома” асарларига ишланган миниатюралар;

Музаффар Али. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сига ишланган миниатюралар;

Шайхзода Хурсоний. Ҳофиз Шерозий девонига ишланган миниатюралар;

Шоҳ Музаффар ва Мир Саид Али ижоди. Низомийнинг “Хамса”сига ишланган миниатюралар;

Маҳмуд Музаҳҳиб. Алишер Навоий портрети. Султон Санжар ва тўқувчи кампир тасвири;

Абдулло Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” асарига ишланган миниатюралар.



11. Паннога миниатюра ишлаш

Паннога миниатюра ишлашдан аввал композиция кичик ҳажмдаги қоғозда ишланиб сўнг катталаштирилади. У аввал яхлит асар сифатида гавдаланиши керак. Бу ҳам мавзуга асосланган бўлади. Тўй, жангоҳ, ов, севишганлар, ҳаёт тарзи, тарих каби мавзулардан иборат бўлади. Панно ягона мавзуга асосланиб ранглари ҳам умумий колоритга асосланиб яратилади.



12. Қутичанинг устки қисмига миниатюралар композициясини ишлаш

Қутичанинг устки қисмига миниатюра ишлашдан олдин композиция қоғозга яратилади. Уни рангда бўёқ берилиб, қутича устига чизиш учун тайёрланади. Аввало қутича қандай катталиқда бўлишидан қатъий назар, силлиқланиб, тахтачага ишлов берилади. Сўнг тўғри кўчирилиб, бошланишда қаламда чизилади. Ингичка чизиқлардан сўнг ранг берилади. Қутича усти рангдан сўнг, ялтироқ лак билан қопланади.



13. Қутичанинг бошқа томонларига миниатюра композициясини ишлаш

Қутичанинг бошқатомонларига миниатюра композициясини ишлашдан олдин ҳам бу мавзуга асосланиб яратилади. Қутичанинг бошқатомонларига миллий нақшлардан ҳам фойдаланиш ҳам муҳимдир. Чунки, ҳар бир томонига чизилган композиция атрофини нақшлар ҳам чегаралаб туради. Шунда яратилган иш мукаммал кўриниб туради.



14. Хусрав Дехлавий китобидан аниқ нусха рангда ишлаш

Миниатюра асарлар орасида Хусрав Дехлавий асарларига чизилган миниатюралар ҳам муҳим рол ўйнайди. Давр мусаввири, жумладан Комолиддин Бехзод ҳам унинг “Лайли ва Мажнун” асарига бир неча ғазалларига миниатюралар ишланган. Хусрав Дехлавий китобидан аниқ нусха ишлашдан олдин, китобда тасвирланган лавҳани аниқ олиб, рангли нусхасини чизиш керак. Чизилаётган ҳар бир чизиқ, ундаги ранглар композицияси, ҳаракат ҳолатлари аниқ ўлчамда, неча баробар катталашганлиги аниқ кўрсатилиши керак.



15. Миниатюрада ишлатиладиган едирма чизиқлар

Миниатюрада ишлатиладиган едирма чизиқлар композиция ва рангни жозибador кўрсатишга хизмат қилади. Чунки миниатюранинг асосий жозибаси, бу чизиқлар ҳисобланади. Елдирма чизиқлар, чизилган ранг ва бўёқларни бир-биридан ажратиб туради. Елдирма чизиқлар мавзуга доир чизилган композициянинг умумий ранглар ўхшашлигига (Колоритига) қараб танланади.




16. Қоғоз сатҳида эртақлар асосида миниатюра асарларини яратиш

Қоғоз сатҳида эртақлар асосида миниатюра асарларини яратишдан олдин, эртақни ўқиб, ўрганиб, уни таҳлил қилиб, композициялар тузиш керак бўлади. Тузилган композиция, эртақнинг тўлиқ мазмун-моҳиятини очиб бериши керак. Эртақда тасвирланган воқеа-ҳодиса, атроф-муҳит тасвирланаётган рангларни ҳам бир-бирига боғлатиб, сўнг нозик чизиқлар билан ниҳоясига етказиш керак.



17. Миниатюраларнинг четида фризм нақшларини чизиш

Миниатюраларнинг четида фризм нақшларини тасвирлашда асосан, миниатюрада тасвирланаётган воқеанинг мазмуни ва рангларуйғунлигини ҳисобга олган ҳолда тасвирлаш керак. Фризм нақшларини тўғри композиция асосида топилса, бу тасвирни янада бойитишга хизмат қилади. Ушбу нақшларда албатта бир-бирини такрорловчи элементлардан ташкил топган бўлади.



18. Ўқув йили давомида тайёрланган буюмлардан кўргазма ташкил этиш

Ўқув йили давомида тайёрланган буюмлардан кўргазма ташкил этишда, аввал улар сценарийсини тайёрлаш муҳимдир. Чунки болалар ўқув йили давомида мавзуни ҳамда манбалар ва режа асосида яратилган чизгиларни йиғиб, кўргазма учун ҳар биттасига алоҳида ҳошия тайёрлаш керак бўлади. Чизилган асар номи, ўлчами, куни, қандай материалда тайёрлангани аниқ кўрсатиб ёритиши керак. Сўнг кўргазмага қўйиши муҳимдир.

Кўргазмали материаллар.

Абулқосим Фирдавсий. “Шоҳнома”га ишланган миниатюралар.

Амир Хусрав Деҳлавий. ”Ҳамса”га ишланган миниатюралар.

“Девон”. Кўз ёшлари ва ҳаёт қувончлари.

Саъдий Шерозий. “Бўстон”, ”Гулистон” асарларига ишланган миниатюралар.

Алишер Навоий. “Ғаройибус-сиғар”. Шоирнинг дўстлари билан куй тинглаётгани.



Замонавий мусаввирлар асарлари:

Амир Тахмосиб. Баҳор рақси.

Мақсуд Ҳунаркор. Учар от.

Маҳмуд Фаршиён. Каъба фарзанди, нур муждаси.

Сидик Сандуқий. Хофиз.

Манба: Сино журнали, 2002, баҳор, ёз.

“ЁШ МУСАВВИР” ТЎГАРАГИНИНГ ИККИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ ҚЎЛЛАНМАСИ

1. Кириш. Лакли миниатюра санъти.

Ўзбек халқининг энг нафис ижод турларидан биридир. Манбаларга кўра, сурат солинган лакли қутичалар дастлаб XVI асрда Бухорода ясалган экан. Бу даврдаги лакли миниатюра намуналари бизгача етиб келмаган, ҳунармандчиликнинг бу турига хос бўлган кўпгина ишлаб чиқариш жараёнлари эса унутилиб кетган. 1970-йилларда Ўзбекистоннинг бир қатор рассомлари ва халқ усталари ушбу ажойиб санъат турини қайта тиклашга бел боғладилар. Улар орасида таниқли ўзбек мусаввири Чингиз Ахмаров, ўша пайтда ёш, навқирон санъаткорлар Ниёзали Холматов, Шомахмуд Муҳаммаджонов, Абдувосил Қамбаров, Ҳайрат Камолов, Мунира Сотиболдиева ва бошқалар бор эди. Ижодий устахона ташкил этилиб, унга ўз асарларида Шарқ миниатюрасининг кўп асрлик анъаналарини изчиллик билан ривожлантириб келаётган рассом Чингиз Ахмаров раҳбарлик қилди. Мутахассисларнинг аниқлашича, Шарқдаги тош қоғоздан ишланган буюмларга нақш солиш усули Федоскино, Палех, Мстера, Холуй марказларига мансуб лакли миниатюра санъатига ўхшаб кетар экан. Санамнавислик усуллари мерос қилиб олган рус миниатюра усталари қўллайдиган бадиий ифодалаш воситаларининг негизи сифатидаги жўшқин рангтасвир усули кўп жиҳатдан Шарқнинг ўрта асрлардаги миниатюралари тажрибасини эслатади. Лакли миниатюра санъатининг бутун жаҳонга машҳур асосий марказларидан бири Палех билан тузилган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага биноан, 1982-йилда Ўзбекистон тажриба устахонаси рассомларидан иборат ижодий гуруҳ ушбу шаҳарга йўлланди. Уларни тошқоғоздан (папе-маше) ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тухумнинг сариғи асосида кукунсифат пигментлардан бўёқларнинг керакли таркибини олиш, маҳсулотларни ишлашдаги иссиқлик режими, юпка зарварақлардан фойдаланиш, махсус мўйқаламларни тайёрлаш усули билан таништиришди. Палех нақшлари билан танишиш ўзбекистонлик усталарни Ўрта Шарқ миниатюрасининг мумтоз намуналарига мурожаат этишга ундади, Миниатюра рангтасвирининг анъанавий лак билан нақш солиш санъатига кириб келиши, Ўзбекистон рассомларининг ижодий амалиётида санъатнинг янги тури-лакли миниатюра-нинг пайдо бўлишига асос бўлди. Лакли миниатюра санъатининг шаклланиш жараёни мураккаб кечди. Ўтган 20 йил мобайнида ижоднинг ушбу тури ривожда иккита тамойил аён бўлди. Биринчиси – миниатюра рангтасвири бадиий меросига ижодий ёндашган ҳолда ва нақшин сюжетда замонавий воқеаликни акс эттириш бўлса, иккинчиси – мумтоз миниатюранинг бадиий қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишдан иборат.

Шомахмуд Муҳаммаджонов ижоди лакли миниатюра билан шуғулланадиган илк рассомлар авлоди учун ибрат бўлди. Ўрта аср Шарқ миниатюраси, унинг технологик усуллари оид чуқур билим ва айни чоғда академик дастгоҳли рангтасвир малакалари Шомахмуд Муҳаммаджоновда ўзига хос

бадий услубнинг шаклланишига замин бўлди. У нақшларда ўрта асрлар миниатюраси қонунларига амал қилади. Рассом қаҳрамонлари руҳий ҳолатини қиёфа, вазият, имо-ишоралар, рангларнинг рамзий маънолари орқали акс эттиради. Бироқ Шомахмуд Муҳаммаджонов ўрта асрлардаги усталардан фарқли равишда, миниатюра санъатининг анъанавий тизимига замонавий муаллифнинг ўзига хос бадий тафаккурини ҳам сингдиришга ҳаракат қилади. У Ўзбекистон тасвирий санъатида анъаналар ва замонавийликнинг уйғунлашувидан иборат ўзига хос йўналишнинг асосчиларидан бирига айланди.

Ниёзали Холматов монументал нақшлар ва заргарлик буюмларини яратиш соҳасидаги ижодини миниатюра санъати билан бирга қўшиб олиб бораётган истеъдодли мусаввир. Унинг Ўзбекистон лакли миниатюраси ривожига қўшган ҳиссаси салмоқлидир. Бадий ҳунармандчиликнинг бир неча турлари билан шуғулланиш рассомнинг миниатюра рангтасвири оламидаги ижодий изланишларини янада бойитди Хусусан, унинг миниатюраларидаги ёрқин безакли бўёқлар қабариб турган сирли халқачаларни эслатади. Ниёзали Холматовнинг асарлари суратнинг мутаносиблиги, композициянинг лўндалиги, хатнинг сиполиги билан фарқланиб туради.

Ғайрат Камолов папе-машедан ишланган қутичалар, упадонлар, безакли тахтачаларни бевосита миниатюра билан безайди. Рассом мавзу танлашда кўпроқ фольклор оҳангларини Навоий дostonларига мурожаат қилади. Ғайрат Камолов ижоди ранг-баранг бўлиб, миниатюра анъаналарининг Оврупо реалистик рангтасвир усуллари билан бирга қўшиб олиб борилиши билан ажралиб туради.

Тоир Болтабоев миниатюралари мавзуси ҳам халқ ривоятлари, афсоналари, ўзбек мумтоз шеърятидан олинган. Ҳис-туйғуларга таяниш ва романтик образли-ҳиссий кайфият унинг ижодига хосдир. Тоир Болтабоев асарларининг ўзига хослиги уларнинг композиция қурилишида кўзга ташланади. Тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар ва персонажлар кўпинча миниатюранинг шартли оларига СИҒмасдан, унинг доирасини ёриб чиқади. Сарғиш, заррин, оч яшил, кўк, қизил ранглар Тоир Болтабоев асарларида ўзига хос жилва қилади. Айрим композицияларда рассом ўз устози Чингиз Аҳмаров асарларидан олинган «кўчирмалар»дан ижодий фойдаланган. Тоир Болтабоевнинг бугунги изланишлари қоғоздаги миниатюра билан ишлай бошлаган 1990-йиллардан сезиларли фарқ қилади. Зеро, рассомнинг бугун яралаётган асарларида ранглар янада бойиб, композициялар ҳам анча эркин тус олган.

Хуршид Назировнинг папе-машедан ишлаган буюмларидаги нақшин мавзулар Шарқ мумтоз шеърятини вакиллари – Лутфий. Ҳофиз Хоразмий ғазалларидаги сюжетлардан илҳомланиш самараси ўлароқ вужудга келган. Хуршид Назировнинг лакли миниатюраси учун безакларнинг мўллиги, воқеаларнинг кўтаринкилиги характерли бўлиб, улар ўзига хос композиция ва рангин воситалар орқали акс эттирилади. Шуниси қизиқки, рассом нақшларидаги қора ранг образлар мазмунини очиб беришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади, айти пайтда Палех миниатюраси анъаналарига эҳтиром маъносини билдиради.

Абдуҳаким Каримов маҳобатли деворий суратни яратишдаги ижодий жараёнини миниатюра санъати билан уйғунликда олиб бораётган истеъдодли мусаввирдир. Ижоддаги ушбу муштараклик мусаввирнинг миниатюра рангтасвири оламидаги ижодий изланишлари доирасини янада кенгайтди. Абдуҳаким Каримовнинг миниатюра асарлари мавзуси Шарқ мумтоз шеърини намоёндалари Навоий, Низомий, Паҳлавон Маҳмуд, Жомий, Лутфий, Фурқат ғазалларидан илҳомланиш самараси сифатида вужудга келган. Ҳис-туйғулар, лирик образлилик руҳий-ҳиссий ижодий кайфият унинг услубиятини белгилайди.

Лакли миниатюра санъати ғоят улкан кунт, маҳорат, билим, нозик ҳиссиёт талаб қиладиган ижод туридир. Ҳозирги миниатюра устаси Шарқ мумтоз миниатюрасининг юксак чўққиларига бироз бўлса-да яқинлашишга интилади. Рассомларнинг навқирон авлодига мансуб ёшлар ўз ижодларида аввало миниатюра санъатининг анъанавий қонун-қоидаларига амал қилмоқдалар. Ўзбекистон Бадиий Академияси Республика рассомчилик коллежининг лакли миниатюра бўлимининг битирувчилари Анвар Исроилов, Жалолиддин Ашрапов, Шоилҳом Шоёқубов, Расул Пўлатов, Абдулла Назиров, Шорасул Шоаҳмедов, Камолиддин Мирзаевлар шулар жумласидандир. Уларнинг айримлари «Усто» ижодий бирлашмасида, бошқалари «Хунарманд» уюшмасида меҳнат қилишади, яна бировлари эркин ижод билан машғул. Ижодкорларнинг Абулқосим мадрасасида жойлашган ҳужралари шинамлиги, уларда саф тартиб турган тайёр қутичалар, қадимги қоғозларга солинган чизмалар, китоблар, бадиий материаллар диққат-этиборни тортади. Эҳтимол, қўлёзма китоблар устида кўз нурини тўккан ўрта асрлардаги мусаввир усталари ҳам ана шунга ўхшаган ижодий муҳит ўраб турган бўлса, не ажаб: бу ерда ниҳоятда сокин ва осойишта руҳият ҳамда орзу-ниятлар ҳукм суради. Бу рассомлар ҳали ёш бўлишларига қарамай, уларнинг ҳар бири ўз шогирдларига эга. Бадиий анъаналарнинг давомийлиги, Шарқдаги таълим шаклларида бирининг ўзига хос хусусиятлари ҳам ана шунда намоён бўлади. Ёш миниатюрачилар асарларида Шарқ миниатюрасининг бадиий-услубий ўзига хос хусусиятлари: тасвирнинг мажозийлиги, рангларнинг безакбоплиги, суратлардаги нафосат, ижронинг пухталиги сақлаб келинмоқда. Ёш усталар тошқоғозни тайёрлашнинг қадимий услубини сақлаб қолган ҳолда, фақат табиий бўёқ кукунларга тухум сариғини қўшиб ишлатишмоқда. Ўрта асрлардаги миниатюрачи рассомлар кўпинча қолиплардан фойдаланишган, вақти келиб ўз композицияларини яратиш мақсадида узоқ вақт давомида машҳур усталарнинг расмларидаги айрим унсурлардан нусха олишган. Лакли миниатюра жанрида ишлаётган ҳозирги ёш рассомлар ҳам ўз амалиётларида ана шу тамойилни қўллашмоқда. Улар миниатюранинг бадиий қонун-қоидаларини авайлаб сақлаган ҳолда тарихий ва замонавий мавзуларда муаллифлик композицияларини яратишмоқда. Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомийнинг «Хамса», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Навоийнинг «Хамса» дostonлари ва бошқа тарихий-адабий манбалар қаҳрамонлари ёш усталарнинг лакли нақшларида яна қайта гавдаланмоқда. Ўзбекистоннинг

ҳозирги санъатида миниатюра оддий бир тур бўлмай, балки лакли миниатюра, деворий нақшлар, мато ва чармдаги миниатюрани ўз ичига оладиган кенг қамровли бадиий-услубий йўналишдир. Бугунги кунда миниатюра санъати айнан равнақ палласидадир, миниатюрачи рассомлар доираси кенгайиб, асарларида бадиийлик юксалиб бормоқда.



2. Оддий нақш намуналарини қаламда ва рангда ишлаш.

Оддий нақш намуналарини қаламда ва рангда ишлашдан олдин ўқувчиларни наққошликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва хом ашёлар билан таништирилади. Устахоналарни ташкил этиш, жиҳозлаш, иш куруллари, қадимий ва замонавий ашёлар билан ишлаш услуби ҳақида тушунчалар берилади. Қоғоз турлари, ватман, ярим ватман, қизил, кўк ва оқ ўчирғичлар, қалам турлари, чизғичлар, паргор ва мўйқаламлар, бўёқлар, палитра, иш коржомаси ва бошқалар билан таништирилади. Қаламни тўғри очиш ва катак дафтарда ҳар хил қалинликда тўғри чизиклар чизиш машқлари бажарилади. Ўсимликсимон ва рамзий нақш белгиларини чизиш геометрияси, нақш ва унинг турлари ҳақида тушунчалар берилади. Нақш белгиларини табиатдан қайта ишлаб олиш ва композициялар ҳосил қилиш, нақш композициясида компоновка, симметрия ва ассиметрия, ритм, стилизация, шаклларни тенг қисмларга бўлиш, динамика ҳақида ўқувчиларга тўлиқ тушунчалар берилади. Ҳар хил чизикларни кўз билан чамалаб тенг бўлақларга бўлишни ва уларни чизишни ўрганиш йўллари тушунтирилади. Ўсимликсимон нақш белгилари барглари, гуллар, ғунча, марғула, таноб, шукуфта, шунингдек, рамзий нақш белгилари ва бошқаларни чизишни машқ қилишади.

Оддий нақш намуналарини қаламда чизиш. Композиция асослари ва дастлабки тушунчасини тўлиқ ўзлаштирган ўқувчи энди оддий нақш намуналарини ҳосил қилиш геометрияси ва уларни чизиш қонун-қоидалари билан танишади. Оддий нақш намуналари кўйидаги босқичда қаламда бажарилади. 1-машқ. Бодом гул (1-гул), 2-машқ. Як рафтор (2-гул), 3-машқ. Баргли рафтор ислими (3-гул), 4-машқ. Баргли ислими (4-гул), 5-машқ. Айлана шукуфтли ислими (5-гул), 6-машқ. Меҳроб ислими (6-гул), 7-машқ. Ислими бофта (7-гул), 8-машқ. Қўш меҳробли ислими (8-гул), 9-машқ. Патнисгул ислими (9-гул), 10-машқ. Ислими шукурта (10-гул). Оддий нақш намуналарини катак дафтарда қаламда чизиш машқ қилингандан сўнг альбомга чизилади.

Шаклларни тенг қисмларга бўлиш. Шаклларни тенг қисмларга бўлиш худди марказ топиш каби катта аҳамиятга эгадир. Чунки шакллар тўғри қилиб тенг қисмларга бўлинса, композициядаги симметрия, ритм бузилмай шакл нафис бир текис ҳаракатда чиройли чиқади. Бундан ташқари чизилаётган нақш ёки шаклнинг бир қисми чизилиб, қолган қисмига эса нусха кўчириш орқали чизилади.

Композицияда маром (ритм). Маром тартиби умумий ёки шаклнинг қурилиши бошқа муносабатлардан ҳам таркиб топиши мумкин. (Нюанс, контраст) оддий ва ирратсионал, шунингдек мутаносиб муносабатлар белгилари, аниқроқ қилиб айтганда маром, шакл ва улар оралиғининг биринкетин чизиқли жойлашуви ўрнида юзага келади. Буюмларнинг умумийликда жўнгина маромлик жойлашувининг оддий кўриниши ўлчамда тартибдир. Шакллар қурилишининг маромий тартиби қисмларнинг тенглигини ифода қилади (ёки уларнинг ташқи жиҳат хусусиятлари ёки жойлашув мутаносиблиги). Масалан, думалоқ ёки учбурчак юзаларнинг ҳажми томонлари бир-бирига ўхшайди ва думалоқ шар марказидан бир хил масофада жойлаштирилган, учбурчакда эса қурилишига биноан амалга оширилган. Маром муносабат ўрнида юзага келиб, биринчидан, маромли қаторларнинг турли кўринишларида шаклнинг жамланиш умумийлиги буюмларнинг бир қисмидан таркиб топиб, иккинчидан, шаклнинг маромли қурилишининг турли кўринишларида буюмнинг бутунлиги ёки бир бўлаги, шаклни ташкил қилувчи қисмлардан таркиб топиши тартибини ташкил этади. Биринчи йўналишда мустақил кўринишга эга буюмларнинг ногаҳон боғлиқлигини илғаймиз, иккинчи йўналишда ҳажм ва жойлашиш ўрни жиҳатидаги қисмларининг ўзгаришини унчалик билинмайдиган, сезилмайдиган тўғрибурчак томонларидан билиш мумкин. Содда қилиб айтганда, ритм-нақш белгиларини маълум масофада бир текис такрорланиб кетиши бўлиб, нақшдаги ҳаракатларнинг узлуксиз кўринишини таъминлайди.

Мутаносиблик-пропорция. Композициялар тузишда кенг атрофлилик ва мутаносиблик услубларининг қўлланилиши муҳим аҳамият касб этади. Уларни ягона ва яхлитликка жамлаш белгилар муқобиллиги (томон, баландлик) билан боғлиқ бўлади. Белгилар жуссаси ва шаклнинг мутаносиблиги жисмнинг сифат томонлари, унинг қимматини белгиловчи вазифа-

ларини ифодалаши мумкин. Масалан, қоғознинг ҳажми ва мутаносиблиги (30x20 см) талабаларга монанд, энг муҳим танлов натижасида шаклланган. Биринчидан, бундай ҳажмдаги варақ аниқ кўриниш майдонидадир. Иккинчидан, унда шундай матн ҳажми жойлашадики, у ёзишмаларнинг одатий тус олган шакллари жамлашга мўлжалланган. Учинчидан, қоғознинг юқорига қаратилган қисми машинкаланишнинг давомийлигига мос келади. Бундан ташқари қоғознинг тузилиши ўқиш ва олиб қўйиш учун қулай ва папка-портфелларда ташишга мослаштирилган. Айтиш мумкинки, унинг ҳажм мутаносиблиги яхши ўйлаб топилган бўлиб, унга ўрганиб қолганмиз. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, асбоб ёки маҳсулот вазифаси маълум бир математик муносабатларда кўринади, у мутаносиб қурилмада акс этиб, маълум бир эстетик таъсир воситасига эгадир. Шунинг учун мутаносиблик шакллари унинг мазмунидан ажралиш мумкин эмас (жисм ёки нарсаларнинг ўзаро белгиси). Буюмнинг бирор ўлчами – умум тизимининг таркибий қисми ёки монандлигини шаклланиш шартларига биноан юзага келади ҳамда турлича содда рационал ва мутаносиб муносабатларни қамрайди. Мутаносибликни солиштириш чоғида кўзимизда ўз нигоҳий ҳаракати билан уч ўқли ўлчамни илғайди. Солиштиришнинг бу кўринишида буюм қисмининг фақат шакл ва улуғворлигини илғамай, уларнинг математик боғлиқлигини, моддаларнинг вақтли фарқи аниқланади. Кўп қисмли шаклларнинг мутаносиб қурилиш таркибини ўзлаштирар эканмиз, кўзимиз бир вақтнинг ўзида шакллар турличалигини, маълум биргаликда уларнинг жойлашиши, фанларнинг келиб чиқиш тизими, фарқни вақт жиҳатидан белгиларининг давомийлигини, унинг биргаликда жойлашиш аниқлигини, нарса хусусиятидан чиқишини ўрганади. Шунга биноан инсон нарса-буюмларнинг ишлатилиш фарқини англайди. Буюмларнинг мураккаблик шакллари кўра уларнинг кўринишини баҳолаш чоғида ҳар томонлама хулосаланиб ёки айрим хусусиятларига кўра фойдаланилади. Оддий шаклларнинг соясини англаганимизда, масалан, тўғри тўртбурчакли, тўғри бурчакли ёки уларга яқинроқ шакл солиштирилганда, уларнинг фарқлари, муносабати қуйидагича юзага келади:

- а) шаклларнинг чегаралари унинг умум кўриниш мезони муносабатини эслаш ҳисобига қабул қилинади (фарқ);
- б) шакл ҳажми бошқа белгига ёки қоғозга муносабатига эътиборан ўрнатилади (содда муносабат);
- в) томонларнинг муносабати ўрнатилади, уларнинг катталиги ва ривожланиши икки ўқларига кўра ўлчанади;
- г) бир хил ёки яқин белгилар топилади, томонлар ёки қирралар;
- д) буюмнинг ҳамма томонларининг бараварлик муносабатига кўра белгиланиб, шулар натижасида юзага келган чизма тасвир контурга кўра (метр ёки маром).


Табиийки, қабул қилиш жараёни шу жиҳатларга кўра давомийлиги билан қарор топади. Аммо биринчи даражада буюм ўрганилиб, расмнинг сояси яққол кўзга ташланадиган томонлар бўртиб, турли муносабатларига

кўра шаклланади. Бу мураккаброқ шаклларга ҳам фарқланади. Масалан, тураржой биносини ажратадиган умумсоя (томонлари муносабати) ва ойнанинг тури мисолига олиш мумкин.

Контраст (фарқ). Контраст маҳсулот деталлари хусусиятини муқобиллаштирувчи восита бўлиб, таркиблар бадиий қимматини функционал мослигига таъсир қилувчи композиция шартига кўра юзага келади. Контраст солиштиришнинг соддароқ, кескин фарқларини, ташқи кўринишдаги ўзига хос белгиларни аниқлайди. Контраст хусусиятларини баҳолашда буюмларни солиштириш жараёнида катталиги, жойлашиш кўринишига кўра тасвирланадиган шакл ўрнида тақдим қилиниши мумкин. Солиштириш жараёнининг айрим ўлчамида контраст кўз ҳаракати билан аниқланади. Тўғри чизиққа яқини майдонига кўра солиштиришда ҳажми цикл умумий фарқловчи натижа бўлиб кўринади. Биринчи навбатда, тасвирнинг умумловчи натижаси бўлиб юзага келади. Шаклларни аниқлашда контрастли муносабат тасвир чизиқларини нигоҳ билан солиштириш натижасида таъсир этади, ранг фарқини ажратиш танланган жой хусусиятига кўра ажрим бўлади.


Фарқланиш муносабатлари ташқи эҳтиёжларнинг барча белгиларига кўра солиштирилганда биринчи таассурот бошқа муносабатлардан фарқ қилади. Контраст белгиси ёруғлик кўзимизга тушиши билан аниқланади. Қиёсланувчи ранглар ёритилгандан сўнг, электр учқуни ёруғлиги таъсири натижасида сезилади. Жило буюмларнинг ташқи кўриниши ва катталиги унинг яхши хусусиятларидан биридир ва ранги, чизматасвир, жуссаси жойлашишидан юзага келади. Бу бир хил заруратли буюмларни билишда кўпинча қўл келади. Жило – солиштиришнинг мураккаблашган жараёни бўлиб, кўзнинг бир қатор ҳаракатларидан ташкил топади. Катталикнинг жилоли хусусияти шакли, юзи, кўз ҳаракатлари умумийсидан юзага келган арзимаган фарқлари билан ажралиб туради. Ранглар орқали жилолаш, арзимаган кўзғатишлар орқали ҳам ҳис этилади. Мураккаброқ жилоли шакллар юзага келиши, шу жумладан, ўрнашганлиги ва унинг қурилишидаги эгалланган ўрни ҳам юзага келади.

Нюанс. Солиштирилаётган жисмларнинг катта-кичиклиги, чизматасвири, ранги, ҳажми, жойлашиши, ташқи кўринишидаги яқин хусусиятлар нюанс дейилади. Бу бир хил турдаги жисмлар ва қисмлар орасидаги нозик белгиларни ажратиш имконини беради. Нюанс кўзнинг бир қатор такрорий ҳаракатидан иборат анча мураккаб солиштириш жараёнидир. Жисмнинг нюанс хусусияти буюмнинг катта-кичиклиги, шакли, сатҳи ва тавсифи тизимидаги арзимас фарқ, кўзнинг такрор ҳаракатидан синчковлик билан умумликда сезилади. Ранглардаги нюанс олинадиган синчковлик таъсири остида арзимас фарқни сезишда билинади. Шаклдаги нюансни сезиш, шу жумладан, унинг ҳажмий ва фазовий қурилиш нюанс ҳам энг мураккаб ҳисобланади.



1-гул


2-гул



3-гул


4-гул

Оддий нақш элементларини босқичлар бўйича чизиш.




5-гул

6-гул



7-гул

8-гул



9-гул

10-гул

3. Оддий нақш намуналарини бўяш

Рангшунослик ва бўёқлар билан ишлаш. Ўқувчилар бўёқ ва унинг турлари билан таништирилади. Қадимда бўёқ тайёрлаш усули пигмент, акварел, гуаш, минерал бўёқ ва унинг турлари, мой бўёқларни ишлатиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилади. Мўйқалам турлари ва уларни ўз ўрнида ишлата олиш йўллари, мола, оби ва сиёҳқаламларни ўз ўрнида ишлатиш ўргатилади. Гуашда оддий машқлар бажарилади. Рангларни турлаш, юзани текис бўяшни яхшилаб ўрганиш, альбомда бир қанча машқлар бажариш, оддий нақш намуналарини бўяш усуллари, рангларнинг уйғунлиги колорити ҳақида тушунча берилади. Рангларнинг ҳар бир нақш композициясига мослаб танланиши, наққошлар Ёқубжон Рауфов, Абдулла Болтаев, Олимжон Қосимов, Жалил Ҳакимов, Саидмахмуд Норқўзиев, Анвар Илҳомовлар ижоди ва нақшларининг бўялиши билан таништирилади. Нақшларнинг яхши бўялмаслик сабаблари ҳамда нақш намуналарини бўяш

босқичлари билан тўлиқ таништирилади. Нақш заминини бўяш, унинг бандлари ва гулларини ранг бериб турлаш, барг ва гулларига тарғил бериш, агар нақшда оқ банд бўлса, уларни тортиш, нақшнинг обисини тортиш билан таништирилади. Аввалги машғулотларда чизган нақшлар намуналари замини рангларда ишланади. Бажарилган ишлар якунланади. ўқувчиларга келгусида мустақил ишлашга маслаҳатлар ва кўрсатмалар берилади.

Оддий нақш намуналарининг банд, гулларини бўяш ва уларга тарғил бериш. Ўқувчиларга оддий нақш намуналарини банд ва гулларига мослаб ранг тайёрлаш ва уларни бўяш ўргатилади. Рангларни уйғун ва монанд чиқиши кузатиб борилади. Оддий нақш намуналари бодом гули, як рафтор, баргли рафтор ислими, баргли ислими, айлана шукуфла ислими, меҳроб ислими, ислими бофта, кўш меҳробли ислими, патнисгул ислими ва шкифтли ислимиларнинг банд ва гулларини бўяш ўргатилади. Тарғил пардоз беришнинг бир тури экани ҳақида тушунчалар берилади. Тарғил гул ва баргларнинг ўзидаги сояси, тарғил беришдаги дастлабки машқлар, турлари ва ўнга хос томонлари ўргатилади. Албом варағида тарғил беришнинг бошланғич, содда машқлари, оддий нақш намуналарининг гулларига, баргларига ва ғунчаларига тарғил бериш амалий машқларда бажарилади.

Оддий нақш намуналарининг оқбандлар ва обисини тортиш. Нақш намуналарининг оқ бандлари ва унинг турлари, оқ бандлар тортишнинг ўзига хос қонун-қоидалари билан танишиш, оддий нақш намуналарининг оқ бандларини тортиш босқичларини кузатиб бориш, оддий нақш намуналарига оқ банд тортиш, оби ва унинг турлари, оби тортишнинг қонун-қоидалари ўрганилади. Оби учун коллер тайёрлаш, усталарнинг ишларини таҳлил қилиш, оддий нақш намуналарининг обисини тортишни машқ қилиш.



Оддий нақш намуналарини рангларда ишлаш

4. Айлана ва бошқа кўп бурчак юзларига нақш ёки миниатюра композицияси ишлаш.

Композиция сўзи лотинча «смпозито» сўзидан олинган бўлиб, тузиш, бирлаштириш, боғлаш, турли хил белгилари бир бутун яхлитликка бирлаштириш ва бирон-бир ғояни мадҳ этиш маъносини билдиради. Композиция – санъатнинг барча йўналишида қўлланилади. Дизайн ва амалий санъатда у лойиҳалаш деб аталади. Мусаввир турли шакл ва манзараларни бир-бирига нисбатан солиштириб ва жойлаштириб нафис санъат асарини яратади. Композициялар яратиш учун, албатта, компановкага, симметрия ва ассиметрияга, ритм, стилизация, марказни топиш, шаклларни тўғри, тенг тақсимлашга, ёруғликларни нур ва сояга, рангшунослик қонун ва қондасига тўлиқ риоя қилиш лозим. Табиатда ва ҳаётимизда композициянинг роли, нақш ва миниатюрада даврий такрорланиш, безакнинг динамиклиги, симметриклиги ва марказини топиш, нақшларнинг эркинлиги, нафислиги, ранглар уйғунлиги кабиларни аниқлаш ҳақида ўқувчиларга тушунчалар берилади. Композиция тузиш методикаси, композицияда нақш белгиларидан фойдаланиш йўллари, табиат ва воқеаликни композицияда акс эттириш, композицияга ном қўйиш, меъморий ёдгорликларга бориш ва у ерда усталарнинг нақш композициясини таҳлил қилиш каби босқичларни амалда бажарадилар. Оддий нақш намуналарини қаламда чизиш ва рангларда бўяш вазифаларини тўлиқ бажарган ўқувчи, кейинги босқичдаги вазифа айлана ва бошқа кўп бурчак юзларига нақш ёки миниатюралар композицияларини ишлаш босқичига ўтади. Ўқувчи олдинги дарсларда олган билими асосида, оддий нақш намуналари бодом гули, ислими як рафтор, баргли рафтор ислими, баргли ислими, айлана шукуфта ислими, меҳроб ислими, ислими бофта, қўш меҳробли ислими, ислими патнисгул, ислими шукуфта нақш намуналари иштирокида мустақил янги композиция чизадилар. Уч, тўрт ва кўп бурчак, айлана шаклига қонунқоидаларига асосан ўқувчилар оддий ва мураккаб нақш композиция лойиҳаларини яратибгина қолмай, содда кўринишдаги миниатюра композицияларини ҳам яратадилар.

Тенг ёнли учбурчак. Тенг томонли учбурчакни чизиш учун дастлаб паргор ёрдамида доира шаклини чизиб, уни марказий нуктасидан ўқ чизик ўтказилиб, доира шакли учга бўлиниб нукталари бир-бирига туташтирилади ва маркази аниқланади. Марказдан учбурчак томонларининг ўрта нуктаси топилиб бурчак нуктаси билан туташтирилади ва уч бўлакка бўлинади. Ҳосил бўлган майдончага ислимий нақш ёки миниатюра композицияси чизилади. Композиция ўқитувчи томонидан берилган топшириққа мос бўлиши керак. Учбурчак ичидаги нақш, ассиметрик, симметрик нақшларни чизиш босқичларини ўрганиш, нақшдаги табиийлик, уларга ўзига хос ранглар беришни ўрганиш, ўсимликсимон нақш белгиларидан фойдаланиб, учбурчак нақш композицияларини тузиш ва уларни бўяш каби амаллар бажарилади.

Тўртбурчак ичидаги нақш композициясини тузиш ва бўяш. Энг аввало ўқитувчи томонидан берилган топшириқ асосида амалга оширилади. Тенг томонли тўртбурчакнинг рамзий маъноси дунёнинг тўрт томони, осмон, сарой, қуёш, фарзанд, абадий ишонч, хотиржамлик, мустаҳкамлик маъносини билдиради. Тўртбурчак шакллари ҳажмидан келиб чиқиб доира чизилади ва уни тўрт нуктага бўлиб бир-бири билан нукталари туташтирилади. Туташтирилиш натижасида марказий нуктаси белгиланиб тўрт бўлакка бўлинади. Ҳар бир бўлагига банд куртак, ғунча, гул, бофла, шкифта, банобра бошқа бўлақлардан фойдаланиб оддий ва мураккаб кўринишда композициялар чизилади. Тенг ёнли тўртбурчак томонларининг ҳажми 5–10 см бўлиши ҳамда тенг ёнли квадрат ичига нақш чизишда квадрат ўқ чизиқларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тўртбурчак ичига нақш чизишда берилган ҳажмнинг бурчакларини топишда доира айлана шаклидан фойдаланилади. Тўртбурчак юзасига мослаб нақш чизиладиган композициялар ва уларнинг турлари ҳақида умумий тушунча бериш, уни тузиш қонун-қоидалари, нақш белгилари ёрдамида тўртбурчак юзасидаги нақш композициясини тузиш, усталарнинг ишларини таҳлил қилиш, тузилган композицияни бўяш ва унга пардоз бериш ўргатилади. Тўртбурчак ичида нақш композициясини тузиш ва бўяшни машқ қиладилар.


Айлана ичида нақш тузиш ва бўяш. Ўқувчиларга айлана ичига нақш композициялар чизиш ва уларнинг турлари ҳақида маълумотлар берилади. Унга мослаб нақш композициясини чизиш йўллари ва уларнинг ўзига мослаб бўяш усули ўргатилади.

Геометрик нақшлар. Гулли гириҳ. Гириҳ ва унинг тарихи, гириҳ композиция усталари ҳақида маълумотлар берилади. Гириҳ турлари, белгилари, тўртбурчаклар, учбурчаклар, кўпбурчаклар ва эгри чизиқлар, гириҳ белгиларидан композициялар тузиш йўллари, гириҳ композицияларини ишлаш ва бўяш йўллари тушунтирилади. Гулли гириҳ ва унинг турлари, гулли гириҳ тузиш босқичлари, ҳар хил композициялар тузиш ва бўяш, гулли гириҳ композицияларини тузиш ва уларни бўяш босқичлари ўқувчиларга ўргатилади.

Мунаббат нақши, турунж, намоён ва унинг турлари. Мунаббат тўрт томонга такрорланадиган нақши ва уларнинг турлари ўрганилади. Наққош усталарнинг мунаббат нақшлари таҳлил қилинади. Геометрик, гулли гириҳ ва ўсимликсимон мунаббат нақшлар чизиш ўргатилади. Мунаббат нақш тузиш босқичлари ва уларни бўяш йўллари ўрганиш, мунаббат нақш композициялари тузиш ва уларни бўяш ҳақида ўқувчиларга тушунчалар берилади.

Турунж ҳақида тушунча бериш. Турунж Марказий Осиёда ўзига хос кўринишга ва мазмунга эга бўлган қадимий нақш туридир. Ўқувчиларга турунж ва унинг турлари, геометрик гулли гириҳли ва ўсимликсимон турунжлар, турунж нақш композициясини тузиш ва уни бўяш ҳақида маълумотлар берилади.

Намоён. Унинг луғавий маъноси ҳамда келиб чиқиш тарихи, намоён турлари, ўсимликсимон, гулли гириҳли, геометрик ва бошқа намоёнлар, мураккаб намоён композициясини тузиш ва уни бўяшни ўрганиш қоидалари ўргатилади.



Айлана ва бошқа кўп бўрчак юзаларига нақшкомпозициясини ишлаш

5. Шарқ миниатюра мактаблари.

Араб миниатюра мактаби жаҳон маданияти тараққиёти тарихида Шарқий Арабистон халқлари санъатининг ҳам муҳим ўрни бўлиб, улар кейинги авлодларга қадим юнон-рим маданиятининг кўпгина ютуқларини сақлаб қолиб, уни ривожлантирган ҳолда етказиб келдилар.


IX–XIII асрлар давомида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Эрон, Озарбайжон ва Ўрта Осиё халқлари бир-бирлари билан узвий алоқада бўлиб келган. Боғдод, Шероз, Табриз, Самарқанд каби шаҳарлар маданият ва тараққиётнинг маркази бўлиб, ўзларининг кўзга кўринган олимлари, шоирлари ҳамда фан ва маданият ўчоқлари билан бутун дунёга танилган эди. Бу шаҳарларда математика ва астрономия, фалсафа ва тиббиёт, география ва бадий адабиёт, меъморчилик ва ҳунармандчилик ўзининг юқори ривожланиш босқичига эришган. Унинг ўрнини эса қўлёзма китобларга ишланган безаклар – миниатюра санъати эгаллади. Миниатюранинг юзага келиши ва ривожланиши, араб тилида бадий адабиётнинг равнақи, китобнинг қадимда Шарқда илму маърифат манбаи сифатида юксак қадрланганидан далолат беради. Миниатюра – каллиграфия, саҳифаларни зийнатлаш, мукова безаги билан бир қаторда қўлёзманинг энг асосий мураккаб декоратив белгиларидан бирини ташкил қилади. Миниатюранинг асосий аҳамияти матн мазмунини тушунтириш ва умуман олганда, дунёвий характерга эга бўлган асарларни безашдан иборат бўлган. Асосан, проза, поэзия, илмий трактатлар, тарихий хроникалар акс этган асарларга миниатюра ишланган. Улар орасида «Калила ва Димна» ҳикоялари, юнон врач Диоскориднинг «Фармакология»,

Рашидиддиннинг «Жамъиут таворих» асарлари бор эди. Ўрта аср қўлёзмалари фақат гуаш бўёқлари билан ишланган. Бу бўёқлари тайёрлаш усули Яқин Шарққа VIII асрда Марказий Осиё орқали Хитойдан ўтган. Маданият марказларини вайрон қилган, тез-тез содир бўлиб турган босқинчилик урушлари туфайли илк араб миниатюралари деярли сақланиб қолмаган. Бизгача етиб келган араб миниатюрачиларининг асарлари ҳам асосан XIII асрга тааллуқлидир. Ҳозирги вақтга келиб араб миниатюраларини ўрганувчи мутахассислар қўлёзмаларни безашнинг 3 та даври ва худудий, бадиий маркази мавжуд эканлигини эътироф этади. Булар фотимийлар сулоласи даври (X–XI асрлар), Сурия (XIII асрнинг биринчи ярми) ва Ироқ (XIII аср) миниатюра мактабларидир. Буларнинг марказлари Мосул, Боғдод ва Восит шаҳарларида бўлган. Шартлилик ва декоративлик принциплари асосида қурилган, ўзига хос кўриниши бўлган араб миниатюралари ўрта аср Шарқ рангтасвири сифатида ўзининг такрорланмас образли бадиий тилига эгадир. Миниатюраларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, тасвирининг сатҳи юзидалигидир. Бу хусусият қўлёзманинг декоратив услуби, серҳашам зийнатлар, шамс, лавҳалар, зарварақ ва бошқа безаклари каби китобнинг зийнатлари, унинг тузилиши характеридан келиб чиққан. Бизга маълум бўлган илк араб миниатюралари фотимийлар сулоласи даврида ишланган бўлиб, XI асрга тааллуқлидир. Оҳорланган қоғозга ишланган одамлар қиёфаси, хатти-ҳаракатлари содда ва яхлит ҳолда тасвирланган. Сурия қўлёзмалари бўлмиш Диоскориднинг «Фармакология»си, «Калила ва Димна» асарларига ишланган безаклар XIII асрнинг бошлари ва ўрталарида араб миниатюрасида Ризантия ва Сосонийлар (қадимги Эрон) санъатининг кучли таъсирига қарамасдан янги бир босқични бошлаб беради. Баъзи қўлёзмаларда XIII асрнинг биринчи ярмидаги «Мухтор ал-ҳаким ва Мухассин ал-Калим» (Ал-Мубоширнинг «Танлаб олинган доно фикрлар ва сўзловчининг гўзаллиги») асари қўлёзмасидаги расмлар манзара тасвири ёки меъморчилик кўринишлари билан бойитилган. Кишилар қиёфасининг тасвирида табиийликка интилган. Кийимларнинг букланганлиги тасвирланган. Араб китоб безакчилигининг раванқ топиш даврини Ироқ миниатюра мактаби бошлаб берди. 1224-йилда Боғдодда Абдуллоҳ ибн Фадл томонидан кўчириб олинган Диоскориднинг «Фармакология» асари қўлёзмаси ана шу мактабга тааллуқлидир. Бу қўлёзманинг беагани ҳам Абдуллоҳ ибн Фадл ишлаган деб тан олинган. «Фармакология» асаридаги миниатюралар ҳам бошқа асарлардаги каби матнни тушунтириб берадиган услубда лўнда қилиб тасвирланган. Мана шу маънода тозалагичларнинг қурилишини тушунтираётган Диоскоридни тасвирловчи миниатюра диққатга сазовордир. Миниатюра аниқ чизиқлар орқали кўрсатилган ва ёрқин рангларда ишланган, катта қомат ва буюмлар кўриниб турган матнлар орасидаги саҳифаларнинг сариқ фониди акс этган. Ироқ миниатюра мактабининг энг ажойиб асарларидан бири Ал-Ҳаририйнинг Абу Зайд ас-Саруджининг (ўрта асрлардаги Насриддин Афандининг прототипи) бошидан кечирганларини тасвирлаб берувчи «Мақом» асарида ишланган иллюстрациялардир.

«Мақом» асарининг иккита ажойиб кўлёмаси Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтида (С-23, 1230-й) ва Париждаги Миллий кутубхонада (1237-й. Ачава № 5847) сақланмоқда. Парижда сақланаётган асарнинг миниатюраларини Воситли Яхё ибн Маҳмуд ишлаган. Ал-Ҳаририйнинг «Мақом» асарига ишланган миниатюралар сюжетнинг кўплиги ва хилма-хиллиги билан кишини лол қолдиради. Булар, бозордаги масжид, қозихонадаги кўринишлар, шодиёна зиёфатлар, қабул қилиш маросими, афсонавий воқеалар, ҳайвонларнинг ажойиб тасвирлари бўлиб, ҳаётининг воқеанинг бутун мавжуд бойликларини иккала рассом ҳам турли ҳаракатлар орқали чизишган. Рассомлар асардаги меъморилик тасвирига алоҳида эътибор берадилар. Бу расмдаги шифтдан пастга осилиб тушган улкан чироқлари бор масжид кўриниши ва у билан ёнма-ён турган минора тасвирида кўзга яққол ташланади. Ўзига хос кўринишга эга бўлган ҳовлилар, гўё бу ҳовлининг девори олиб ташлангану, томошабин унинг ичини кўриб тургандек. Умумий кўриниш одати бир ёки икки хил бўлган аркни тутиб турган нозик устунлар орқали бўлинган. Шу бўлинмаларнинг бирида иккинчи қаватга олиб борадиган зинапоя тасвири ҳам учрайди. Унинг ёнида эса, йўлакда улкан минора жойлашган. Бу минора бинонинг олди кўринишини ифодалайди. Бир бўшлиқда иккита ҳар хил йўналиш (ички ва ташқи)ни уйғунлаштирган миниатюралар меъморилик қурилишини тасвирлашда катта ютуққа эришган. Манзарани тасвирлашда эса, Ал-Ҳаририйнинг асарларини безовчилар рамзий ифода воситаларидан кенг фойдаланганлар. Бунга миниатюранинг пастки қисмидаги кўм-кўк яшнаб турган ўтлоқ тасвири туширилган торгина йўл ёки экзотик ўсимликлар ва дарахтлар тасвири туширилган унча баланд бўлмаган тепаликлар мисол бўлади.

«Мақом» асарида ҳайвонлар, туялар жуда жонли қилиб тасвирланган. Парижда сақланаётган Яхё ибн Маҳмуд асаридаги «Туялар карвони» миниатюрасида ўтлаётган пода ифода этилган. Ҳайвонлардан бири узун бўйинини чўзиб ўтаётган бўлса, бошқалари бошларини тик кўтарган ҳолда туришибди. Бир-бирларининг орқасидан кетма-кет жойлашган бу ҳайвонлар ранг жиҳатдан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бу эса расмдаги ранглар уйғунлигини алоҳида бўрттириб кўрсатади. Баъзи миниатюраларда биз араб рассомларининг битта кенгликда ранг-баранг кийим-кечак ва бош кийимлари билан ажралиб турган персонажлари катта бир гуруҳ сифатида тасвирлашга уринганликларини кўриш мумкин. Бунга мисол қилиб, Яхё ибн Маҳмуднинг «Байрам сайли» миниатюрасини кўришимиз мумкин. Бу миниатюраларда байроқлар кўтариб олган отлиқларнинг дўмбира, карнай чалиб байрам шодиёнаси бошланганлигидан хабар беришаётганликлари акс эттирилган. Улар барваста гавдали, киррабурун, кўзлари ҳам йирик кишилар қиёфасида тасвирланган. Уларнинг ички дунёси, ҳаракатлари бир қарашдаёқ кўзга ташланган ҳолатлари ва кийимлари орқали акс эттиришга ҳаракат қилган. Баъзи бир кишилар бошини олтин олов тасвири ўраб турибди. XII–XIII асрлар араб миниатюраларнинг образли қурилишини «Минг бир кеча» эртакларидаги мавжуд ва фантастик, ёрқин ва таъсирчан ранг-баранг лавҳалар билан

ҳам тенглаштирилади. Араб миниатюралари феодализм даврининг Шарқ тарихида китоб безакчилигининг бизгача илк маълум бўлган бир босқичидир.



6. Эрон миниатюра мактаби.

Осиёда энг йирик давлатлардан ҳисобланган Эрон инсоният тараққиёт-нинг энг қадимги марказларидан биридир. Бу ерда неча минг йиллар давомида меъморчилик, улкан қурилишлар ва қояларга ишланган монументал рельефлардан тортиб, нозик тошдан ўйиб ишланган буюмлар, сопол идишлар ва ажойиб миниатюраларгача яратилди. Эрон миниатюра-сини кўздан кечириб чиқишдан аввал, қисқа бўлса-да, тарихга назар ташлаш жоиздир. VII асрнинг ўрталарида Эрон араблар томонидан босиб олиниб, араб халифалигига қарам бўлиб қолди. Эрон бу қарамликдан IX–X асрлар-дагина озод бўлди. Араблар ўзлари билан янги ислом динини олиб келишди. Ислам дини маҳаллий бадийий анъаналарнинг йўналишига катта таъсир қилади: биноларнинг янги типи бўлмиш масжидларни қуриш шарт бўлади, тасвирий санъатни ривожлантиришни чеклайди (инсон қиёфасини тасвирлашни ман қилади); безакли нақш санъатининг ривожланиш сурати тезлашади. X асрнинг бошларида Эроннинг шарқий вилоятлари марказий осийликлар ҳокимияти тепасида турган сомонийларга ён босади. Бунинг оқибатида Марказий Осиё ва Эрон халқларининг маданий алоқалари йўлга қўйилади. X–XIII асрларда феодализмнинг ривожланган даври – Эрон санъатининг ривожланишида энг муҳим босқич бўлди. Чунки бу даврда меъморчиликнинг асосий шакли, тасвирий санъат, бадийий ҳунармандчилик равақ топади. Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси Эрон шу вақт ичида икки марта – XI асрда салжуқий турклари ва XIII асрда мўғуллар томонидан аёвсиз босқинчилик

юришига учраган оғир тарихий даврларда юз беради. Аммо мамлакат учун энг оғир бўлган пайтда ҳам халқчил, ҳаётбахш манбалар чинакам санъат асарларининг юзага кетишига сабаб бўлди. Санъатлар ичида, энг аввало, Эроннинг ажойиб шеърияти барқ уриб ривожланди. Эрон адабиётидаги машҳур «Шоҳнома» дostonнинг муаллифи Абулқосим Фирдавсийнинг бу борада тутган ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. XI–XII асрлар мобайнида файласуф шоир Умар Хайёмнинг ўша давр учун янгилик бўлган чуқур мазмунли рубоийлари дунёга келади. XIII–XIV асрлар эса «Гулистон» ва «Бўстон» номли ўлмас асарлар муаллифи шайх Саъдийнинг номи билан машҳур. Уларнинг асарлари энг моҳир хаттотлар томонидан меҳр-муҳаббат билан кўчириб китоб қилинган, ажойиб миниатюралар билан безатилган, қимматбаҳо муқоваларга ўралган. Эрон миниатюра санъати дунёвий ранг тасвирининг энг ёрқин тарихий саҳифаларидан биридир. Бу санъатнинг бизгача етиб келган биринчи ёдгорликлари XI аср бошларига тааллуқлидир, аммо миниатюра жанрининг сосонийлар давридаёқ (III–асрлар) мавжуд бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Форс миниатюраси китоб иллюстрацияси шаклида юзага келиб, то XVI асргача ҳам китоб ва қўлёзма варағи билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади.

Тошкентдаги Шарқшунослик институтида XIV асрнинг иккинчи ярмига тегишли Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса» асари қўлёзмаси сақланмоқда. Бу асардаги иллюстрацияларда лирик сюжетлар асосий ўринда туради. Кам фигурали композициялар ранг жиҳатдан жуда гўзал бўлиб, чизиқлар ва ранглар мутаносибликда ритмик уйғунликка эга, нафислик билан соддалик узвий боғланиб келган. Бошланғич Шероз мактаби учун хос яна бир хусусият кўзга яққол ташланиб туради: бу манзара асар яратишга кучли қизиқишдир. Бу ерда манзара тасвирига биринчи марта катта эътибор берилганини, унинг аниқлаштирилганини кўриш мумкин. XV асрнинг биринчи ярмида Шерозда китоб санъати юксак даражада ривожланган эди. Миниатюранинг бадиий тили бойиб, етукликка эриша бошлаганди. XIV асрнинг бошларидаги асарлар ичида 1410 ва 1420-йиллардаги «Форс шеърияти мажмуаси» (Гулбенкан мажмуаси, Лиссабон) ва 1425-йилдаги «Шоҳнома» (Бодлее кутубхонаси, Оксфорд) қўлёзмалари бирмунча қизиқарлидир. Шероз ҳокими Искандар Султон учун яратилган «Мажмуа» миниатюраларда Низомий дostonидаги бош қаҳрамон Хусравнинг мураккаб образи икки жиҳатда ёрқин тасвирланган. Хусрав – ботир ва жасур қаҳрамон, шу билан бирга айшу ишратга, кайфу сафога берилган беғам ҳоким. Аммо, афсуски, номаълум рассом томонидан яратилган бу асарда образнинг ҳамма қирралари тўла очиб берилмаган бўлсада, дostonнинг хиссий руҳига бирмунча яқинлашган.

XVII асрда Эрон рангтасвири, энг аввало, XVI аср охирларида сафавийлар пойтахтига айланган Исфаҳон шаҳри билан боғлиқдир. Миниатюранинг Исфаҳон мактаби маҳаллий мактабларни ўзида бирлаштириб, шу даврнинг янги бадиий ғояларини ифодалаб беради. Исфаҳон мактаби рассомларини инсоннинг ички дунёсини ифодалаш қизиқтира бошлади. Манзара белгилари билан тўлдирилган портрет жанри ривожланди. Миниатюрада ёрқинлик ва кўпранглилик йўқола бошлади. Енгил ранг

берилган чизиклар муҳим аҳамият касб этди. Бу даврда Эрон миниатюрасида биринчи марта Европа рангтасвирига хос нур ва соя, жанрга хос кўринишлар, европача либосдаги персонажлар юзага келди. Исфаҳон мактабининг асосчилари ва яратувчилари Оға Ризо ва унинг машҳур шогирди, издоши Ризо Аббосийдир. XVII асрнинг иккинчи ярмида рассом Али Қули Жаббор Италияда таълим олган Муҳаммад Замон етишиб чиқди. Ризо Аббосий шоҳ Аббосий шоҳ Аббос I саройида сарой рассоми эди. Ўзининг замондошлари бўлмиш кўпгина рассомлар сингари Ризо Аббосий ҳам миниатюраларини алоҳида варақларда ишлаган. Нафис чизгилар, гўзал, тиниқ рангтасвир асарларининг моҳирона устаси бўлган рассом ўз замондошларининг индивидуаллаштирилган портретларини яратишга интилан. Бу мақсадга эришиш учун рассом натурага қараб ишлаган, деган фикрда жон бор. Чунки унинг инсон гавдаси ҳаракатларини, имо-ишоралари ва ҳолатларини тасвирлайдиган ҳаётий лавҳалар, эскизлар сақланиб қолган.



Замонавий Эрон миниатюраси

7. Қутичага табиат, ҳайвонот олами ва инсон қомати акс этган композициялар ишлаш.

Қутичага табиат, ҳайвонот олами ва инсон қомати акс этган композициялар ишлаш учун ўқувчилар турли ҳажмларда қутичалар тайёрлайди. Аниқ ўлчамга асосан композиция асослари қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда турли эскизлар ишлайдилар. Композиция эскизларини ишлашдан аввал ўқувчи тўрт босқичдан иборат материаллар тўплайди. Бундай ашёларнинг кўплиги композиция эскизининг ечимини тез топишга ёрдам беради.

1-машқ. Табиатдан ўсимликлар, гуллар, дарахтлар, тоғ-тошлар, сув, булутлар тасвирини ишлаш. Табиатдан ўсимликлар, гуллар, дарахтлар, тоғ, тошлар, сув, булутлар ва турли паррандалар, товус, лайлак, турна, қирғовул, каклик, бургут, калхат, лочин, зағизғон, кабутар, қалдирғоч ва бошқа

қушларнинг қоралама тасвирини қалам ва турли ашёларда ишлайдилар. Қаламнинг бир неча турлари бор. Улар графит қалари, пастел, сангина, соус, кўмир қаламлар.

1-машқ. Турли қуш, паррандалар тасвирларини қалам ва сув бўёқда ишлаш. Табиат музейига ёки ҳайвонот боғига бориб турли паррандалар товус, лайлак, турна, қирғовул, каклик, бургут, калхат, лочин, зағизғон, кабутар, қалдирғоч ва бошқа қушларнинг қоралама ва рангтасвирини, қалам, пастел, сангина, соус, кўмир қаламда қоғозларга ишланади. Қоғоз буюк кашфиётлардан бири бўлиб, у асосий ёзув ашёси ҳисобланади. У кашф қилингунча инсонлар тош, сопол, тери, дарахт пўстлоқлари, пергамент, ёш жониворларнинг ишлов берилган териси, тахта ва суякдан фойдаланишган. Улар оғир, кўпол, узоқ сақлаш имконияти бўлмаганлиги, ҳашаротларнинг кемириши сабабли яроқсиз ҳолга келганлиги учун бир қанча ноқулайликлар туғдирарди. Қоғоз биринчи марта Шарқ давлатларидан Хитойда кашф қилинган. У ўзининг енгиллиги, ишлатиш, ёзиш, тасвир чизиш учун қулайлиги, узоқ муддатга сақлаш имкониятлари мавжудлиги билан ажралиб туради. Унинг хом ашёси асосан дарахт маҳсулотлари ва латта матолардан иборат. VIII асрда Самарқандда, кейинчалик эса Боғдодда Хорун ар-Рашид даврида йўлга қўйилди. X–XI асрларда қоғоз ишлаб чиқариш Ўрта Шарқда кенг тарқалди. Хитой, Ҳиндистон, Сурия ва Ироқ мамлакатларида қоғоз ишлаш яхши ўрганилиб, бошқа давлатларга ҳам тарқала борди. Марказий Осиё мамлакатларидан Самарқанд ва Бухорода қоғоз ишлаш яхши йўлга қўйилди. Самарқанд, Бухоро қоғозлари сифатли ҳисобланган.

Мўйқалам. Нозик чизиқлар чизиш, кичик ҳажмдаги рангларни бўяш учун рассомга мўйқалам керак бўлади. Миниатюра усталари мўйқаламлари ўзлари тайёрлашган. Улар икки ойлик мушук боласининг орқа бош қисмидаги мўйдан кесиб олиб, уни иссиқ сувда ёғидан халос қилишган. Тутам юнглари тахта устида доналаб теришиб, энг узун мўй ўртасига қўйилиб, қолганлари икки ён томонга терилган. Сўнг ипак ип билан боғланган ва олдиндан тайёрланган каптар, хўроз ёки ғоз патининг ичига жойлаштиришган. Пат икки томондан кесилган ғовак трубка ҳолида 3x4 см атрофида олинган. Ғовак пат қаламчанинг иккинчи томонига беҳи, тол дарахти новдасидан ёғоч ушлагич ясаб жойлаштирилган.


3-машқ. Ҳайвонот олами тасвирланган қоралама ва тасвирларини сув бўёқларда ишлаш. Ҳайвонот олами, от, туя, шер, йўлбарс, коплон, бўри, тулки, ит, кийик, қўй, эчки ва инсон қоматлари тасвирланган қоралама ва рангтасвирларини сув бўёқларда ишланади. Сув бўёқ (акварель) энг қадимги бўёқлардан бири бўлиб, маъноси «ранг ва сув»дир. Сув бўёқлар сувда тез ва яхши эриши, мўйқаламга яхши ёпишиши, қоғоз, оқ картон каби сатҳларни текис бўяши, доғ ҳосил қилмаслиги, қоғоз сатҳидан енгил ювилиши, суркалмаслиги ва ёрилмаслиги лозим. Ўзига хослик томони қоғоз сатҳида тиниқ шаффоф товланади. Бу дарс жараёнидан мақсад ўқувчи ва талабалар ҳайвонларнинг турли ҳаракатларини кузатиш ва пластик анатомияси, характери ўрганиш, уларда ҳайвонот дунёсига нисбатан меҳр уйғотиш, эстетик завқ олиш, кузатувчанлик қобилятини ривожлантириш.

4-машқ. Инсон қомати акс этган қоралама тасвирини ишлаш. Инсон қомати акс этган қоралама тасвири ишланади. Тўпланган унсурлар асосида қораламалар тасвирини миниатюра композицияси лойиҳаларида ишлатиш учун стилизациялаштирилади.


Стилизация — муқаллид нарсаларнинг шакл ва тузилишини соддалаштириш ёки мураккаблаштириш. Миниатюра композицияларидаги қоралама тасвирлари рамзийлаштирилишда чизиклар муҳим аҳамиятга эга. **Чизик** рассомнинг амалда энг кўп қўллайдиган бадиий тилидир. Унинг ёрдамида шакл ва текислик чегаралари аниқланади. Чизик тасвир этилаётган шаклни атроф-муҳитдан ажратиб кўрсатувчи чегарадир. У шакл чегарасини аниқлаш билан бирга, рассомнинг ички ҳиссиёти ва ҳаяжонига таъсир этади. Чизикқа тасвирий санъатда кўплаб тавсифлар берилиши шундандир. У энгил ва сеҳрли, турғун ва интилувчан, илиқ ва шиддатлидир. Тарихдан кўп рассомлар чизикни ҳис қилиш қобилятига эга бўлиб, бизга санъатда улкан бадиий мерос қолдирган. Чизикли йўл билан тасвирлаш ва аниқлаштириш ижоднинг ўзига хос услуби ҳисобланади. Рассом ихтиёрий санъат асари, шунингдек, композиция яратишда турли чизиклардан фойдаланади. Бу — тўғри горизонтал, тўғри вертикал, эгри чизиклар, қийшиқ, синик, аралаш, параллел ва кесишувчан чизиклардир.

Силует шаклнинг текисликдаги соясидир. Силуетнинг муҳим тавсифи унинг геометрик шаклидир. Шундай қилиб, барча устма-уст тушган безаклар, қисмларда аниқ бўлмасада, кўз билан чамалаб, унинг тахминан у ёки бу геометрик шаклга тегишли эканлигини кўришимиз мумкин. Силует инсон қомати шаклининг асосини белгилаб, унинг бирон-бир даврга тегишлилигини кўрсатади. Қадимги миниатюралардаги тасвирлар бизни силуетларнинг кўплаб турли хилма-хилликлари билан таништиради. Назаримизда, силуети худди содда геометрик шаклга интилаётгандек. Бундан келиб чиқиб, учта геометрик шаклни ажратиб олариз: тўғри бурчакли тўртбурчак, учбурчак, трапецияли ва овалли шу уч шаклни ўзак шакл десак адашмаймиз.

5-машқ. Тўпланган ашёлар асосида миниатюра композициясини ишлаш. Ўтган дарсларда ишланган қоралама ва силуетлар асосида қоғозга табиат, ҳайвонот олами ва инсон қомати акс этган, композиция асослари, қонун-қоидалари, миниатюра композициясида компановка, симметрия ва ассиметрия, маром (ритм), композицияда стилизация, шакллари тенг қисмларга бўлиш, мутаносиблик, кенг кўламлилиқ, динамика каби қоидаларни инобатга олган ҳолда эскиз олди изланишлари олиб борилади. Рангшунослик ҳақида маълумотлар, ахроматик ва хроматик ранглар, рангларнинг асосий хусусиятлари каби қоидаларни инобатга олиб планшетга композиция эскизлар ишланади. Амалий машғулотлар давомида ўқувчидан инсон қомати, ҳайвонлар, ўсимликлар, турли манзаралар тасвирини қоғоз сатҳига жойлаштиришда ритмга қатъий риоя қилиш, расм ритми, имо-ишора, ҳаракатларни моҳирона бера билиш, бўёқлардаги ички монандлик, рассомларга хос бўлган расмларни чиза билиш фазилатлари, акс эттира олиш маҳоратлари ўқувчилардан талаб қилинади.




Табиат ўсимликлар, гуллар, дарахтлар, қушлар тасвирини ишлаш



Қушлар ва ҳайвонот тасвирини ишлаш


8. Либослар тарихи ва уларни бадийлаштириш. Композициялар ишлаш.

XV–XVII асрлар қўлёзма китобларидаги миниатюра безаклари бу давр либослари бўйича нашр этилган ишларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ўрта асрларга мансуб ёзма манбаларда ҳам либослар тўғрисида қайд қилинган. Миниатюра асарлари ўрта асрлар либосини тадқиқ этиш учун тўла ва аниқ кўргазмали тасаввур беради. Уларда ўша даврлар кишининг қиёфаси етарлича аниқ тасвирланган. Миниатюра сарой санъати саналади. Шунга кўра у ўзида кўпроқ сарой расм-русумларини акс эттиради. Пойтахтда яшовчи жамоанинг барча ижтимоий қатламига хос кийим турлари вужудга келганлигини миниатюра асарларида кузатиш мумкин. Кийимда қандай янгилик бўлса, бу миниатюрада акс этган. Аммо миниатюра асарларининг яратилиш жойи ва даври аниқ кўрсатилганидагина улар либослар бўйича ишончли манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Миниатюра асари яратилган жой ва вақт кўрсатилмаган ёки аниқланмаган манбалар бу йўналишдаги тадқиқотларда нотўғри мулоҳазалар баён этилишига сабаб бўлади. Либослар тараққиётини ўрганиш, шунингдек, энг муҳим босқичларини белгилаш Марказий Осиё кийимларини ўрганувчи мутахассислар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Миниатюра иштирокчиларининг соч турмаклари ҳам ўхшаш, яъни бошнинг ўртасидан ярми очилган, соч толалари кулоқ орасидан юзига тушиб турибди. Матоларнинг квадрат ва турли рангдаги тор йўлакчали безаклари ҳам барча кишилар либосларида бир-бирига монанд. «Варка ва Гулшоҳ» асаридаги эркак ва аёл қиёфаларини бир-биридан ажратиш қийин. Уларнинг кийимлари этаги бирмунча кенг, ўзига хос бичимда думалоқ шаклдаги кўйлақлар тўғрисида тасаввур беради. Олд қисми қисқароқ, орқаси узунроқ, бу кўйлақларнинг астари кўпинча йўл-йўл матодан тикилган. Эркак ва аёллар кийимлари ташқи жиҳатдан ўхшаш бўлсада, уларда кўпгина фарқли жиҳатлар ҳам кузатилади. Аёллар кийимининг енги пастга қараб кенгайиб боради, эркакларники эса билагига ёпишиб туради. Аёллар тўғри бичимли узун юбка ёки кенг лозим кийган. Эркаклар шолворининг пойчаси узун кўнжли этикка тикилган. Аёллар бошланг, эркаклар бошида салла ёки дубулға билан тасвирланган. Аскарлар эса кийим устидан совут кийишган. Уларнинг совутлари маъдан ҳалқачалардан тайёрланган. Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиёда ўрта асрларда либос ўз тараққиёти давомида олти асосий босқични босиб ўтган: кийим турлари тарихи, меъморчилик, ҳайвонот олами ва инсон қомати белгиларининг хомаки чизмасини чизиш, устозлар томонидан яратилган ишлардан нусхалар кўчириш, аёллар кийимлари, тақинчоқлар акс этган чизгилар чизиш ва хомаки ашёлар тўплаш, тўпланган хом ашёлардан фойдаланиб, кўп фигурали одам қомати акс этган композиция лойиҳаларини ишлаш.



Инсон қомати қоралама тасвирини ишлаш





9. Турк ва Озорбайжон миниатюра мактаблари ҳақида.

Турк миниатюра мактаби Кичик Осиё ярим оролида қадимдан хеттлар (эрамиздан аввалги XIX аср), Митанни (эрамиздан аввалги XIX аср), Урарту (эрамиздан аввалги XI–XII асрлар) давлатлари бўлган, сўнг бу ерлар Ахмонийлар, Салавкийлар, македониялик Искандар, Рим империяларига қараган. Бу ҳол турк халқи маданиятини, санъатини ўзига хос тарзда


ривожланишини белгилаб беради. Туркия худудида сақланиб қолган меъморлик обидалари ва тасвирий санъат асарлари қадимда бу ерда Юнон маданияти таъсири бўлганидан далолат беради. Туркиянинг ўзига хос санъати XV асрга келиб янада ривож топди. Истамбул шаҳрида аралаш услубда масжиду мадрасалар, кўшк ва турбатлар қурилиб, шаҳар деворларининг узунлиги ўн беш фарсахга етказилди. Маълумки, турк хунармандчилик буюмлари чиройли бадий безаклари, нақшлари билан жаҳон бозорида юқори баҳоланар эди. Чунончи XIV асрнинг 30-йилларида Кичик Осиёда бўлган араб сайёҳи Ибн Батута Конне ва Сивас шаҳарларида тўқилган ажойиб турк гиламларини кўриб хайратга тушган. У яна Арзинжонда мис конлари бўлиб, хунармандлар ундан турли-туман, гулли рўзгор буюмлари, идиш ва шамдонлар ясаганини ёзади. Дунёнинг кўпгина музейларида сақланаётган бундай буюмлар намуналари ўша давр турк хунармандларининг юксак санъатидан гувоҳлик беради. Миниатюра санъати эса Маҳмед II (1451–1481) замонида жуда ҳам тараққий этди. У туздирган (Фотих албоми) Истамбул албомлари номи билан машҳур муракка (албомлар)даги миниатюралар кўпроқ лирик мавзуларга бағишланган. Маҳмед Султон кўпгина санъат обидаларини нобуд қилган бўлишига қарамай, ўз саройида кўплаб мусаввир ва хаттотларни тўплаб, уларга ҳомийлик қила бошлаган. Унинг саройида ишловчи мусаввирларнинг шухрати ҳатто чет эл хунармандларининг ҳам эътиборини тортади.

XVI–XVII асрларда турк гиламларининг қадри бошқа шаҳарларда ҳам ортади. Кўпчилик Европа мусаввирлари асарларида бундай гиламларнинг тасвирланиши фикримизнинг далилидир. Султон саройидаги наққош ва мусаввирлар учун ҳам алоҳида устахона бўлган. Бир ҳужжатда 1525-йил бу устахонада наққош ва мусаввирлардан 29 уста ва 12 халфа бўлгани, булардан беш нафари эрони, икки нафари араб, икки нафари черкес, бири венгер ва бири молдаван экани қайд этилади. Ўша давр миниатюралари ўзида Марказий Осиё ва Эрон миниатюра мактабларининг баъзи санъаткорлик ва шакл хусусиятларини мужассамлаштирган бўлса ҳам, Марказий Осиё миниатюраларидаги каби рангларнинг нафис жилоси, мураккаб геометрик нақшлардан фойдаланиш, нозик чизиқлар маънодорлиги каби жиҳатларни кам учратамиз. Турк миниатюраларида биз кескин чизиқлар, жиддий мавзу, бир оз кўпроқ мўйқалам ҳаракатларини кўраамиз. Турк миниатюраларига ёрқин ранглардан фойдаланиш, кўпроқ олтин ва кумуш ранглар ишлатиш хосдир.

Жанр кўларининг кенглиги билан ҳам Усмон ижодини турк миниатюра-чилигининг чўққиси, деса бўлади. У қатор портретлар ҳам яратди. Хусрав ва Султон Салим II портретлари шулар жумласидандир. Айниқса, унинг эртақчи-қизиқчи Лаълинкабо портрети диққатга сазовор. Бу ерда ортиқча ҳашамдорлик йўқ. Қотмадан келган чол, қорамтир кийимда одми тасвирланган, сўл кўлида асо, олдинга интилиб, ўнг қолини чўзган ҳолда турибди, чехра маънодор. Мусаввир зукко ва иродали одамнинг очик чехрасини ифодалай олган. Турк тасвирий санъатининг яна бир йирик вакили

Нигорий (Ваис Ҳайдар)дир. У 1492-йилда Ғалатада туғилиб, 82 ёшида вафот этган. Ёшлигида жасур денгизчи сифатида кўп жанглarda қатнашиб, капитан унвонини олади. Султон Салим II унинг кема ҳайдаш қўлланмасига суратлар чизганини кўриб, саройга бош мусаввир этиб тайинланади. Ўз истеъдоди билан у иккинчи Беҳзод (Беҳзоди соний) лақабини олади.

Турк санъатшуносларининг тадқиқотларига қараганда, Истамбулнинг Тўпқопу саройи музейида ва Авлиё София музейида Самарқанд, Хуросонда китобат қилиниб, миниатюралар билан безалган юзга яқин қўлёзма ва мураккалар авайлаб сақланмокда. Тўпқопу саройи музейида сақланаётган «Шоҳнома» (№ 1479), Низомийнинг «Ҳамса»си (Р-857), юз варақ, 650 суратдан иборат Бойсунқур Мирзо албоми (№ 2152), Амир Темур ва темурийзодалар суратларидан иборат мураккалар (№ 2153, 2160, 2161), Баҳром Мирзо албоми (№ 2154), Шоҳ Исмоил албоми (№ 2138) ва ўнлаб Улуғбек Мирзо ва Султон Ҳусайн Мирзо муҳрлари чекилган қўлёзмалар шулар жумласидандир.



10. Озарбайжон миниатюра мактаби.

Яқин ва Ўрта шарқ халқлари тасвирий санъат тарихида Озарбайжон миниатюра мактаби (асосан Табриз шаҳрида XIV–XVI асрлар давомида ўзининг юксак тараққиёт босқичига кўтарилган) Араб, Эрон, Турк, Марказий Осиё ва ҳинд миниатюра мактаблари қаторида муҳим ўрин тутди. Ўрта асрдаги диний таъқиб ва тазйикқа қарамай Озарбайжон мусаввирлари Шарқ адабиёти даҳоларининг ўлмас асарларини ҳамда нодир қўлёзмаларини нафис мўжаз расм – миниатюралар безаш билан шуғулланаверганлар. Айниқса, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомий Ганжавийнинг «Ҳамса», Ҳофиз ва Саъдий Шерозийлар, Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийнинг бир қанча қўлёзмаларига чизилган миниатюралар жаҳон тасвирий санъатининг ноёб дурдоналари қаторида муносиб ўрин

эгаллаб туради. Маълумки, яқин ва Ўрта Шарқда XII–XIII асрлар давомида Боғдод миниатюра рассомчилик мактаби етакчи бўлган. Айни шу вақтда бошқа маданият марказларида ҳам маҳаллий миниатюра рассомчилик мактаблари бўлганлиги шубҳасиз. Айниқса, XIV аср бошида Жанубий Озарбайжондаги Табриз миниатюра мактаби гуллаб-яшнади.

Сафавийлар сулоласи ҳукм сурган давр Табриз миниатюра рассомчилиги мактаби учун янги бадиий услубининг шаклланиш, ривожланиш ва гуллаб-яшнаш даври эди. Озарбайжон мусаввирларининг бу янги услуби ўзининг ўта декоратив янги образлар силсиласи, бой ва ёрқин ранглар жилоси, чизиқларнинг жуда нозиклиги, гўзал ва бетакрор нақшлари, ўзига хос композицион ечимлари, шаклининг шартлилиги билан жозибалидир. Шунингдек, бу усулнинг муҳим хусусиятларидан яна бири шундаки, уларда бадиий эстетик талабларга риоя қилинган ҳолда барча давр қаҳрамонларига ўз замонаси руҳини сингдиришдир. Бу давр расмларини алоҳида ажратиб турадиган хусусиятлардан бири, улардаги анъанавийлик, қизил бошлар, бош кийимлар учи учун қизил кулоҳли, махсус услубда ўраладиган оқ салла тасвири мавжудлигидир. Сафавийлар сулоласи асосчиси Шоҳ Исмоил (1502–1524) махсус санъат устахоналари очтириб, уларда турли бадиий газламалар, гиламлар тўқилишини йўлга қўйган. Унинг ўзи шоир бўлиб, озарбайжон ва форс тилларида шеър битган, хаттотлик ва рассомлик намояндаларига жуда катта эътибор билан қараган.

XVI аср бошларида яратилган бу нодир қўлёзмаларга ишланган миниатюралар бадиий услуби жиҳатидан ўша даврдаги Ҳирот ва Шероз миниатюра рассомларининг ишларидан алоҳида ажралиб туради. Янги рассомчилик бадиий услуби Низомий Ганжавийнинг «Хамса» асарининг XV аср охири ва XVI аср бошларида китобат қилинган. Ҳозирги кунда илгари Туркия пойтахти бўлган Истамбул шаҳридаги Топқопу Сарой музейида сақланаётган, уч мусаввир томонидан нафис миниатюралар билан зийнатланган нусхада яққол кўзга ташланади.



Низомий “Ҳамза”сига ишланган расмлар


11. Қутичага табиат, меъморчилик обидалари ва кўп қоматли инсонлар акс этган мураккаб композициялар ишлаш.

Меъморчилик обидалари композицияларида фазовий шаклнинг геометрик хоссаларини аниқлаш. Миниатюра композицияларда меъморчилик ҳажмлар ва бўшлиқларга кўра олд кўринишларининг умумий жимжимадор текисликлари билан англашилади. Бир нечта текисликларга дуч келиниши маконий чалкашликлари юзага келтиради. Миниатюра композицияларида усталарнинг аксонометрия ва перспектива қонун-қоидаларини билмасликлари натижасида, меъморий ҳажм ёки фазовий бўшлиқ кўп қиррали ва ромб кўринишдаги қийшиқ текисликлар воситасида ифода этилади. Марказий Осиёдаги мақбараларда анча кўтарилган ташқи гумбаз ҳамда пастрок жойлашган ички гумбаз ишланган. Интерьерда гумбаз шаклини кўрсатиш учун унинг юзасини бўлиб турувчи белгилари, бурмалари, қобирғалари ёки кессонлари ёрдам беради. Бундай бўлинишлар гумбазнинг каркас конструкция-

сига тўғри келади. Бундай ташкил этувчи чизикларни кўрсатиш усули гепербиологик парабола ва коноид кўринишдаги мураккаб фазовий конструкцияларни қурилиш конструкцияларини кўрсатишга ёрдам беради. Геометрик шаклларнинг қонуниятлари сифат жиҳатдан фарқ қилувчи шаклларни солиштириш орқали кўрсатиш мумкин. Ҳажмлар композиция ривожланиши билан мос келувчи йўналишда бир-бири билан осон бирлашади. Миноранинг вертикал бўлинган яруслари бир-бирига осон боғланади. Тизим асосига олинган ҳаракат қўллаб-қувватланади ва давом эттирилади. Бевосита ёнма-ён қўйилган вертикал ҳажмлар билан солиштириш ёки горизонтал ҳажмни янги қаватлар билан тўлдириш композициянинг сифат жиҳатдан ўзгаришига олиб келади. Тўғри мувозанатлашган ва берк ҳажмларни ўзаро бирлаштириш анча қийин. Ёнма-ён қўйилган шарлар композиция асоси бўла олмайди. Металл ва темирбетондан ишланган фазовий конструкцияларнинг ривожланиши меъморий шакллар мажмуасига икки эгриликка эга бўлган юзалар геперболоид, гиперболоик парабола, коноидларни олиб киради. Шу туфайли архитектурада қўлланиладиган геометрик қонуниятлари доираси янада кенгайди. Меъморчиликда фазовий шаклланиш таҳлил этиш қонуниятлари ҳар бир ижтимоий-иқтисодий шароитда уларга боғлиқ ҳолда ўз ифодасини топи. Лекин симметрия, асимметрия, ритм, кескин фарқланиши, нозик фарқланиш каби тушунчалар ҳар доим ўзгармасдан қолади. Улар объектив қонуниятлар ҳисобланади. Шакллардан эркин фойдалана олиш учун ушбу қонуниятларни ўқувчилар билишлари шарт.

Композиция турлари. Шакл тузилиши ўзига хослигига қараб композициянинг учта асосий кўриниши ажратилиб кўрсатилади: фронтал, ҳажмий ва чуқур-фазовий. Кўпинча улар бир-бирига қўшилган ҳолда учрайди. Фронтал композициянинг фарқланувчи белгиси шундан иборатки, унда шакл белгиларининг томошабинга нисбатан икки вертикал ва горизонтал ўқлари бўйлаб жойлашишидир. Шаклнинг ичкарига қараб ривожланиши бўйсунувчи аҳамиятга эгадир. Томошабин юзага қараб ёки унга параллел йўналишда ҳаракатланганда композициянинг фронталлиги сақланади. Фронтал композицияга бино фасадлари, эни тор станоклар мисол бўла олади. Фронтал композицияларни қуришда унинг фронталлигини таъминловчи шартлари ҳисобга олиш лозим. Биринчи шarti вертикал ва горизонтал ўлчамлари орасидаги маълум муносабатни сақлаш лозимлиги. Агар шакл баландлиги унинг эниданжуда ортиб кетса, шакл чизикли кўриниш эгаллай бошлайди. Эгри чизикли бўлинишлар текис юзанинг кўринишини бузади ва у нотекис, деформацияланган бўлиб кўрина бошлайди. Бундай самара кўп сонли динамик вертикал ва горизонтал бўлиниш бўлганда ҳам юз беради. Булар туфайли юзага цилиндрик шаклга ўхшаб кўринади. Фронтал композициянинг кўркамлиги унинг белгиларининг чуқурлиги характериға боғлиқдир. Энг типик жойлашиш бу белгиларнинг бир текисликда бир оз рельефли жойлашишидир. Бирор-бир объектнинг фронтал композициясини тузишда юқорида айтилган барча шароитларни бажариш етарли эмас. Фронтал композициянинг кўркамлиги унинг белгиларининг ўлчамлари нисбатига ҳамда уларнинг

вертикал ва горизонтал бўйлаб маълум тартибда жойлашишига боғлиқдир. Бу икки йўналиш бўйлаб шаклни бўяшда унинг бош белгилари бўрттириб кўрсатилади. Юқорига қараб товайиб ёки кенгайиб борадиган учта ритмик тартибдаги бўлинишлар билан бўлинган юза етарлича яхлит бўлиб кўринади. Юзанинг бўлиниши унга ёпиқ шакллари киритиш орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Бу ҳолда юза бутунлай бўлинмайди. Битта композицияда турлича бўлинишлардан фойдаланиш мураккаб масалаларни ҳал этиш имконини беради. Бўлинишлар ва белгиларнинг сони кўпайганда уларни гуруҳлаш орқали тартибга солиш зарурати туғилади. Бунда улардан иккитаси, максимум учтаси сезилиб туриши мумкин. Юзанинг бўлинишларини метрик ёки ритмик қаторлар қонуниятлари асосида ёки иккаласини қўшиш, бирор гуруҳ бўлинишларини ажратиб кўрсатиш ҳисобига ёки юзанинг бўлинган қисмини бўлинмаган қисмига қарама-қарши қўйиш ҳисобига тартибга солиш мумкин.



12. Мураккаб шаклдаги қутича “Ов” мавзусида композиция ишлаш.

«Ов» мавзусида композиция ишлаш учун талабалар Амир Хусрав Деҳлавий, Низомий, Алишер Навоийнинг «Хамса» дostonларига ишланган «Шикор» мавзусига оид миниатюра расмлари билан танишиб чиқади. Ўрта аср хаттот ва мусаввирлари ўз асарларини асосан махсус ишлов берилган ва силлиқлаб, баъзида турли рангларга бўялган қоғоз ва қутичаларда яратган. Китоб варақлари ва қутичаларни қоғоздан тайёрлаб, турли тус ва рангга бўяб, унинг устига миниатюралар чизишган. Юзада нозик чизиқлар чизиш, тилла ҳал бериш, равон ёзиш ёки ранглар билан ишлаш учун қоғоз ва қутичаларга қўшимча ишлов берилган.


Ҳажмий композиция учта фазовий координатлар бўйича ривожланган шакл бўлиб, ҳамма томондан кўринадиган нисбатан ёпиқ юзага эгадир. Ҳажмий деб қуйидаги белгиларга эга бўлган шаклларга айтилади:

- барча учта ўлчамлари нисбатан бир хил қимматли;
- баландлиги кўпроқ бўлиниб туради;
- эни ва чуқурлиги баландлигига нисбатан кўпроқ устунликка эга.

Ҳажмий композицияга паст горизонтал қаралса, маҳобатлилиқ таассуроти вужудга келади. Томошабиннинг шаклга яқинлашган сари унинг

қирралари перспектив қисқариш ортади. Шаклга томошабиннинг 30 бурчак ортида қараш оптимал ҳисобланади. Бунда шаклнинг барча қисмлари кўриниш майдонига тушади. Ҳажмий шаклларнинг кўринишига юқоридаги шакллардан ташқари унинг юзасининг бўлиниши ва оғирлиги ҳам таъсир қилади. Фронтал композицияга нисбатан кўрилган бўлиниш турлари ва усуллари ҳажмий композиция учун ҳам ўз кучини сақлайди. Бир нсча алоҳида ҳажмлардан иборат бўлган композицияда ҳажмларнинг икки хил ўзаро бўйсунитиш бўлиши мумкин: доминантли ва доминантсиз. Доминантли – барча ҳажмлар ўз оғирлиги бўйича нисбатан тенгдир. Кўп ҳолларда ҳажмий композициянинг бирлиги ва бутунлиги учун шаклнинг барча белгиларни ўзига бўйсундирувчи композицион марказнинг аниқлаб кўрсатилиши муҳим аҳамиятга эга. Предметнинг бир юзаси (томони), композициянинг айрим ҳажмий қисми ёки алоҳида шакл бундай марказ бўлиши мумкин. Ҳажмий композиция барча қисмларининг композиция марказига нисбатан жойлашишига қараб шаклнинг симметрик ёки асимметрик эканлиги аниқланади. Кўпинча вертикал симметрия ўқига ёки вертикал симметрия тскислигига эга бўлган композициялар учрайди.

Чуқур – фазовий композиция моддий элементлар юза, ҳажм, фазо ва улар орасидаги интерваллардан ташкил топади. Композициянинг чуқурлиги кўрсаткичлари ҳамда баландлиги, чуқурлиги нисбатига қараб уни чуқур-фазовий композицияга киритиш меъёрлари мавжуддир. Ёпиқ фазонинг чуқурлигини аниқлаш мисоли кўрсатилган. Чуқурлик даражаси ушбу фазода доминант шаклнинг турли ҳолатда жойлашишига қараб ўзгаради. Чуқурлилик даражаси композицияга фазони бир қатор кетма-кет планларга бўлувчи белгилар киритилиши туфайли кучайиши мумкин. Бу усул театр декорациялари композицияларида кўп ишлатилади. Чуқурликни ифодалаш учун фазо чегараларининг мавжуд бўлиши етарли эмас. Чуқурликни сезишга ёрдам берадиган қўшимча шаклни бўлувчи белгилар киритилиши лозим. Бўлиниш маълум чегарага эга. ундан ортиб кетса, бўлиниш фактура бўлиб туюлади. Фазо чуқурлигини ифодалаш учун ишлатиладиган юқоридан қайд этилган усуллардан ташқари «қирқим» усули деб аталган усул ҳам мавжуд. Бунда ушбу фазо ичкарасига ўзининг катта ўлчами билан йўналтирилган шакл уни қирқиш ҳаракатини юзага келтиради. Шаклни шаклга устма-уст қўйиш усули шундан иборатки, бунда бири иккинчисини беркитиши керак. Бу ичкарига қараб шаклларнинг кетма-кет жойлашишини кузатиш имконини беради. Перспектива усули – фазо чуқурлигини ичкарасини беришнинг энг кучли усулларида биридир; бунда чизикли ва ҳаволи перспективадан фойдаланилади. Томошабинга яқин жойлашган шакллар ўлчамлари, ундан узоқроқ жойлашган ҳудуди шундай шаклларга нисбатан каттароқ туюлади. Улар аниқроқ ва рельефлироқ бўлиб кўринади.




13. Шарқ миниатюра санъати.

Ҳинд миниатюра мактаби. XVIII асрларда Шимолий Ҳиндистоннинг пойтахт шаҳарлари Агра, Дехли, Лохурда ривож топган ҳинд миниатюра мактаби ўзига хослиги ва юксак бадиий хусусиятлари билан Шарқ миниатюра рассомчилиги тарихида муҳим ўрин тутди. Бу миниатюра рассомчилигининг шаклланиши ва тараққиётида қадимги маҳаллий ҳинд тасвирий санъатининг бой анъаналари билан бир қаторда кўшни ва чет мамлакатлар билан Ҳиндистоннинг фаол маданий муносабатда бўлганлигга алоҳида аҳамиятга эга. Бу Мовароуннаҳр (Самарқанд, Бухоро), Хуросон (Ҳирот), Жанубий Озарбайжон (Табриз), Эрон (Шероз) ва Ғарбий Европа рассомчилигининг ҳинд миниатюрасидаги таъсирида сезилади. Жумладан, кўшни мамлакатлардан кўпчилик олимлар, шоирлар, моҳир рассомлар, хаттотлар ва бошқа санъат намояндалари Ҳиндистонга келиб яшаб, ҳинд маданияти тараққиётига ўзига хос ҳисса қўшганлар. Мана шундай шахслардан тарихчи Гиёсиддин Хондамир, табиб Юсуф Юсуфий, шоир Қосим Кўҳий Самарқандий, рассомлардан Мир Саид Али, Абдусамад Шерозий, Фаррухбек каби кўплаб ақл-заковатэгаларини санаб ўтиш мумкин. Ҳинд миниатюра рассомчилиги ўзига хос мактаб сифатида XVI асрнинг иккинчи ярмида шаклланган бўлса-да, ҳинд тасвирий санъати, хусусан рассомчилиги жуда кўп асрлик бой анъаналарга эга эди.

Бобурийлар саройи қошида махсус рассомчилик устахонасининг очилиши, четдан келган рассомлар билан бир қаторда маҳаллий диний марказларда яшаб ижод этиб келган санъаткорларнинг қобилиятини кенг намоиш этишга шароит яратди. Ҳинд миниатюра рассомчилиги XVI асрнинг иккинчи ярмида Жалолиддин Муҳаммад Акбар (1556–1605) даври санъат воқеалиги сифатида маълум бўлиб, аслида бу рассомчилик мактабига Бобур ва Ҳумоюн асос солган. Ҳиндистондаги янги сулола асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1525–1530) шоир, хаттот, олим бўлиши билан бир қаторда рассомчиликка жуда қизиққан. Унинг шоҳ асари «Бобурнома»дан маълумки, у табиат манзараларини, одамлар қиёфасини уста рассомлардек тасвирлаганки, улар китобхон диққатини дарҳол ўзига тортади. Мана шу хусусият учун бўлса керак, ҳинд рассомлари бу китобнинг форсча таржимаси қўлёзма нусхаларини бир неча марта кўплаб нафис расмлар билан зийнатлаганлар. Бундан ташқари, «Бобурнома»да тўртта ҳиротлик ва самарқандлик рассомлар машҳур устод Камолиддин Бехзод, Шоҳ Музаффар, Бойсункур (Султон Маҳмуд Мирзо ўғли), Ҳайдар Мирзоларнинг номлари тилга олинган. Бобур ўзининг Мовароуннаҳрдаги саргузаштларга бой ва таҳликали ҳаёти давомида анча ёш бўлишига қарамасдан, ота-боболари темурийлар кутубхоналаридан қолган ҳар бир нодир қўлёзмани, ҳатто унинг варақларини йиғиб, жамлаб, ҳаммасини кейинчалик Ҳиндистонга олиб кетган. Бобур ватанидан Ҳиндистонга олиб кетилган бу нодир қўлёзмалар ҳинд миниатюра рассомчилигининг шаклланишида жуда катта рол ўйнаганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Чунки ҳинд рассомлари ўз маҳоратини ошириш мақсадида сарой кутубхонасидаги Марказий Осиёдан келтирилган расмлардан нусха кўчириб рассомлик сирларини ўрганганлар. Ўрни келса, ўз устозларидан ўтишга ҳаракат қилганлар ва энг моҳир санъаткорлар бунга эришганлар. Бобурнинг ўғли Насриддин Муҳаммад Ҳумоюн (1530–1542, 1555–1556) ҳинд рассомчилиги тарихида сарой қошидаги рассомчилик устахонасининг асосчиси сифатида танилган.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, бу даврда ҳинд рассомлари фақатгина сарой рассомчилик устахонасидагина йиғилган бўлмай, айрим нуфузли шахслар ҳузурида ҳам яшаб ижод этганлар. Тарихчилар атоқли саркарда, шоир, таржимон ва ҳомий Абдурахимхон Хонон, шоир Байвамхон ўғли («Бобурнома»ни форсчага таржима қилган), шахсий кутубхонасида ҳам бир гуруҳ рассомлар ва хаттотлар ижод этганини ёзиб қолдирганлар. Умуман, XVI асрнинг иккинчи ярми ҳинд миниатюра рассомчилиги тарихига асосан нодир қўлёзмаларга расм ишлаш даври бўлиб кирди. Акбар ҳукмдорлик қилган даврининг охирида унинг кутубхонасини кўздан кечирган европалик сайёҳ у ерда 24000 жилд қўлёзма китоб жамланганлигини ёзиб қолдирган. Албатта, бу китобларнинг кўпчилиги ҳинд рассомлари томонидан расмлар билан зийнатланган эди. Ҳозир бу ноёб санъат дурдоналари дунёнинг турли қўлёзма фондларига тарқалиб кетган. Акбар ҳукмдорлигидан кейин ҳам қўлёзмаларни расм билан зийнатлаш давом этган бўлса-да, кейин бу даврдагидек кўп расмли нодир қўлёзмалар яратилгани маълум эмас. Акбарнинг ўғли Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгир (1605–1627) даврида алоҳида қоғозларга, мустақил мавзуга бағишланган расм ишлаш кенг одат тусига киради.

Жаҳонгир ўзи ҳақида ёзишча, у ҳамкорликда яратилган расмларда ҳар бир рассом қайси детални чизганини ажрата олган. Бу унинг рассомлик санъатини чуқур тушунганидан далолат беради. Ҳукмронлар ҳомийлиги сусайганлиги сабабли рассомлар оддий халқ ҳаётини кўпроқ акс эттирди. Ҳинд миниатюра рассомчилиги бу даврда жуда кўп маҳаллий рассомчилик мактабларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатди.




14. Сопол ёки чинни буюмлари учун композиция ишлаш.

Сопол ёки чинни буюмларда X–XVIII асрга оид ёзувли ва безакли ҳайвонлар тасвири мотивлари ўрнини янада ҳаётийроқ талқин этилган қушлар ва ўсимликлар тасвири билан алмашди. Оқ, қизил ва қора, жигарранг мажмуаси лойқаланган сир тагидаги яшил нақшлар кўк-оқ ранг жамламаси ёки эркин-мовий қўйма тагидаги қора ранг сояси берилган нақшларга ўрнини бўшатиб берди. XIV аср охири ва XV асрда Марказий Осиё кулолчилигида ранг ва безакнинг янгича ўзгариши маълум даражада Хитой кулолчилиги таъсири билан изоҳланади. Хитой сополли буюмларини олиб келиш аввалги асрлардаёқ амалга оширилган. Марказий Осиёнинг қадимги шаҳар қалъа харобаларида XIV аср ёруғ акси мавжудсирланган, гўзал ва бўёғи мулойим пистокчи яшил тусда бўлган чиннисимон селадонлар тез-тез учраб туради. Аммо селадонлар бу ердаги ҳақиқий чинни каби ҳайратга солган эмас. Хитой чинниси таъсирида Марказий Осиё кулолчилигида оқ-мовий ранг устунликка эришди. Оқ-мовий сопол идишлар Амир Темур давлатида йўлга қўйилган кенг халқаро алоқаларни ифода этади. Хитойдан келтирилган буюмлар таркибида каолин лойидан ясалган чинни-кобальт билан нақш солинган оппоқ қордек сопол бўлган. Тасвирий мотивлар-меваги бутуқлар, қушлар қўниб турган новдалар коса ёки идишнинг оқ ёхуд кўк фонида эркин жойлаштирилди. Баъзан марказий композициялар яратилди. Бундан безак акварель суратни эслатиб, табиатнинг лирик тимсолини мужассам этади. Кулолчилик бсагидаги услуб ривожини исломдаги барча санъатга дахлдор ўзгаришлардан келиб чиққан бўлиб, аслида улар ислом шаклланишининг биринчи асрларидаёқ бошланган. Кейинчалик бундай ҳаракат миниатюра

санъатида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Бора-бора кулолчиликда бир хил ранг ўрнига ёрқин-кўк безак бўлмиш кўпранглик кириб келди. Радиус бўйлаб нақшни бир маромда жойлаштириш ўрнига худди хомаки қилиб чизаётгандек мўйқаламни эркин юргизиш, нақшни андоза қилиб такрорлаш ўрнига эркин шаклланаётган расм, белгилар ва рамзлар ўрнига реалистик талқин этилган мотивлар пайдо бўлди.

Ўқувчилар ўтмишдаги ота-боболаримизнинг тарихини, миллий анъаналаримизни чуқур ўрганган ҳолда, замонавий сопол ёки чинни буюмлари учун композициялар ишлайдилар. Бундай композициялар яратишларида Риштон, Ғиждувон кулолчи усталар ҳамда устоз рассомларимиз Чингиз Ахмаровнинг чинни лаганларга ишлаган «Етти гўзал» ва Вахнатулла Арипжоновнинг «Атлас», «Оқ олтин» номли пахта гулли чойнак, пиёлалар тўпламлари, XIVаср, Ғиждувон, риштонлик бадий кулолчилик усталари ва уларни ишлаш технологиялари билан танишиб чиққан ҳолда, ўзларининг композицияларини ишлаш тавсия қилинади.



15. Қутичага “Буюк ипак йўли” мавзусида композиция ишлаш.

Қутича ясаш технологияси. Лакли миниатюра санъати қадимдан мавжуд бўлган санъат туридир. Ўзбек халқининг амалий безак санъатида турли шаклдаги қутичалар, қаламдонлар, китобларга муқовалар, миллий қўғирчоқлар ясашда тош қоғоздан ясаш услубини кўрамиз. Ўқувчилар композиция ишлаш учун биринчи навбатда тош қоғоздан қутичалар ясайдилар.

1-босқич. Тошқоғоз – қоғозни бир-бирининг устига қават-қават қилиб ёпиштириб, уни кучли босимда пресслаб, маълум қалинлик ҳосил қилиниб, ишлов берилган енгил, пухта ашё. Тошқоғознинг афзаллиги шундаки, унда ёрилиш хусусияти бўлмайди. Ҳажмига нисбатан енгил. Ҳозирги кунда тошқоғоздан ясалган турли қутичаларни, қаламдонларни, миллий ўзбек қўғирчоқларини кўришимиз мумкин. Уларнинг асоси ёғоч қаттиқлигида бўлган мустаҳкам ва енгил картонларнинг қават қилиб ёпиштирилган ҳолатидир. Бир неча қават картон қоғозини ёпиштириш учун ун ва сув маҳсулотидан елим тайёрланади. Картон қоғоз керакли ўлчамда кесиб олинади. 50x50 см картон панно тайёрлашда 1,5 см атрофидаги қалинлик етарли бўлиб, тахминан 10 қават картондан иборат бўлади. Бир-бирига ёпиштирилган картонлар яхши, зич ёпишишлари учун улар прессланган ҳолда 1 сутка давомида ушланади.

2-босқич. Прессдан олингач, тошқоғоз 1 соат давомида темир идишда ёғда қайнатилади. Энг яхши ёғ зиғир ёғидир. Чунки бу ёғ бошқа ёғларга нисбатан тез қурийдир. Ёғда қайнатилган картон тахта ёғи оқиб кетгунча темир панжара устига териб қўйилади.

3-босқич. Бу жараёнлар тугагач, ёғли тахта қуришини тезлатиш учун иссиқлиги бошқариладиган печка иситгич жавонга териб қўйилади. Иситиладиган жавон иссиқлиги хона иссиқлигидан бошлаб ҳар куни 10°C қўшиб борилади. Иссиқлик 90°C га етгач, ҳар куни 10°C дан камайтириб борилади. Хона иссиқлиги 21°C бўлса, 81°C га етиши учун 6 кун керак бўлади. Яна ортга қайтиш учун 6 кун керак бўлади. Демак, 12 кун давомида иссиқ темир жавонда ушланган ёғли картон тахта қуриб улгуради.

4-босқич. Яхши қуриган картон тахтанинг уст қисмидаги қирралар эгов ёки қум қоғоз ёрдамида ярим айлана ҳолатига келтирилади. Бурчаклар кўпроқ кесилиши керак бўлса, ўткир пичоқ билан кесиб ишлов бериш мумкин. Ёғ шимган картон тахта пичоқ ёрдамида жуда яхши кесилади. Ишлов бериш якунлангач, шпакловка жараёни бошланади. Яъни, панно сатҳи майда нотекислик ва чуқурчалари шпател ёрдамида 3–4 юпка суртиб қурилган шпакловка сувоғи билан текисланади. Ҳар бир шпакловка суртишдан олдин қуриган сувоқ майин жилвир билан ишлов берилади. Шпакловка – 100 г бўр, дурадгорлар елими – 10 г, зиғир ёғи 10 г бўлади. Шпакловка қилиб силлиқланган панно сатҳи мойли бўёқ билан 3 маротаба бўялади. Ҳар бир бўёқ яхшилаб қурилгандан сўнг навбатдагиси суртилади. Керакли ранг билан текис бўялган панно сатҳини лаклаш жараёни давом эттирилади. Лак суртиш ҳам 3 қават бўлади. Лаклаш жараёнидан сўнг, лакли сатҳ майин жилвир ёрдамида ишқалаб, ялтироқ сатҳ олиб ташланади. Кўзга кўринмас майин нотекислик ҳосил қилинадик, бу тухумли темпева бўёғи сатҳга яхши ёпишиши учун керак.

5-босқич. Тайёр ҳолга келтирилган тошқоғозлар керакли ўлчамларда қутичанинг қопқоғи, ён томонлари ва асоси кесиб олинади. Улар ПВА елими ёрдамида бир-бирига ёпиштириб чиқилади ва яхшилаб қурилган қутичанинг қопқоқларининг очилиб-ёпилиши текшириб кўрилади. Қутичанинг

копқоқлари бўёқ ва лаклангандан кейин ҳам бемалол очилиб-ёпилиши учун олдиндан ҳисобга олинади ва кум қоғоз ёрдамида кам-кўстлари жилвирлаб чиқилади. Тайёр ҳолга келган қутича сув текканда ёрилиб кетмаслиги учун биринчи навбатда турли ўсимлик мойлари ёки алиф билан тўйдирилади ва яхшилаб қуриштилади. Композиция лойиҳасининг колоритига қараб қутича юзаси мой бўёқда бўяб чиқилади. Ички қисми эса қизил мой бўёқ рангга бўялиб, қуриштилади. Қутичанинг ўлчами, ҳажми ва мураккаблигига қараб унинг ички қисмига айрим ҳолларда духоба матоси ёпиштирилади. Қутичага берилган мой бўёқ ранги қуригандан сўнг лаклаш босқичига ўтиади. Қутичани лаклашда рангсиз мойли лакдан фойдаланилади. Қутичани ҳар хил чанглардан асраш ва сифатли қуриштиш учун юқорида айтилган иссиқлик печлардан Фойдаланилади. Қуриштиш жараёни 60°C иссиқликда олиб борилиб аста-секинлик билан совитилади. Лакланган қутича юзасида камчиликлар сезилганда кум қоғозда жилвирланиб, у қайтадан лакланади.

6-босқич. Қутичанинг аниқ ўлчамини олиб, қоғоз танлаб мавзу асосида композиция лойиҳалари бажарилади. Композиция ишлаш жараёнида табиатдан, ҳайвонот боғидан, турли адабиёт ва журналлардан ашёлар тўпланади. Тўпланган ашёлар асосида композиция яратилади.

7-босқич. Қутича юзасига ўқитувчи тасдиғидан ўтган миниатюра композициясини тушириш учун, шаффоф қоғоз (калька)дан фойдаланилади. Тайёрланган шаффоф қоғоз ахта деб номланади. *Ахта*га чизилган нақшнинг чизик йўллари игна ёрдамида тешилиб, наққошлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, ганч ўймакорлигида ва шу каби халқ амалий санъати турларида нақшни юзага кўчиришда ишлатилади.

8-босқич. Қутича юзасига композицияни ахта ёрдамида туширишдан олдин унинг юзасидаги лакнинг ялтироқ қисми қириб ташланади ва пишган ғишт упаси юзага суриб чиқилади. Қутичанинг лакланган юзаси билан рангларнинг боғланишида ҳамда ахтадаги композицияни юзага туширишда у па муҳим аҳамиятга эга. Чунки у па сурилмаган тақдирда қутича юзасига ранглар берилганда ранглар бир жойга тўпланиб қолади. ахтадаги композиция нина ёрдамида юзага туширилаётганда қора чизикларнинг пайдо бўлишига ёрдам беради.

9-босқич. Композиция қутича юзасига тўлиқ туширилгандан сўнг ранглаш жараёни бошланади. Қутича юзасини ранглаш тўрт босқичда амалга оширилади. **Биринчи босқичда** катта юзалар: фон, кийимлар, юз ва кўл қисмлари бўяб чиқилади. **Иккинчи босқичда** туриаш, сиёҳ қалам ишлари, кийимлардаги чизик ва бурмалар бажарилади. **Учинчи босқичда** одам юз қисмидаги бўлақлар ингичка мўйқалам ёрдамида ишланади. **Тўртинчи босқичда** либослардаги нақшлар, гуллар билан безалади ва композициядаги майда қисмларга аниқликлар киритилади.

10-босқич. Қутичанинг ён томони (бўрти) унинг катта-кичиклигига қараб олти хил нақш белгилари ёрдамида безалиши мумкин.

1. Ресфсйдер ёрдамида рангли чизиклар чизиш.
2. Катта ва кичик нуқталар билан безаш.

3. Занжир нақш композициясини бажариш.
4. Қайтарилма нақш йўли (фриз) билан безаш.
5. Мураккаб шаклдаги қутичаларнинг кичик қирваларига ғунча ёки гул, ислими нақш композицияси билан безаш.

6. Қутичанинг ён қисми баланд бўлган ҳолларда юза қисмига мавзуга боғлиқ композиция ишлаш.

11-босқич. Қутича юзасидаги композициянинг тугалланишининг сўнгги босқичида устанинг ижод қилган шаҳри, номи, йили ва шахсий имзоси қўйилгандан сўнг, ташқи муҳит таъсири қуёш, сув, иссиқ, совуқ, чангдан сақлаш ва узоқ вақт сақланиши учун лаклардан фойдаланилади. Лаклаш ва пардозлаш ишлари 4-босқичда бажарилади.

Биринчи босқич. Қутича ясси юзали мўйқалам орқали рангсиз мойли лакда лакланиб, печда қурилади. Бунинг учун рассомчиликда фойдаланиладиган лаклар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: ташқи муҳитга чидамлилиқ, эластик рангсизқобиқ ҳосил қилиш, тезқуриш ва бошқалар. Лак тайёрлаш учун сифатли рангсиз смола ва ёғ керак бўлади. **Смола** бу – дарахт ва ўсимликлардан олинадиган қаттиқ, шаффоф, оч сарғимтир рангдаги модда. Смолалар табиий ва сунъий бўлади. Табиий смолаларга янтар, копал, даммар, маслика, хандон писта, канифоллар киради. Сунъий смолаларга акрил смоласи киради. **Мойли лак** – бу смоланинг ёғ билан аралашмасидир. Лак тайёрлаш учун зиғир ёғи, ёнғоқ ёғи ёки кўкнори ёғи ишлатилади.

Иккинчи босқич. Қуритиш жараёнида юзага келган пуфакчаларни йўқотиш мақсадида кум қоғоз билан жилвирланиб, яна бир маротаба лакланади ва қурилади.

Ушшинчи босқич. Қутича яна бир бор майда кум қоғозда жилвирланиб, ўсимлик ёғи билан қўл кафти ёрдамида ишқаланади.

Тўртинчи босқич. Қутичанинг юзаси кўк тош кукуни билан духоба мато ёрдамида пардозлаш ишлари бажарилади.

12-босқич. Тайёр ҳолга келган қутичани сифатли сақлаш учун картондан қутича ясалади ва қутича абрибаҳор, мармар ёки гул қоғозлари билан безалади. Мармар қоғоз ёки абрибаҳор қоғози қўлёзма китобларнинг муқова ички қисмлари, шеърлар ёзилган варақлар ҳамда варақ ҳошия қисмларини безашда ишлатилган. Уни тайёрлаш маълум бир мутахассисларгагина маълум бўлиб, сир сақланган. Мармар қоғозни тайёрлашнинг бир неча йўллари бўлиб, улардан бири қуйидагича: 200 грамм микдорда трагант елими 3 литр сувда эритилган. Трагант елимини топиш имконияти бўлмаганда, унинг ўрнига зиғир уруғини сувга бўктириб, ҳосил бўлган суюқликдан фойдаланиш мумкин.

Тайёр бўлган эритмани бир неча маротаба юпка матодан ўтказиб, йирик бўлақлардан тозаланган. Сўнгра суюқлик ишлов бериладиган қоғоз ўлчамадан каттароқ бўлган тоғорасимон идишга қуйилган. Бир қанча вақт тиндирилиб, сувнинг юзига чиқиб қолган ортиқча чиқиндилар олиб ташланган. Турли рангдаги пигментлар майдаланиб, алоҳида-алоҳида чинни идишчаларга солиб, елим билан аралаштирилган. Янги бузоқ ўтини желч – мол ва

паррандаларнинг ички аъзосидан олинади. Бир оз иситилиб, бўёқлар билан аралаштирилади. Бу бўёқ ва мол ўти аралашмаси тоғорадаги эритилган трагант устига мўйқалам ёрдамида томизилади. Бунда олдин тўқ ранглар, сўнг оч ранглар томизилади. Бўёқ таркибидаги мол ўти моддаси бўёқнинг қоғозга сингишига ёрдам беради. От думидан тайёрланган чўтка ёки нозик чўп ёрдамида сув сатҳида турли шакллар чизилади. Шундан сўнг ҳосил бўлган рангли аралашма сиртига оқ қоғоз 5–10 сония давомида ётқизиблиб, аста-секинлик билан кўтариб олинади. Шу вақт давомида сувсатҳидаги рангли шакллар қоғоз сиртига ўтади. Қоғозни орқа томони билан ётқизиб, соя жойда қуригилади.



Айлана шаклидаги қутичага “Буюк ипак йўли” мавзусида композиция

16. Ҳирот миниатюра мактаби.

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, инсонпарвар мутафаккир, тенги йўқ сўз устаси Низомиддин Мир Алишер Навоий ўлмас асарлари билан ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти микёсига кўтарган ва инсоният маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган зотдир. Шоир ва олим, жамоат ва давлат арбоби бўлмиш Алишер Навоий том маънодаги инсонпарвар, халқчил шоир, ўз халқи тақдирини умуминсоният тақдири билан боғлаган адиб эди. Шунинг учун шоир асарларининг қаҳрамонлари турли миллат вакиллари – ўзбек, эрон, арман, юнон, араб, хинд, негр (хабаш), хитой халқларининг вакиллари.

Шунинг учун ҳам олижаноб инсоний хусусият эгалари Фарҳод, Ширин, Мажнун, Лайли, Баҳром, Дилором, Искандарлар жаҳон адабиёти қаҳрамонлари қаторидан ўрин олган. Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди, давлат, жамоат арбоби сифатидаги фаолияти XV асрнинг иккинчи ярми, Марказий Осиё ва Хуросонда темурийлар ҳукмронлик қилган, Мовароуннаҳрда Самарқанд, Хуросонда Ҳирот маданий марказга айланган даврга тўғри келади.

«Сабъаи сайёр»га ишланган миниатюраларда анъанадан четлашилган: Моний Баҳром расмида Дилором тасвири йўқ. Нима учундир ов эпизодига икки расм ишланиб, бирида Баҳромнинг ўзи берилса, иккинчисида Дилором ҳам чизилган (аммо у мусикий асбобсиз, етти қаср расмлари бўёқларининг қасрлар номларига монанд эмаслиги (сандал қасри қизил гишт рангида), табиат, интерьер, биноларнинг ибтидоийлиги, композиция соддалиги, персонажларнинг камлиги билан аввалги давр миниатюраларидан ажралиб туради. «Садди Искандарий»га ишланган миниатюралар ҳам анъанавий мазмундан узоқлашганлиги ёки бир эпизодга ишланган расмни иккинчисига жойлаштириш, мазмунга алоқаси йўқ миниатюралар ишлаш билан ҳам характерланади. «Қашқир ҳакими ва синглиси Меҳноз», «Искандар ва Равшанак», «Ваъд билан жанг», «Банд этилган девни етаклаган Искандар» каби расмлар ҳеч қайси қўлёзмада ҳалигача учрамаган. Алишер Навоий, ҳатто Низомий, Деҳлавий, Жомий асарларининг XV–XVIII асрларда ишланган мўжаз расмни қўлёзмаларнинг бирортасида ҳам Қўқон қўлёзмасидагидек кўп расм ишланмаган. Фақат 1648-йилда Бухорода китобат этилган Низомий «Хамса»сига 61 миниатюра ишлангани маълум, холос. Лекин Қўқон миниатюралари бадиий маҳорат жиҳатидан XV–XVI, ҳатто XVII аср Самарқанд, Ҳирот, Табриз, Шероз, Казвин, Машҳад, Шоҳрухия, Бухоро шаҳарларида ишланган мўжаз расмлардан тубан туради. Уларда бўёқлар бойлиги, монандлиги, бой табиат манзараларини бериш, кишилар фигурасини тасвирлашда мутаносиблик, расмлардаги нозиклик йўқ, соддалик, ибтидоийлик бор, образлар схематик, бири иккинчисини такрорлайди. Аммо ана шу камчиликларга қарамай, бу қўлёзманинг аҳамияти катта. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларига ишланган мўжаз расмлар ва ранго-ранг нафис нақшлар XV–XVI асрларда яратилган.



17. Беҳзод ижоди.

Йиллар, асрлар ўтаверади, ҳар бир замон кишилари буюк истеъдод эгаси Камолиддин Беҳзод маънавий хазинасига қайта-қайта мурожаат этаверадилар. Мустақиллик даврида бу санъаткор ижодини ўрганиш, тарғиб қилиш

ишлари тамоман янги маъно ва моҳиятга эга бўлди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг 1997–2003-йил 23-декабрда «Буюк мусаввир Камолиддин Бехзод таваллудининг 545–550-йиллигини нишонлаш» тўғрисида қарор қабул қилгани ана шу изчил олиб борилаётган тадбирларнинг давомидир. Камолиддин Бехзод даҳоси, ижодиётига бугун алоҳида эътибор қилишимиз бежиз эмас. Шарқ миниатюра санъатида етакчи ва бетакрор мактаб яратган буюк рассом ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ўзлигини қайта тиклаётган халқ учун ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳимроқ аҳамият касб этаяпти. XIV–XV асрлар ўзбек халқи тарихининг олтин саҳифаларидан десак, янглишмаймиз. Соҳибқирон Амир Темур даврида маданият, илм-фан, санъат ривожига катта эътибор берганлиги тарихдан маълум. Шу боисдан ҳам бу даврда олдинги замонлардагига нисбатан бир неча марта кўп қўлёзма асарлар яратилди. XV асрнинг иккинчи ярмида шоир, санъаткор, олимлар ижоди яна ҳам гуркираб ўсди. Улар яратган қўлёзмаларни зийнатлаш, безаш ва расмлар билан бойитишга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кўра ошди.

Ана шундай давр тарих саҳнасида Камолиддин Бехзод шахси пайдо бўлди. Унинг рассом сифатида шаклланишида Алишер Навоийнинг бекиёс хизмати бор. Ўша даврдаги таърифлар билан айтганда, «аср нодири, мусаввирлар пешвоси» бўлмиш Бехзод ижодкор сифатида мураккаб йўлни босиб ўтди. У ўзининг зиддиятларига тўла ҳаёти мобайнида Султон Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Шоҳ Исмоил Сафавий, Шоҳ Таҳмосип сингари ҳукмдорлар қўли остида ижод қилди.

Камолиддин Бехзод машҳур хаттот Султон Али Машҳадий билан танишади, у билан ҳамкорлик қилади. Абдурахмон Жомий ҳузурига бориб туради. Унинг меҳнатсеварлиги, истеъдоди, заҳматкашлиги Алишер Навоийга маълум бўлгач. Бехзодни ҳузурига чақириб, сарой ишига жалб этади, Султон Ҳусайн Мирзога таништиради. Ҳукмдор унга ўзининг боғида ижодхона қурдириб, ижод учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилади. Султон Ҳусайн Бойқаро уни Ҳиротдаги салтанат кутубхонасига бошлиқ этиб тайинлайди. Бехзод энди бутун Хуросонда донг таратади.

1487-йили Султон Али Машҳадий Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг Ҳиротдаги машҳур кутубхонаси учун кўчирган ва уни истеъдодли санъаткор устод Музаҳҳиб беаган. Бу асар ҳозир Қоҳира музейида сақланади. Франциялик санъатшунос олим Ренс Грузе эълон қилган маълумотларга кўра, мазкур тўпламдаги Камолиддин Бехзод ишлаган миниатюраларнинг ҳар бири алоҳида тасвирий санъат асари сифатида кишини ҳайратга солади. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг Ҳиротдаги боғида базм тасвирланган машҳур миниатюра шу «Бўстон» асарида мавжуд. Бу расмлар эллигинчи йилларда мисрлик олим доктор Муҳаммад Мустафо шарҳлари билан араб тилида нашр қилинган. Ҳусайн Бойқаро тасвирининг асл нусхаси эса швед санъатшунос олими Ф. П. Мартинриинг шахсий коллекциясида сақланаётир. Дунёнинг кўп мамлакатларида ана шу портретдан кўчирилган нусхалар мавжуд.



Комоллиддин Бехзод ижодидан намуналар

18. Қабарик юзали қутичаларни бадий безаш.

Кўп қиррали қутичага нақш ва миниатюра ишлаш. Кўп қиррали қутичага мослаб композиция тузиш учун аввал композиция олди изланиши олиб борилади. Ушбу тайёргарлик босқичида яратилаётган буюм турига оид бўлган маълумотлар тўпланади ва таҳлил қилинади, унга қўйиладиган талаблар аниқланади. Бу иш композиция топшириғида қўйиладиган мавзу ва бадий – конструкторлик вазифаларини аниқлашдан бошланади. Санъатга оид журналлар, китоблар чоп этилган мақолалар ва кўргазмаларнинг каталоглари, кундалик тажриба, стандартлар, меъёрий кўрсатмалар ҳамда патент материаллар маълумотлар манбалари бўлиб хизмат қилади. Тўпланган барча ашёлар, маълумотлар таҳлил этишга қулай бўлиш мақсадида тартибга солинади. Буюмнинг ишланган намуналарининг бадий ва конструктив ечимлари ҳозирги замон истеъмолчилари, ишлаб чиқаришнинг янги усуллари, материаллари ҳақида истеъмолчиларнинг замонавий талаблари ҳақида маълумотларга эга бўлиши лозим. Композиция олди изланиш босқичида қабарик юзали қутичаларни бадий безашга, лакли қутичаларга қўйиладиган барча талаблар аниқланади. Шу мақсадда буюмга қўйиладиган функционал талаблар, шулар қатори улардан фойдаланиш шароитлари таҳлил этилади. Таҳлил инсоннинг муҳит ҳамда буюм композицияси билан ўзаро боғлиқлигининг антропометрик ва психологик омилларини ўз ичига олади.

Қулай буюм яратиш антропометрия одамнинг ҳаракатдаги ва турғун ҳолатдаги тана мутаносиблиги ҳақида билимга эга бўлишини тақозо этади. Гигиеник талабларни таҳлил қилишда буюмдан ҳамда унинг айрим қисмларидан фойдаланиш қулайлиги, унинг турғунлиги, хавфсизлиги ва тозалаш қулайлиги ҳисобга олинади. Технологик талаблар ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олиш жараёнида буюмнинг мустаҳкамлиги чидамлилигини таъминловчи конструктив ечимлари топишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу боскичда буюм тайёрланадиган ашёлар танланади. Буюмларга қўйиладиган иқтисодий талаблар унга кетадиган сарф-харажатларни камайтиришга қаратилгандир. Бунда буюмни тайёрлаш синаб кўриш усуллари, қабул қилиш қоидалари. Ғилофлаш, транспортда жўнатиш, сақлаш ҳамда фойдаланиш шароитлари ҳисобга олинади. Буюм эстетик сифатларини таҳлил этишда унинг бадиий сифати ҳақидаги замонавий тушунчани, унинг функционал ва конструктив жиҳатдан прогрессивлигини, шаклнинг чиройлилигини, материалдан тўғри фойдаланилганлигини, ранги, фактураси, тайёрланишининг юқори даражадалигини назарда тутиш лозим.



Қабарикъ юзали қутичаларни бадиий безаш.

19. Кўп қиррали столни бадий безаш.

Кўп қиррали стол ёки миллий хонтахтани нақшлаш миниатюра композицияси билан безаш. Кўп қиррали стол ёки ўзбек миллий хонтахтаси ва унинг турлари, унинг ҳаётда тутган ўрни ва тарихи, тузилиши ҳақида ўқувчиларга маълумотлар берилади. Композиция эскизини мустақил чизиш, уни ясаш, нақш ёки миниатюра композициясини тузиш, хом ашёлар танлаш, ёғочларнинг чокларини форси кесиш, бўлақларини бир-бирига ҳайдаш ҳамда елим ёрдамида бириктириб мустаҳкамлаш, йиғилган кўп қиррали стол, хонтахтанинг юзасини жилвирлаш, грунтовка қилиш, композиция тушуриш ва уни бўяш ҳамда лаклаш ҳақида ўқувчи тўлиқ тасаввурга эга бўлиши лозим. Кўп қиррали столни бадий безашдан олдин, ясалган буюмнинг ўлчамини аниқ ўлчаб олиш буюм сифатли ва бурмалар бажарилади. Одам ўнг қисмидаги бўлақлар ингичка мўйқалам ёрдамида ишланади. Либослардаги нақшлар, гуллар билан безалади ва композициядаги майда қисмларга аниқликлар киритилади. Кади юзасидаги композицияни тугалланишининг сўнгги босқичида устанинг ижод қилган шахрининг номи, йили ва шахсий имзоси қўйилгандан сўнг ранглари қор, ёмғир, иссиқ ва совуқдан яхши сақлаш мақсадида лакланади. Лаклаш ва пардозлаш ишлари қуйидаги босқичда амалга оширилади. Ясси юзали мўйқалам орқали рангсиз мойли лакда лакланиб, печда қурилади. Лаклаш жараёнида фойдаланиладиган лаклар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: ташки муҳитга чидам-лилик, эластик рангсиз қобик ҳосил қилиш, тез қуриш ва бошқалар. Қуришиш жараёнида юзага келган пуфакчаларни йўқотиш мақсадида кум қоғоз билан жилвирланиб, яна бир маротаба лакланади ва қурилгандан сўнг яна бир бор майда кум қоғозда жилвирланиб, ўсимлик ёғи билан қўл кафти ёрдамида ишқаланади. Кадининг юзаси кўк тош кукуни билан духоба мато ёрдамида ишқаланиб, пардозлаш ишлари якунланади.



Кўп қиррали столни бадий безаш

20. Ўқув йили давомида тайёрланган буюмлардан кўргазма ташкил этиш.



Атамаларнинг изохли луғати.

Абрбанд – атлас ва шойининг танда ипига махсус усулда гул (нақш) чизиб, бўяб берувчи уста.

Абрис – чегара чизиқ.

Абстракт санъат – (лот. абстрастус – «мавҳум» сўзидан олинган) абстракционизм рангтасвир, миниатюра, ҳайкалтарошлик ва графикада аниқ, мавжуд нарсалар тасвиридан воз кечувчи модернистик оқим. Абстракт санъат 1910–1913-йилларда кубизм, экспрессионизм ва футуризмнинг бўлиниб бориши жараёнида вужудга келган. Бу йўналишда В. В. Кандинский, Р. Делоне, Ф. Пикабия, Ф. Купка, М. Ф. Ларионов ва бошқалар ижод қилишган.

Авангардизм – (Фр. аван-гардисме-авант-гарде – «илғор отряд» сўзидан олинган) XX аср рассомларининг қизиқишларини бирлаштирувчи бадиий ҳаракатнинг шартли номланишидир. Авангард рассомлар анъанавий бўлган йўналишлар ва услубларни танқид қилган ҳолда, санъатни мазмун ва шакл жиҳатидан тубдан янгилашга интиладилар.

Автолитография – рассом ўз асарини тошбосма усулида ишлаши.

Автогравюра – (юнонча «аутос» – «ўзим» ва «гравюра» сўзидан олинган) рассом ўзи бажарган гравюра.

Автопортрет – рассомнинг ўзи тарафдан бажарган портрети (1 ёки бир неча ойналар ёрдамида ишланади).

Академизм – (франсузча «асадемисме» сўзидан олинган) XVI–XIX аср Бадиий академияларида вужудга келган ва мумтоз санъатнинг ташқи шакллариغا қатъий эргашишга асосланган йўналиш. Академизм бадиий таълимотни тизимга солиб, мумтоз анъаналари мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Акварел – (fr.fquarelli, ital. Ақуерелло, лот. akva – «сув» сўзидан олинган) сув бўёқ (одатда ўсимлик елиmidан тайёрланади).

Аллегория – (юнон. аллегориа – «шаъма, истехзо» сўзидан олинган) мавҳум, ўйлаб чиқарилган ғоя, фикрнинг санъатда аниқ образ орқали

кўрсатилиши. Масалан, кабутар ушлаган фигура тинчлик аллегорияси, кўлида тарози ушлаган ва кўзлари боғланган аёл фигураси – Одил суд аллегорияси ва ҳоказо.

Алфреско – деворий расм ишлаш усулларида бир тури (бу усул деворий расмни оҳак замин қуримасидан, намлигида ишлашни талаб қилади).

Ангоб – сопол устига суртиладиган пардоз бўёғи, кўпинча қизил кесакдан тайёрланади.

Аноргул – анор кўринишидаги нақш тури. Кўпинча кулолчилик, кашта-дўзлик, наққошликда ишлатилади.

Анималистик жанр – (лот. анима – «ҳайвон, жонивор» сўзидан олинган) ҳайвонот дунёсини, жониворлари тасвирловчи тасвирий санъат тури.

Анилин – нилбўёқ (бўёқ моддаларини тайёрлаш учун ишлатиладиган рангсиз, ёғли ва захарли суюқ модда).

Арабча нақш – арабий нақш. Европада жимжимадор нақшни шундай дейишган.

Ахта – қоғозга чизилган нақшнинг чизиқ йўллари игна ёрдамида тешиб, каштачилик, ўймакорлик, наққошлик, ганчкорлик ва шу каби халқ амалий санъати турларида нақшни юзага кўчиришда ишлатилади.

Ахроматик ранг – юнонча «рангсиз» деган маънони билдириб, улар бир-биридан қабул қиладиган ёки тарқатадиган ёруғлик кучи билан фарқ қилади. Масалан, оқ, кулранг, қора рангдан ёруғлик кучи билан фарқ қилади.

Асосий ранг – табиатда учрайдиган сарик, қизил, кўк ранглар. Шу рангларнинг бир-бирига қўшилиши натижасида бошқа ранглар ҳосил бўлади.

Бадийлик – борлиқни, инсон ва унинг ҳаётидаги воқеаларни, кечинмаларини ўзаро ўхшатиш, шакллантириш ва ранго-ранг тасвирлаш.

Бадий услуб – санъатда қўлланиладиган усул.

Банди Руми – бир бандлик ўсимлик кўринишларидан олинган нақш тури.

Банорас – ингичка қора чизиқлар ўтган кумуш рангдаги қалин мато. Тандаси ип қўшилган ипакдан, арқоғи ипдан.

Батик – гул солиш услуби ва шу услубда тайёрланган кўп рангли мато. Матодаги гул юпқа қаватли мум билан қопланиб, бўёққа ботирилади. Натижада матонинг мум билан қопланмаган жойлари бўялади. Батик услуби қадимдан Индонезия, Ҳиндистон, Африка халқлари орасида маълумдир.

Бағдоди – бадий ёғоч ўймакорлиги усулларида бири. 1. Эшик, сандиқларни безашда ишлатилади. 2. Геометрик (гирих) шакллардан тузилган нақш тури. 3. Эшик тури.

Беқасаб (беқасам) – ландаси ипакдан, арқоғи ипдан тўқилган йўл-йўл мато. Асосан устки кийим (тўн) тикишда қўлланилади.

Булбул кўзи – Ургутнинг тасма, жиякларидаги нақш кўриниши.

Винетка – нақшин ҳошия, безак, нақш.

Гирдоб – айлана нақш кўриниши: турли хил нақш белгиларидан тузилиши мумкин.

Гирих – геометрик шакллардан тузилган мураккаб нақш тури.

Гротеск – (французча «гротескуе», италянча «гроттессо» – «ғаройиб, ғалати») 1. ўсимлик, жонивор ва инсонларнинг афсонавий тасвирлари кўринишидаги нақш; 2. адабиёт, санъат ва театрда инсонлар ва нарсаларнинг фантастик тарзда қинғир-қийшиқ қилиб кулгили тарзда яратилган тасвирлари; 3. босмаҳона ҳарфларининг бир тури.

Гуаш – (французча «гоуач», «гуаззо» – «сув, бўёқ») таркибида сув елим боғловчиси бўлган, эзилган пигмент, гумиарабик, буғдой крахмали, декстрин ва бошқалар, белила аралашмасидан иборат бўлган, сув билан ишланадиган бўёқлар. Амалий безак санъати ва рангтасвирда кенг қўлланилади.

Гули қуёш – услублаштирилган кунгабоқар гули кўринишидаги нақш тури.

Гушна – қўзиқорин қайнатмаси бўёқчиликда қўлланилади.

Гулқалам 1) наққошлик – нақшлами чизишда ишлатиладиган юмшоқ мўйқалам тури. Сулқалам олмахон, сувсар, бўрсиқ сингари ҳайвонларнинг юнгидан тайёрланган бўлиб, қўлланишга қараб уч турга бўлинади; 2) пичоқчиликда қўлланиладиган бигизсимон асбоб.

Диптих – (юнонча «диптйчос» – «иккиталик, иккига тахланган»): 1) рангтасвир ёки бўртма тасвирли, икки табақали букилма; 2) умумий бир ғоя билан боғланган иккала картина.

Дизайн – кундалик ҳаёт, маиший турмушда ишлатиладиган жиҳозлар, кийим-кечак, асбоб-ускуна, идиш-товоқ, мебел ва шунга ўхшаш нарсаларни қулай ҳолда чиройли шакл берадиган рангни яратиш санъати.

Дорпеш – турли хил матоларга кашта тикиб тайёрланган, тахмон устига кўндаланг қилиб осиладиган безак буюми.

Доскун – кунчи асбоби.

Довот – сиёҳдон.

Дуд – ёғочдан ясалган, матога гул босишда ишлатиладиган кўшқолип.

Жангнома – уруш ва ҳарбий мавзуларни ифодаловчи тасвирий санъат асарлари.

Жийдагул – жийдагули кўринишидаги нақш.

Жияк, зеҳ – кийим-кечакларни безашда ишлатиладиган нақшинкор тасма.

Зарнин – каштачилик, наққошлик, ўймакорлик ва кандакорликдаги нақш беагининг фони, яъни гулидан ташқари тағ қисми.

Зебигардон – бўйинга тақиладиган аёллар тақинчоғи.

Зебитахмон – хонадаги тахмонни беркитиб турувчи каштали безак.

Икона – (юнон. «Еикон» – «тасвир, қиёфа») насроний динида (прослав ва католизм) Исо пайғамбар, Биби Марям, авлиёлар, Муқаддас ёзув саҳналарининг тасвирланиши.

Иллюстрация – (лотинча «иллюстрацион» – «ёритмани, аниқ тасвир») бирор-бир текисни тўлдириб боровчи, ёритувчи, мазмунини тушунишда ёрдам берувчи тасвир (қаламтасвир, гравюра, фотосурат, репродукция ва ҳоказо;) бадиий ва илмий асарларнинг тасвирий, хаёлотталқини.

Илик ранг – оловни, куёшни, чироқ ёруғини эслатувчи қизил, сариқ, зарғалдоқ, малла каби ранглар.

Имперссионизм – Имперссионизм – «таассурот, хаёлот» сўзидан олинган. XIX асрнинг 70-йилларида Франция тасвирий санъатида пайдо бўлган. Бу оқимга мансуб Моне, Сислей, Писарро, Ренуар каби рассомлар ўзларининг табиатдан, ҳаётдан олинган шахсий таассуротларини ифода этувчи асарлар яратиб, шу йўналишни ҳосил қилишган.

Инкрустация – (лотинча «инсрусто» – «катлам билан, мармар билан қоплайман») буюм ва бинолардаги тасвир, нақшларни металл, ёғоч, сопол, садаф, мармар ва ҳоказолар бўлакчалари билан қоплаш усули.

Ислимий – ўсимликсимон белгилардан тузилган нақш тури.

Картон – қоғоз тури, рангтасвир асарнинг қораламаси, қалам ёки кўмир қаламда ишланган нусхаси.

Кирпеч – кийим-кечак турган токчаларни ёпиш учун кашта билан чиройли безатилган парда.

Китоба – безак композицияси ичида қўлланиладиган чиройли ёзув.

Лавҳ – китобни очиб қўйиш учун-ишланган махсус таглик. Ёғочдан ясалган бўлиб, ўймакорлик билан безатилади.

Лавкас – тасвир ишлаш учун тайёрланган таглик.

Лаъли – ўйиб ишланган мис патнис.

Лессировка – сайқаллаш, пардозлаш учун тайёрланган таглик.

Мавж – тўлқинсимон безак тури.

Мадали белбоғ – куёвлар боғлайдиган шойи белбоғ. Матодан узун бўлак кесиб олиниб, четларига попук тикилади. XX аср бошларидаги хоразмлик машхур, маҳоратли тўқувчи уста номи билан аталади.

Мадохил – халқ амалий санъатида кенг тарқалган лоласимон нақш тури.

Манера – услуб

Маҳобатли рангтасвир – бирор бинонинг пештоқ деворларига ёки рангтасвир ички деворга ишланган рангтасвир асари.

Мастихин – (италиянча «местичино») пўлатдан ясалган куракча ёки пичоқча шаклидаги ингичка пластина; рангтасвир ишлашда қўлланилади.

Маҳси – таги пошнализ, текис, юмшоқ чармдан тикилган қўнжли оёқ кийими.

Меъморий безак – биноларнинг дарвоза, эшик, деразалари тепасига рангтасвир ва ҳайкалтарошлик воситаларига уйғун безак. Европада бино эгасининг насли-насаби, касб-корини кўрсатувчи герб, тамға каби тасвир ёки нақш, қартуш дейилган.

Миниатюра – кичик ҳажмдаги расм. Лотин тилида қизил рангнинг номларидан бири, одатда қўлёзмага ишланган расмлар шундай номланган. Безак ва тақинчоқларга туширилган тасвир, ушоқ тасвир деб ҳам юритилади.

Миёна товоқ – ўрта ҳажмдаги сопол идиш.

Модерн – «Модем» услуби (французча «модеме»-замонавий) XIX аср бошларида Европа ва Америка санъатидаги услуб. Ҳар бир мамлакатда «Модем» услуби ўзгача номланади: Франция Белгияда «ар нуво» (АртНуовеау), Германияда «югендстил» (Жугенстил); Италияда «либерти» (Либертй) ва ҳоказо.

Модернизм – (французча «модернисме» – «замонавий» сўзидан олинган) XX аср санъатидаги бадиий оқимларнинг умумий номланиши.

Монохромия – (юнонча «монос» – «бир» ва «чрома» – «ранг», «бир хил ранглилик») бирорта рангнинг бир ёки бир неча тусларини қўллашга асосланган санъат асаридаги колористик ечим кўриниши.

Муқовачи – муқовасоз, саҳҳоб.

Мукова – китоб, альбом ва шу каби нарсалари бир тўплам қилиб бириктириб турувчи устки қисм; муқовасозлик касби илгаридан ривожланган бўлиб, бу даврда муқовалар турли хил материаллардан (ёғоч, тери, картон) тайёрланган ва юзаси жуда чиройли, нафис нақшлар билан безатилган.

Мухр – тамға; ҳар хил шакл ва турли хил материаллардан ишланади. Мухр қадимдан бошлаб қўлланилиб келинган.

Мўйқалам – қилқалам, рассомлар ишлатадиган ёзув ва тасвир қуроли.

Нақш – бадиий безак; амалий.

Нақш қалам – ёғоч, тош, металл ўймакорлигида ишлатиладиган ускуна.

Натурализм – тасвирий санъат йўналишларидан бири. Унда тасвирланаётган нарсаларнинг биринчи галда ташқи кўриниши, сиртқи суратини тасвирлаш мақсад қилиб қўйилади.

Офтоби – ўртасидан ҳар тарафга шуълалар ёйилган, қуёшсимон айлана нақш тури.

Офорт – (Франц. «Еаи-форте» – «Кучли арок», яъни азот кислотаси сўзидан олинган) металда ишланган гравюра тури, офорт ишлашда босма қолиплар метални кислота билан едириш усулида тайёрланади.

Палитра – расм ишлаётган пайтда рассом бўёқларни қориштирадиган юпқа мослама, тахтакач.

Палак – («фалак» сўзидан олинган) хонани безаб турувчи, чиройли қилиб кашта тикилган безак буюм. Фалакни, яъни осмонни ифодаловчи палакда ой шакли тасвирланади ва четлари чиройли нақшлар билан тикиб чиқилади.

Панно – (Франц. «Раннсау», лот. «Паннус» – «мато бўлаги» сўзидан олинган) I) рангтасвир ёки ҳайкалтарошлик.

Паргор – циркул: чизиш асбоби.

Пастел – (итал. «Пастелло, паста» – «хамир» сўзидан олинган) пигментлар кукуни, камедлар, сут ва айрим пайт бўр, гипс ва ҳоказолардан тайёрланган курук, юмшоқ рангли қаламлар билан рангтасвир ишлаш. Одатда пастел қаламлар билан ғадир-будур қоғоз, картон. Мато, замш ва пергаментда ишланади.

Перспектива – (лот. «Персписио» – «аниқ кўраяпман» сўзидан олинган) рангтасвирда борлиқни ишонарли тасвирлашга ёрдам берадиган қонун-қоидалар тизими. Бу тизимни XV аср Италия рассомларидан Паолс Учелло, Перо Франческолар ихтиро қилишган. Мазкур қонун-қоидаларга биноан, тасвирланаётган манзара ёки нарсанинг кўриниши. Узоқ-яқинлигига қараб унинг ўлчами, шакли, ранги ва бошқа сифатларини ишонарли ифодалаш мумкин.

Пейзаж – манзара.

Пигмент – турли бўёқлар кукуни.

Пленер – (французча «плеин аир» – «очик ҳаво») картинада куёш ёруғлиги ваатрофидаги муҳитнинг таъсири билан боғлиқ бўлган ранглар тусланишини англаувчи атама. Бу турдаги рангтасвир очик ҳавода ишланади.

Полотно – бўз матога ишланган рангтасвир асари.

Ракурс – (Франц. «Рассоурси» – «қисқариш» демакдир) тасвирланувчи нарсаларнинг перспектив қисқариши.

Раппорт – (франц. «Раппортер» – «қайтадан олиб келмоқ» сўзидан келиб чиққан) мато, кашта, гилам, кулоллик буюмлари, мозаика ва шу каби нарсалардаги нақш гулининг такрорланиб келиниши. Раппорт, айникса, тўқимачиликда аҳамиятга эгадир.

Репродукция – тасвирий санъат асарида чоп этилган нусха.

Реставратор – таъмирловчи, таъмирчи.

Ретуш – махсус қалам.

Рококо – чиғаноқ сўзидан олинган, чиғаноқсимон, чиғаноққа ўхшаш жимжимадор, ўйноқи деган маънони беради.

Романтизм – XIX асрнинг 20–30-йилларида Европа санъатида пайдо бўлган бадиий йўналиш. Замонавий ҳаётдан олинган сюжетларда шахсларни, уларнинг ҳис-туйғуларини ошкора ва кўтаринки руҳда ифода этади.

Сувсар қалам – наққошликда қўлланиладиган сувсар мўйнасининг толасидан тайёрланган ингичка мўйқалам.

Сайқаллаш – пардозлаш.

Сепия – жигарранг бўёқ. Шу бўёқда ишланган бадиий тасвир.

Символ – рамзий белги, тимсол.

Соус – юмшоқ қалам. Шу қалам ёрдамида ишланган асар ҳам «соус» дейилади.

Стилизация – услублаштириш, муқаллид, нарсалар шакл ва тузилишини соддалаштириш ёки мураккаблаштириш, бадиийлаштириш.

Сўзана – деворга осиладиган, кашта билан чиройли қилиб безатилган безак буюми; гулкўрпа илк бор ёш келин-куёвлар тўшагининг ёпинчиғи сифатида, ҳозирги кунда эса хонанинг деворий безаги сифатида ишлатилади.

СURREализм – (фр. СURREализме – «реализмдан юқори» сўзидан олинган) XX аср санъати ва маданиятидаги авангард йўналиш.

Таги қалам – наққошликда ишлатилладиган махсус мўйқалам.

Тарб – чизма, лойиҳа, эскиз.

Турунж – амалий санъат безагида кенг қўлланиладиган нақш тури.

Туш – қора бўёқ. Илгари туш игнабаргли дарахтлар қуруми, ўсимлик ёғи ва қатрондан, ҳозирги кунда эса газ ва нефть маҳсулотларини ёндириш натижасида ҳосил бўладиган қурумдан тайёрланади.

Форзатс – китоб муқовасининг астари.

Фронтиспис – титул варағининг чап томонидаги безакли саҳифа, китоб безаги.

Хат – геометрик кўринишдаги чизиқли нақш.

Хаттот – ҳуснихат, чиройли ёзадиган ва нақш ишлайдиган киши.

Чорсар – тўртбурчак геометрик шакллардан тузилган нақш тури.

Эстетика – гўзаллик, нафосат ҳақидаги илм, фан.

Якка занжира – бир йўллик оддий занжира нақш.

Ҳал – буюмларга жило бериб безатишда ишлатиладиган, олтин, кумуш, алюминий, жез, рух ва шу каби металллардан тайёрланган бўёқ, кукун.

Ҳалқача – ҳошия нақш тури.

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ТЎГАРАГИНИНГ БИРИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ ҚЎЛЛАНМАСИ

Кириш

Тасвирий санъат илм-фан каби дунёни, ҳаётни, табиатни, халқлар тарихини ўрганишга хизмат қилади. Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади. Бу вақтда кишилар теварак-атрофда содир бўлаётган воқеаларни, одам ва ҳайвонларнинг тасвирини тошларга чизиб, уларни кесиб турли кўриниш ва мазмундаги ҳайкалларни ясаганлар. Қадимдан кишилар санъат, табиат ҳодисалари ва кишиларнинг ўзаро муносабатлари, фаолиятларига, хулқига ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаганлар.

Айни пайтда тасвирий санъат асарлари кишиларнинг ҳис туйғуларига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эгадир. Кишилар тасвирий санъат асарларини томоша қилиш орқали, уларда ифодаланган гўзалликни киритишга ҳаракат қиладилар, асарлардаги қаҳрамонларни кўриб эса уларга ўхшашга интиладилар. Санъат асарларида ифодаланган салбий воқеалар, хунук хатти – ҳаракатларни кўриб, улардан муайян хулосалар чиқарадилар, бундай ҳодисалардан йироқ бўлишга интиладилар.

Ёш авлодга бадиий таълим-тарбия беришда тасвирий санъат муҳим аҳамиятга эгадир. Теварак-атроф, борлиқни эстетик жиҳатдан идрок этиш ва ўрганишда тасвирий санъат турларининг (қаламтасвир, рангтасвир, композиция, графика, ҳайкалтарошлик, халқ миллий амалий санъати ва ҳ.к) моҳияти каттадир. Тасвирий санъатнинг бу турлари бўйича тўғарак аъзоларига чуқурроқ билим бериш жараёни эса мактабдан ташқари таълим муассасаларида амалга оширилади ва ўз навбатида уларга нафосат тарбияси бериш муаммосининг муваффақиятли ҳал этилишида савияли мутахассисларнинг етарли бўлиши талаб этилади.

Мактабдан ташқари таълим муассасаларида ташкил этиладиган тасвирий санъат тўғаракларининг асосий мақсади ўқувчиларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Чунки, тасвирий санъатга мойиллиги ва лаёқати бўлган ўқувчилар назарий, амалий малака ҳамда кўникмаларга эга бўлишлари учун мактабдан ташқари таълим муассасасига келадилар. Шундай экан бу тарбия масканида таълим-тарбия жараёни талаб даражасида бўлиши лозим. Натижада ўқувчилар ўзлари танлаган соҳа бўйича кейинчалик олий ўқув юртларига ўқишга кирадиган бўлишса ушбу малакалари қўл келади.

Тасвирий санъат тўғаракларида ўтказиладиган машғулотларда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади:

- теварак – атрофдаги нарса ва ҳодисаларни кўра билиш ва идрок этиш ҳамда кузатиш асосида олинган таассуротларни ҳаётга татбиқ этишга ўргатиш;

- тўғарак аъзоларида бадиий ижодий қобилиятларни, ташаббускорлик ва мустақил фикр юритиш малакаларини ўстириш;

– кўриш хотираси, кўзда чамалаш қобилияти, ранг сезиш, композицион маданият, фазовий фикрлаш, образли тасаввур ва комбинациялаш каби хусусиятларни ривожлантириш;

– халқ амалий санъати, тасвирий санъат турлари билан таништириш орқали болаларни бадиий-эстетик дидини ўстиришга ёрдам бериш;

– ўқувчиларни тасвирий ва амалий-безак санъати турлари ва намуналари билан таништириб, уларда ушбу санъат турларининг ўзига хос хусусиятларини идрок этишга ёрдам бериш, уларнинг бадиий фикр доирасини кенгайтириш;

– эстетик ва эмоционал сезгирликни ўстириш;

– қаламтасвир, рангтасвир композиция юзасидан ўқувчиларнинг тушунчаларини янада ривожлантириш орқали ўзбек халқининг қадимий классик олимлари, машхур рассом ва ҳайкалтарошларининг бизга қолдирган бебаҳо хазиналари орқали дунёга машхур бўлганликлари борасидаги тушунчаларни улар онгига сингдириш;

– рангтасвир, қаламтасвир ва композиция борасида мавжуд бўлган қонуниятлар, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари борасида тегишли билим ва малака кўникмаларига эга бўлиш;

– қаламтасвир ишлашда амал қилиниши лозим бўлган қоида ва ўзига хос қонуниятлар, уларнинг рангтасвир ва композиция ишларини бажаришдаги мавқеи борасида кераклича тушунча тасаввурларга эга бўлиш;

– қаламтасвир, рангтасвир ва композициянинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирисиз мавжуд бўлмаслиги борасидаги мантиқни тўғарак аъзоларига тушунтириш;

– қаламтасвир, рангтасвир ва композицияни ўзаро боғлаб турувчи қоида ва қонуниятларга амал қилиш тартиби тўғрисида тўғарак аъзоларига тушунча бериш;

– қаламтасвир, рангтасвир ва композициядан асар яратиш жараёнида амал қилинадиган илмий ёндоқиш жараёнлари борасида ўқувчиларда керакли тушунчаларни ҳосил қилиш;

Тўғарак фаолиятининг асосий мақсади – тўғарак аъзоларининг тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини ошириш, уларнинг ички оламини, дунёқарашларини, орзуларини қоғозда акс эттиришга ўргатишдан иборат.

1. Тасвирий санъат тарихи. Тасвирий санъатнинг буюк намоёндалари ҳақида.

Тасвирий санъат – энг қадимий ва кенг тарқалган санъат турларидан биридир.

Тасвирий санъат ўз ўрнида ҳайкалтарошлик, ранг тасвир ва графика каби турларга бўлинади. Тасвирий санъатда воқеалик, борлиқ шакллар, чизиқлар, ранглар орқали тасвирланади.

Тасвирий санъат монументал ва дастгоҳ кўринишларига ҳам эга. Монументал дейилганда ҳажм жиҳатидан катта, меъморчилик, парк, боғ

санъатига, шунингдек, бирор-бир бадиий муҳитга мўлжалланган тасвирий санъат асарлари тушунилади. Дастгоҳ асари асосан эркин ижодий фаолияти туфайли яратилади. Уларни хоҳлаган жойга қўйиш, намойиш қилиш мумкин бўлади. Масалан: Ўзбекистон миллий боғидаги буюк бобомиз Алишер Навоийнинг ҳайкали монументал асаридир. Агар ҳайкал ижодкорнинг ўз хоҳиши ва ижодий изланиши миқёсида ишланса ҳамда шу йўсиндаги асарларга хос жиҳатлари амалга оширилса, дастгоҳ асари бўлиб уни музейга ёки ўқув машғулотхоналарига кўрғазма сифатида қўйишлари мумкин.

Тасвирий санъат буюк намоёндаларидан бири И. Икромов Ўзбекистон халқ рассоми, графика санъти устаси, Чингиз Абдурахмонович Аҳмаров Ўзбекистон халқ рассоми, монументал деворий расмларнинг моҳир устаси, Абдулла Абдуллаев Ўзбекистон халқ рассоми, Малик Набиев Ўзбекистон халқ рассоми, профессор, Манон Саидов, Ғофур Абдурахмонов, Жўлдусбек Қуттимуродов, Илҳом Жабборов, Жавлон Умарбеков Ўзбекистон халқ рассоми, Баҳодир Жалолов Ўзбекистон халқ рассоми, Алишер Мирзаев Ўзбекистон халқ рассоми, Акмал Икромов таниқли рангтасвир устаси, Темур Саъдуллаев, Неъмат Ҳакимов, Осимхон Восихонов тасвирий санъатнинг намоёндаларидир.

Тасвирий санъат ва бадиий меҳнатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб тўғарак аъзоларига эстетик, хусусан, бадиий тарбия беришдир. Эстетик тарбия бу тўғарак аъзоларининг ҳаётдаги, санъатдаги, кишиларнинг муносабатларидаги гўзалликларни тўлиқ идрок этиш қобилиятини тарбиялаш ва гўзаллик қонунлари асосида ижод этишни ўстиришдир. Зотан гўзаллик кишиларнинг ақлига, қалбига, иродасига таъсир қилиб, маънавий дунёсини бойитади.

2. “Мен ёзни қандай ўтказдим?” мавзусида композиция ишлаш

Ўқувчиларнинг ёзги таътилни қандай ўтказганликлари савол-жавоблар ёрдамида аниқланади ва шу асосида “Мен ёзни қандай ўтказдим” мавзусида композиция ишланади. Танланган мавзунинг мазмунини янада тўлиқроқ беришда муҳим бўлган ифодали восита, характерли ҳолатлар ва характерли кўринишлар борасида тушунча бериш.

Тўғарак аъзолари ишлаган ва таниқли рассомларнинг ёз фасли тасвирланган тасвирий санъат асарларидан, композиция тузиш босқичлари.



3. Қаламтасвир ҳамда ранг тасвир ҳақида умумий маълумотлар. Штрих, чизик, ёруғ-соялар

Қаламтасвир машғулотларининг асосий мақсади ўқувчиларни тасвирий санъатнинг асосий қонун ва қоидалари билан таништиришдан иборат бўлиб, уларга рангтасвир ва композиция бўйича амалий ишларни бажаришни ўргатишда муҳим бўғин ҳисобланади.

Қаламтасвирда ишлашнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, ўқувчилар амалий машғулот жараёнида қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

1. Кузатиш перспективасининг кўринишлари (уфқ чизиғи, кўндаланг чизиқ ва ясси бўюмларнинг перспективаси).

2. Текисликлар билан чегараланган предметларнинг перспектив кўринишлари (куб, призма, интерьер ва экстерьер).

3. Цилиндрик шаклдаги предметларнинг перспектив кўринишидаги ўзига хос принциплар.


4. Геометрик сиртларда ёруғ-сояларнинг тарқалиш қонуниятларидаги ўзига хослик (шар, цилиндр ва кубларнинг сиртидаги ёруғ-соялар ҳамда нурларнинг жилоланиши).

5. Қаламтасвирда натуранинг ҳажмини, материални ва жойлашган ўрнини фодалай олиш маҳорати ҳамда усуллари.

Рангтасвир билан шуғулланишнинг самарадорлиги асосан ўқувчиларнинг каламтасвирда ишлаш жараёнида ўзлаштирганназарий ҳамда амалий билим, малака ва кўникмаларига боғлиқдир. Рангтасвир ишлаш жараёнида ўқувчилар кўйидагиларни ўзлаштирадilar:

- ранг ва унинг туслари, номлари;
- колорит, ритм, оҳангдорлик, соя ва ёруғликни аниқлай олиш;
- ранг тусларидан фойдаланишда олд, ўрта ва орқа планлилик қонун-қоидаларига риоя қилиш;
- мазок, гризайл, бўёқни қават-қават қилиб суртиш;
- рангларнинг тўқ ва оч тусларидан фойдаланган ҳолда натюрморт, манзара ва шу кабиларни ишлаш.

Рангтасвир ишлаш тасвирий санъатнинг муҳим ифодавий воситаларидан бири саналади. Бунда ўқувчиларнинг тасвирий саводхонлик иқтидорлари янада ривожланиб боради.



4. Оддий геометрик шакллардан доира, квадрат, тўғри тўртбурчак ва учбурчаклар тасвирини чизиш ҳамда штрихлаш


Оддий геометрик шакллардан доира, квадрат, тўғри тўртбурчак ва учбурчаклар тасвирини чизиш. Уларни тузилишига кўра штрихлашни машқ қилиш.

Юзалар сиртини тик, ётиқ ва қия чизиклар билан штрихлаш. Штрихлаш жараёнида шаклларнинг ўзига хос тузилишини ҳисобга олишга ўргатиш. Сийрак, тифиз ва куюқ кўринишларда штрихлаш орқали натура сиртининг шаклини, ҳажмдорлигини ифодалай олиш йўллари масқ қилиш.

Штрихлаш – қалам ёки шу каби иш қуроллари билан расм чизганда қўлланиладиган услуб.

Чизик ҳар бир буюмнинг шакл чегарасини марказий ўқлари билан ёрдамчи йўналишларини белгилайди.

Штрих билан чизик орасида фарқ бор.



Штрих – кўп қиррали умумий чизикларнинг йиғиндиси. Уларнинг йўналтириб тасвирланиши буюмнинг шакли ва катта-кичиклигига боғлиқ. Шу сабабли штрихлаш буюм шаклига қараб қўлланилади.

5. Ясси предметлардан дафтар, китоб муқоваси, йўл белгилари, тут, терак баргларининг расмини чизиш


Ясси предметлардан дафтар, китоб муқоваси, йўл белгилари, тут, терак баргларининг расмини чизиш. Уларнинг характерли тузилишларига кўра штрихлаш орқали маконда тутган ўрни, ҳолати ва ҳажмдорлигини ифодалай олишга ўргатиш.



6. Оддий гипс (куб, уч, тўрт, беш бурчакли пирамида, конус, цилиндр, уч, беш ва олти бурчакли призма, параллелипед, шар) сиртлар

Оддий гипс (куб, уч, тўрт, беш бурчакли пирамида, конус, цилиндр, уч, беш ва олти бурчакли призма, параллелипед, шар) сиртларнинг тасвирини ўзига қараб ишлаш. Уларнинг тузилиши ҳақида тушунча бериш ва қаламтасвирини ўзига қараб ишлаш.


Бир неча гипс предметлардан содда ва мураккаб кўринишдаги қўйилмалар ҳосил қилиш йўллари. Уларни ўзига қараб қаламтасвирини ишлаш жараёнида энг қулай кўринишни танлаш малакаларини ҳосил қилиш.



7. Куб ва цилиндрдан иборат қўйилма расмини чизиш



Геометрик сиртларнинг ўзаро уйғун кўринишидаги ҳолатини танлаш ва қаламтасвирини ишлаш. Куб ва цилиндрнинг ўзига хос тузилишига кўра штрихлаш усуллари устида ишлаш. Геометрик сирт юзасидаги турли ёруғ-соялар, ялтироқ жойларини штрихлаш ёрдамида ифодалаш усулларини ўзлаштириш.

Қўйилмани қоғоз юзасида тўғри жойлаштириш ва унинг маконида жойлашган ҳолатини тўғри ифодалаш.



8. Пирамида ва параллелепипед расмини чизиш

Сирти тўғри чизиқлардан иборат бўлган геометрик шаклларнинг ўзига қараб расмини чизиш. Ўзаро ёнма-ён турган сиртларнинг характериға кўра штрихлаш ва ёруғ-сояликларини тўғри ифодалаш. Штрихларнинг ифодалиликлариға эришиш.



9. Уй рўзғор буюмларидан иборат натюрморт қўйилмаси расмини чизиш

Уй-рўзғор буюмларининг характерли кўринишларини қаламда сийрак ва тиғиз штрихлаш орқали ёруғ-сояларини тасвирлаш.

Ўлчам жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган предметларнинг ўзаро нисбатларини тўғри топиш малакаларини ўстириш. Тушувчи ва хусусий сояларнинг ўзаро фарқ қилувчи жиҳатларини топиш. Топшириқларни босқичма-босқич бажариш малакасини шакллантириш.



10. Рангтасвир ҳақида умумий тушунча

Ўқувчиларга “Рангшунослик”дан ранглар ва унинг номлари, туслари ҳамда уларнинг кишилар ҳаётидаги аҳамияти ҳақида тушунча ва назарий билимлар бериш; ўқувчиларда акварель, гуаш бўёқлари, темпера, пастел билан расм ишлаш малакасини ҳосил қилиш; ранг-тасвир, композиция ишларини бажариш жараёнида асосий ва ҳосила ранглардан фойдаланиш, уларнинг туслари устида иш олиб бориш; ахроматик ва хроматик ранглар ҳақида тушунча бериш; ахроматик ва хроматик рангларнинг ўзаро ҳамоҳанглигидан фойдаланган ҳолда рангтасвир ишлаш малакаларини янада ўстириш.


Ўқувчиларда атроф-муҳитдаги, борлиқдаги ранг-тусларнинг бойлиги ва хилма-хиллиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш; улар билан “Табиатда ранг” мавзусида суҳбат ўтказиш; оч ва тўқ ранг тусларини ҳосил қилиш устида машқлар бажариш.

Ранглар одатда иккига бўлинади. Биринчиси ахроматик ранглар деб аталади ва оқ, қора ҳамда кулранг туслари асосий ҳисобланади. Ахроматик рангларнинг хроматик ранглардан фарқи шуки, улар ёруғлик нурини (шу жумладан рангли нурларни ҳам) танламай ютиш ва қайтариш хоссаларига эга.


Ахроматик ранглардан бошқа барча ранглар, яъни бирор аниқ ранг тусига эга бўлган ранглар (масалан, қизил, сариқ ва шу кабилар) ранглар хроматик рангларга киради. Қуёш спектрининг барча ранглари ҳамда уларнинг бир-бирлари билан аралашувидан ҳосил бўлган барча ранглар хроматик ранглар жумласидандир. Шунингдек, оқ ранг билан қўшилишдан ҳосил бўлган ранг туслари ҳам хроматик ранглар сирасига киради.

Ҳар бир хроматик ранг учта хоссага: ранг тусига, ранг ёрқинлигига (бунда кам ёки кўп ёрқинлик кўзда тутилади), ранг тўйинганлигига эга бўлади. Ҳар бир хроматик ранг ана шу учта хоссага кўра бир-биридан фарқ иқлади.

Ранг тўйинганлиги дейилганда эса ранг тусининг энг тўқ кўриниши эътиборга олинади. Бунда юзага суртилган ҳар қандай бўёқ қавати ўз кучида, яъни мавжуд бўлган ранг тўқлигида олинган бўлса тўйинган ранг деб аталади. Бу тўйинганлик даражасини биз сув ёки оқ бўёқ қўшиш орқали камайтиришимиз мумкин.



Оддий буюмларнинг ўзига хос таъсирчанлик воситаларини ранг туслари ёрдамида тасвирлаш усулларини ўргатиш. Натуранинг тузилишларини тўғри топиш ва шаклга мос ранг суртмалари (мазокларда) ифодалаш. Бунда қўйилаётган ранг тусининг табиий кўринишига яқин бўлишига эришиш. Қўйилманинг рангтасвирини маълум босқичлар асосида бажариш малакаларини янада ўстириш.







12. Цилиндр ва конусдан иборат қўйилмани гризайл усулида ишлаш

“Гризайл” усулида ишлаш борасида назарий ва амалий тушунча, билимлар бериш. Бир рангнинг хилма-хил тусларини сув билан аралаштириш орқали топиш ҳақида кўникма ҳосил қилиш.

Натурадаги ранг тусларининг ёруғ ва соя жиҳатлари, тусларни оч ёки тўқ кўринишда бўйаш орқали ифодалашга эришиш. Геометрик сирт юзасидаги оч ва тўқ жойларни акварельнинг қора ёки тўқ зангори туслари ёрдамида бўйаш. Турли шаклдаги кўринишларга эга бўлган предметлар сиртини бир рангнинг бир неча хил туслари ёрдамида ифода қилиш.



13. Пирамида ва кубнинг тасвирини гризайл усулида ишлаш

Тўғри чизиқли ясси сиртларга эга бўлган геометрик шаклларнинг томонларини оч ва тўқ ранг туслари ёрдамида ифодалашга ўргатиш.

Ёруғ ва соя жойлардаги ўзига хос рефлекслар ва уларни ифодалаш усуллари борасида керакли тушунча бериш.



14. Капалакнинг рангтасвирини ишлаш

Илиқ ва совуқ ранглар, оч ва тўқ ранг туслари, ҳосила (яъни икки хил ранг тусини аралашувидан ҳосил бўлган) ранглар ҳақида тушунча бериш.

Декоратив капалакни “Спектр ранглари” ёрдамида бўяш. Турли ранг тусларининг бир-бирларига силлиқ ўтишлари ва ўзаро аралашилари ҳақида тушунчага эга бўлиш.



15. Гуллаган дарахт шохчасининг рангтасвирини ишлаш

Дарахт шохчаси ва гуллариининг қаламтасвирини босқичлар асосида чизиш ва уни бўяш усуллари ҳақида тушунча бериш.


Илиқ ва совуқ ҳамда ахроматик ранг тусларининг ўзаро боғлиқлигидан самарали фойдаланиш.



16. Гултувакдаги гулларнинг ўзига қараб ранг тасвирини ишлаш

Турли шакллардан ташкил топган натуранинг ўзига хос жиҳатларини тасвирий санъат қонун қоидаларига кўра тасвирлай олиш, улар ҳақида кўникма ҳосил қилиш.


Гулдон ва гулларга хос бўлган ранг тусларини топиб бўяш. Орқа планни умумлаштирган ҳолда тасвирлашга ўргатиш.



17. Чойнак ва пиёладан ташкил топган натюрморт рангтасвирини ишлаш

Шакли жиҳатидан турлича бўлган натураларнинг ўзига хос жиҳатларини тўғри топишни ўргатиш.


Ранг туслари ёрдамида ҳар бир предметнинг ҳажмдорлигини тўғри ифодалаш. Оқ ранг тусига эга бўлган натураларнинг бир-бирларидан фарқини оч ва тўқ туслар ёрдамида фарқини сездира олиш.



18. Композиция ҳақида умумий тушунча. Композиция элементлари ва уларнинг ҳосил бўлиши

Композиция нима? Унинг асосий вазифаси. Композиция элементлари ва улардан самарали фойдаланиш. Рассомларнинг асарларидаги ўзига хос композиция ва уларнинг шарҳи. Композиция тузиш қоидалари. Композициянинг ўзига хос қонун-қоидаларидан ҳисобланган композиция маркази, ритм, мослик ва ўзаро нисбатлар, мувозанат ва шу каби бир қанча иборалар борасида назарий ва амалий тушунчалар бериш.

Содда ва мураккаб композициялар тузишга оид назарий (танланган натураларни ўзаро жойларини ўзгартириш орқали) ва амалий (қалам рангтасвир асосида хомаки расмлар ишлаш) машқлар ўтказиш.



19. “Куз неъматлари” мавзусида натюрморт ишлаш

Сахий куз ва бу фаслда пишиб етиладиган ноз-неъматлар ҳақида тушунча бериш. Сабзавот ва меваларнинг турлари, уларнинг тузилиши ва ранг туслари ҳақида тушунча бериш. Ўқувчилар ва таниқли рассомлар томонидан ишланган расмларни намоиш этиш. Кузги сабзавот ва

мевалардан иборат қўйилма (натюрморт) асосида савол-жавоблар ўтказиш. Натурани ўзига қараб расмини чизиш ва бўяш. Илик ва совуқ ранг тусларининг ўзига хос боғлиқликларидан самарали фойдаланиш. Қўйилмани қоғоз юзасида тўғри жойлаштириш ҳақида назари ва амалий тушунчалар бериш. Натурани қоғознинг тўрт томонига (юқори, паст, ўнг, чап) ва композиция марказига кўра тўғри жойлаштириш.



20. “Уч оғайни ботирлар” эртагига иллюстрация ишлаш

Ўқувчиларни мустақил мавзу танлашга ўргатиш. Ўзбек миллий халқ эртаклари ва унинг мазмуни, унда тасвирланган воқеа — ходисалар борасидаги тушунчаларини назарий ва амалий жиҳатдан ривожлантириш. Эртақ мазмунидаги энг характерли жойларни тўғри белгилаш ва айнан ана шу воқеа-ходисани чизган расмларда акс эттириш.

Композицион марказ ва унинг расм мазмунида тутган ўрни. Рангтасвирда танланган эртақ мазмунининг акс этганлик даражаси. Бунда оч ва тўқ ранг туслари, қорамтир ранг тусларидан ўз ўрнида ва тушунган ҳолда фойдаланиш. Уч оғайни ботирлар, аждарҳо, ўрмон, подшо саройи ва шу кабиларни тарихий ва афсонавий тарзда ифодалай олишга ўргатиш.




21. Спорт мусобақаси” мавзусида расм ишлаш

Жисмоний ҳаракат акс этган композиция рангтасвирини ишлаш. Спорт мусобақалари ва унинг ўзига хос жиҳатлари, инсоннинг ҳаракатдаги гавдасини, қўл ва оёқлар, тананинг ҳаракатга мос равишдаги характерли ҳолатларини дастлаб қаламда, сўнг ранг туслари ёрдамида ифодалай олишга ўргатиш.

Танланган спорт турига мос равишда қоғоз ўлчами ва ҳолатини тўғри танлаш, илиқ ва совуқ ранг туслари ёрдамида ҳаракатнинг йўналишини кўрсатиш.

Спорт кийим-кечаклари ва анжомларининг хомаки қаламтасвирлари ва рангламаларини ишлаш. Улар асосида яхлит композиция тузишни машқ қилиш. Композиция маркази ва мувозанатини тўғри танлаш орқали спортчининг ҳаракат йўналишини аниқ тасвирлаш.



22. “Эртаклар оламига саёҳат”. Ким қайси эртакни ёқтиради?

Эртакларнинг сеҳрли олами билан ўқувчиларни яқиндан таништириш. Эртаклар ва ҳақиқат ўртасидаги боғлиқлик. Ҳақиқатга айланган эртаклар ва уларнинг мазмуни (учар гилам, ойнаи жаҳон, учар сандиқ ва ҳ.).

Мавзуни танлашда ўқувчиларга савол-жавоблар ёрдамида йўл-йўриқ кўрсатиш. Қадимий, тарихий ва афсонавий кўринишларни ҳосил қилишда ранг тусларининг аҳамияти. Эртаклардаги салбий ва ижобий қаҳрамонларни, композиция марказини ифодалашда ранг туслари, орқа ва олд планлилик, ранглар қарама-қаршилиги ҳақида тушунча бериш.

Эртакларнинг мавзуси ва танланган воқеа-ҳодисалар мазмунига кўра енгил, тиниқ ва тўқ ранг тусларидан тўғри фойдаланиш.



23. “Ҳайвонот боғига саёҳат” мавзусида расм ишлаш

Бўйи катта ва кичик бўлган ҳайвонлар тасвирини қоғоз юзасида яқин ёки узоқда жойлаштириш орқали суратда тасвирланаётган маконнинг чуқурлилик хусусиятини ифодалаш.

Ёввойи ҳайвонларнинг яшаш тарзи, уларнинг ташқи тузилиши ва феъл-атвори билан ўқувчиларни таништириш. Ҳайвонот боғига саёҳат жараёнида айрим ҳайвонларнинг ҳарактерли ҳолатларини хомаки расм тарзида чизиш. Ҳайвонларнинг ҳарактерига мос келадиган ҳолатлар, ранг туслари ва композицион кўринишларни тўғри танлаш. Танланган ёввойи ҳайвоннинг ҳарактерли ҳолатига кўра қоғоз ҳолатини тик ёки ётиқ қўйиш. Оч ва тўқ ранг тусларидан олд, орқа ва ўрта планлиликларни тасвирлашда ҳаво перспективасидан тўғри фойдаланиш.



24. Эркин мавзуда композиция тузиш

Ўқувчиларнинг бутун ўқув йили давомида ўрганган билим, малака ва кўникмаларининг ривожланганлик даражасини аниқлашда мазкур мавзунинг аҳамияти каттадир. Бунда ўқувчилар ўзлари танлаган мавзунинг қисқача мазмунини барчага айтиб бериш билан бир қаторда, уларнинг дастлабки хомаки расмларини ҳам чизадилар. Тўғарак раҳбари уларни кўриб керакли йўл-йўриқларни бериши ва мавзунинг мазмунини янада бойитиш устида самарали ишлашни амалий равишда кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Танланган мавзунинг қисқача мазмунига оид дастлабки хомаки расмларни чизиш. Мавзунинг мазмунини янада бойитиш устида самарали ишлаш. Амалий равишда айрим қўшимча деталлар, объектлар, образлар киритиш.



25. Тўғарак аъзоларининг ишларини кўргазмага тайёрлаш

Ўқув йили давомида тайёрланган барча расмларни кўргазмага тайёрлаш. Картон оддий оқ қоғозлардан расмлар учун чорчўплар (рамкалар) тайёрлаш



ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТЎГАРАГИНИНГ ИККИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ

1. Кириш. Қаламтасвир ҳақидаги тушунчаларни янада мустаҳкамлаш



Қаламтасвир билан ишлашнинг янги усуллари, (яъни айлана ва думалоқ натураларнинг ассиметрик натураларнинг расмини чизишда эса векторлар ўтказиш) дан фойдаланиш ва унинг тасвирий имкониятлари ҳақидаги тушунчаларни янада мустаҳкамлаш. Содда кўринишлардаги предметларнинг (пиёла, қошиқ, чойнак, лаган, коса, шиша банка, сабзавот ҳамда мевалар ва ҳок.) хомаки расмларини чизиш ва турли усулларда (қия, тик, ётиқ ва узук-узук) штрихлаш. Чизиш жараёнида қаламни секин ва қаттиқ босиш орқали тўқ ва оч штрихлаш усуллари амалий равишда тушунтириш. Буюмларни катта-кичиклигига кўра қоғоз юзасида тўғри жойлаштира олиш малакаларини ривожлантириш.



2. Турли ҳашоратлар ва жониворларнинг (капалак, ниначи, аквариумдаги балиқлар) қаламтасвирини ишлаш

Тўгарак аъзоларининг турли ҳашоратлар, жониворларнинг шакллари уларнинг ўзига хос тузилишлари борасидаги тушунчаларини амалий ва назарий жиҳатдан бойитиш. Ёрдамчи чизиқларни қўллаш орқали ҳашоратлар ва жониворларнинг тасвирини чизиш усуллари тушунтириш. Учувчи ва сузувчи ҳашоратлар, балиқлар ва шу кабилар ҳақидаги назарий ва амалий тушунчаларни ривожлантириш.


Ёрдамчи чизиқларни қўллаш орқали ҳашоратлар ва жониворларнинг тасвирини чизиш.




3. Гипсдан ясалган геометрик шакллардан тузилган (пирамида, цилиндр, конус) қўйилманинг қалам-тасвирини ишлаш

Пирамида, цилиндр, конусдан иборат қўйилмани турли ҳолатларда жойлаштириш орқали чиройли кўринишни ҳосил қилиш. Тузилиши тўғри ва қия кўринишларда бўлган геометрик шаклларни чизиш босқичлари ва маълум тартиб асосида штрихлаш усуллари борасида назарий ва амалий тушунчалар бериш. Гипс шаклининг қирралари ва ёруғлик нурининг тушиш бурчагига кўра штрихлаш усулини танлаш. Уч хил кўринишлардаги сиртлардан иборат бўлган предметлар ва улар ўртасидаги боғлиқликни штрихлаш ёрдамида ифодалай олиш йўллари, мураккаб кўринишдаги натуранинг қаламтасвирини ишлашга ўргатиш.


Гипс шаклининг қирралари ва ёруғлик нурининг тушиш бурчагига кўра штрихлаш усулини танлаш. Геометрик шаклларни ишлаш.



1-расм пирамида



2-расм цилиндр




3-расм конус

4. Уй-рўзғор буюмларидан ташкил топган натюмортнинг қаламтасвирини ишлаш

Уй-рўзғор буюмлари, улардан талаблар даражасида қўйилма тузиш ва қаламтасвирини ишлаш босқичларини тушунтириш. Қўйилманинг эни ёки бўйига кўра қоғоз юзасига жойлаштириш йўллари хомаки расмини чизиш орқали машқ қилиш. Танланган буюмларнинг материални қаламни қоғоз сиртига қаттиқ ёки секин босиб, штрихлаш орқали ифодалаш малакаларини ўстириш. Буюмнинг тузилиши ва шаклига кўра штрихлар йўналишини танлаш. Уларни амалий равишда бажаришни тушунтириш.

Гипс ва турли материаллардан ясалган буюмларни оч, сийрак, тўқ, тифиз, штрихлаш орқали бир-биридан фарқи ва материални ифодалай олиш. Уй-рўзғор буюмлари, улардан талаблар даражасида қўйилма тузиш ва қаламтасвирини ишлаш.



5. Гипсдан ясалган геометрик шакллар (куб, призма, шар, конусни) ўзига қараб расмини ишлаш

Тузилиши ва шакли жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қиладиган геометрик сиртларнинг қаламтасвирини ишлаш йўлларини амалий равишда тушунтириш. Тўғри ва қия оғма чизиқлар ёрдамида штрихлаш орқали натуранинг шаклини ифодалаш малакаларини ўстириш.

Характерли ҳолатларда қўйилган натураларнинг қаламтасвирини чизиш учун энг қулай тасвирлаш нуқтасини тўғри танлашга ўргатиш. Оч ва тўқ штрихлаш орқали гипс шакллариининг ўзига хос тузилиши ва маконда жойлашган ўринларини ифодалай олиш малакаларини ривожлантириш.

Тўғри ва қия оғма чизиқлар ёрдамида штрихлаш орқали натуранинг геометрик шаклини чизиш.



6. Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат манзарасини қаламда чизиш

Табиат манзарасининг бир бўлагини қаламда тасвирлаш малакасини назарий ва амалий жиҳатдан тарбиялаш. Уй ҳайвонлари, дарахтлар ва паррандалар расмини чизиш орқали манзарани жонлантириш. Бир-биридан тузилиши, шакли ва ранг туслари жиҳатидан кескин фарқ қилувчи натуралар ва объектларни тўғри тасвирлашга ўргатиш. Уй ҳайвонлари, дарахтлар ва паррандалар расмини чизиш.



7. Рангтасвир ҳақидаги тушунчаларни янада мустаҳкамлаш. Содда кўринишлардаги предметлар ва натуралар (содда тузилишдаги капалак, гултувак, гуллар ва ҳ..) нинг хомаки рангтасвирларини ишлаш

Рангтасвир ҳақидаги тушунчаларни янада мустаҳкамлаш. Оч ва тўқ туслар, қарама-қарши ранг туслари, хроматик ва ахроматик ранг туслари борасида назарий ва амалий тушунчалар беришни давом эттириш. Танланган натуранинг қаламтасвирини ва рангтасвирини ишлаш йўллари тушунтириш. Содда кўринишлардаги предметлар ва натуралар (содда тузилишдаги капалак, гултувак, гуллар ва ҳ..) нинг хомаки рангтасвирларини ишлаш.



8. Турли ҳашоратлар ва жониворлар (хонқизи, капалак, ниначи, декоратив балиқлар)нинг ранг тасвирини ишлаш

Ўлчам жиҳатидан кичик бўлган ҳашоратларнинг майда қисмларини мўйқаламнинг учи ва бутун мўйна қисмини қоғоз сиртига босиш йўли билан чизишни ўргатиш.

Тузилиши ва ранг туслари жиҳатидан кескин фарқ қиладиган турли ҳашоратлар. Жониворлар ва уларнинг ўзига хос тузилиши борасидаги назарий ва амалий билим, малака ва кўникмаларини янада ривожлантиришни давом эттириш. Ўлчам жиҳатидан кичик бўлган ҳашоратларнинг майда қисмларини мўйқаламнинг учи ва бутун мўйна қисмини қоғоз сиртига босиш йўли билан ҳосил қилиш усуллари ўргатиш.



9. Сувли бўёқлар ёрдамида ранг тусларининг оч ҳамда тўқ кўринишларини ҳосил қилиш ва декоратив панжарлар расмини бўйаш

Бир рангнинг бир неча хил оч тусдаги кўринишларини ҳосил қилиш. Ўқувчиларнинг гризайл ишлаш малакаларини ривожлантириш. Бир рангнинг бир неча хил оч тусдаги кўринишларини ҳосил қилишда сув тўқ тусларини ҳосил қилиш учун эса бўёқ қўшиш лозимлигини амалий равишда кўрсатиб тушунтириш. Турли кўринишлардаги гипсдан ишланган декоратив панжараларнинг хомаки расмларини гризайл кўринишларда тасвирлаш.



10. Уй-рўзгор буюмларидан ташкил топган натюмортнинг рангтасвирини ишлаш

Уй-рўзгор буюмларидан ташкил топган натюмортни тасвирлаш юзасидан ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмаларни янада такомиллаштиришни давом эттириш. Турли кўриниш ва шаклларга эга бўлган уй-рўзгор буюмларининг рангтасвирини ишлаш усуллари тушунтириш. Уч-тўрт хил натуралардан ташкил топган қўйилманинг ўзаро боғлиқ ва фарқ қилувчи томонларини тўғри ифодалаш. Илик ва совуқ ранг тусларининг ўзаро ҳамоҳанглик сифатларидан самарали фойдаланиш.

Уч-тўрт хил натуралардан ташкил топган қўйилманинг ўзаро боғлиқ ва фарқ қилувчи томонларини аниқлаш.



11. Акварельда қоғоз сиртини “ҳўллаш” усулида ранг тасвир ишлаш-ни машқ қилиш (“Алла прима” методи)

Танланган объект ва натуранинг қаламтасвирини акварель бўёғида ишлашдан олдин тоза сув билан ювиб чиқиш. Бунда асосий эътиборни бир-бирининг устига қопланадиган ранг тусларининг тозалигини сақлай олишга қаратиш. Махсус планшетга тортилган қоғоздан фойдаланиш. Ювиш усулидан фойдаланишда акварел бўёқлари билан ишлашда қўлланиладиган мўйқаламлардан фойдаланишни билиш. Кенг юзаларни бир текисда қоплаш учун (18–24 гача) катта ўлчамдаги мўйқаламлардан фойдаланиш. Унинг ингичка учи билан майда деталларга ишлов беришни билиш.

Кўриниши ёқимли тусга эга бўлган тоза жигарранг бўёғини алоҳида идишда суюлтириб ишга тайёрлаш. Бунда пластмасса ёки шиша идишчада унинг кучсиз эритмасини тайёрлаб олиш ва 5–10 минут тиндириб қўйиш. Қўғўзли планшетни 30–40 даража қияликда қўйиш орқали суртилган бўёқ қаватининг ортиқча қисмини пастга оқиб тушишини таъминлаш ва навбатдаги бўёқ қавати билан қўшилиб, бир текисда бўяшига имкон бериш.

Машқларда рангларнинг тўйинганлигини ошириш устида амалий ишлар бажариб, бир нечта тўртбурчакларни навбати билан бўяб кўриш. Сўнг, айрим содда кўринишдаги натураларни ювиш усулида ишлаб кўришга ўтиш. Қуйидаги нарсаларни “ювиш” усулида бўяш.

Барглар. Табиатда сабзавот ва меваларнинг турли-туман кўринишларидаги барглари мавжуддир. Бунинг учун ўрик, тут, чинор, узум, пахта барглари танлаб олиш мумкин. Расмнинг таъсирчан чиқиши учункузги барглардан танлаган маъқул.

Дастлаб чинор баргини танлаб, унинг ташқи зирҳ чизиғи ишлаб олинади. Баргнинг ранги бир оз сарғайган бўлса, унинг сиртидаги оч ва тўқ қисмлари қаламда енгилгина белгиланади. Ортиқча чизиқларни кўп чизмаслик керак, акс ҳолда ўчирғич кўп ишлатилса қоғоз сирти титилиб кетади ва бўёқ доғ кўринишида суртилади.

Навбатдаги ишда махсус суюлтирилган акварель бўёғи баргнинг энг ёруғ жойларини бўямасдан қолдирган ҳолда яхлит кўринишда суртиб чиқилади. Бўёқ қавати қуригач, энди бир оз тўқроқ кўринишдаги қисмлари бўялади. Шу тарзда энг ёруғ қисмларданўта тўқ қисмларини бўяшга аста-секин ўтиш орқали ёруғдан-соягача бўлган энг нозик, нафис ранг тусларини ифодалаш мумкин бўлади. Агарда баргнинг юзасидаги йўғон томир ва томирчаларнинг ранглари тўқ бўлса мўйқаламнинг учи билан янада тўқлаштирилиб чиқилади. Оч ранг тусида бўлса, бўялмасдан қолдирилади. Тайёр расмга бир оз узоқроқдан қаралса, унинг сиртидаги тусларнинг бир-бирларига нафис ҳолатда силлиқ ўтишларини кўриш мумкин.



12. Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат манзарасини акварель бўёқларида ишлаш

Йил фаслларида кўра манзара ишлаш малакасини янада ривожлантириш. Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат манзарасини “оддийдан мураккабга” принципи асосида бўяш тартиби билан ўқувчиларни таништириш.

Образлар ва объектлардаги оч ҳамда тўқ тусдаги жойларни мазоклар ёрдамида бўяш йўллариини ўргатиш. Акварель бўёғининг оч ва тўқ тусларини сув аралаштириш орқали ҳосил қилишни машқ қилиш.

Манзарада қатнашаётган элементларни тўғри жойлаштириш ва натуранинг маконда жойлашган ўрнини ифодалай олишга ўргатиш. Уй ҳайвонлари дарахтлар ва паррандалар тасвирини қоғоз юзасида расм

кўринишини бир-бирига мослиги билан жойлаштириш йўллари
ўзлаштириш. Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат
манзарасини акварель бўёқларида ишлаш.



13. Чекланган ранглар билан рангтасвир ишлаш

Бунда тўғарак аъзоларига маълум микдордаги ранг туслари берилади ва
ихтиёрий мавзудаги қўйилма рангтасвирини ишлаш таклиф этилади. Бундан
мақсад бир ранг тусининг бир неча хил тусларини сув билан аралаштириш
ёки бўёқни қават-қават қоплаш орқали оч ёки тўқ тусларини ҳосил қилиш
йўлларини ўргатишдир.

Бир ранг тусининг бир неча хил тусларини сув билан аралаштириш ёки
бўёқни қават-қават қоплаш орқали оч ёки тўқ тусларини ҳосил қилиш.



14. Ранг тусларига кўра бир-биридан кескин (контраст) фарқ қиладиган буюмлардан тузилган натюрморт (мис обдаста, чинни чойнак, пиёла, пичоқ ва нон) нинг рангтасвирини ишлаш

Ранг тусларига кўра бир-биридан кескин (контраст) фарқ қиладиган буюмлардан тузилган натюрморт тузиш учун натура танланади. Уларни чиройли ва тўғри жойлаштириш орқали керакли кўринишларини ҳосил қилиш керак. Натураларни ўлчами ва мазмунига кўра тўғри жойлаштириш малакаларини янада ривожлантириш. Турли материаллардан ясалган буюмлар ва уларнинг ранглари ўртасидаги фарқларни тўғри топиш малакасини ўстириш.

Ранг тусларига кўра бир-биридан кескин (контраст) фарқ қиладиган буюмлардан тузилган натюрморт тузиш.



15. Композиция ҳақида умумий тушунча. Берилган мавзуга кўра композиция мазмунини яратишни машқ қилиш

“Ош масаллиғи”, “Паррандачилик фермасида” каби мавзуларга мос келадиган объектларнинг хомаки расмларини чизиш ва бўяш.

Хомаки расмлар асосида яхлит композиция тузиш устида машқ қилиш. Натураларнинг ўрнини ўзгартириш орқали чиройли кўринишларини ҳосил қилиш устида машқ қилиш.

Тўғарак раҳбари томонидан тавсия этилган композицион боғланиш устида ишлашни давом эттириш ва уни бўяш. Композиция мазмунини яратишни машқ қилиш.



16. “Кузги ишлар” мавзуси асосида илиқ колоритда расм ишлаш

Куз фаслида далада бажариладиган ишлар борасида тўғарак аъзоларига тушунча бериш. Танланган мавзуга мос келадиган композиция элементларини алоҳида-алоҳида чизиш ва уларни ўзаро боғлаш орқали чиройли композиция яратиш. Тузилган ва чизилган композиция тасвирини босқичлар асосида бўяш. Илиқ ва совуқ ранг тусларидан ўз ўрнида фойдалана олиш малакасини янада ривожлантириш. Рангтасвирга илиқ колорит муҳитини бера олиш.

Танланган мавзуга мос келадиган композиция элементларини алоҳида-алоҳида чизиш.



17. “Ўқувчининг иш ўрни” мавзусида расм ишлаш

Ўқувчилар ҳар куни ўзлари дарс қиладиган иш жойларини диққат билан ва композиция тузишга мос келадиган кўринишни ҳосил қиладилар.

Дастлаб хомаки расмини чизадилар. Турли кўриниш ва вазиятларнинг бир неча вариантларини чизиб кўрадилар. Энг чиройли кўриниш танланиб, композиция чизилади. Сўнг интерьернинг рангтасвири ишланади. Бунда ташқаридан тушаётган ёруғликнинг хона ичида ўзига хос тарқалиш хусусиятига амал қилинади.



18. “Авазхон”, “Рустамхон”, “Алпомиш” дostonлари ёки ўзбек халқ эртагига иллюстрация ишлаш

Ўзбек халқ эртаклари ва дostonлари билан яқиндан таништириш. Уларнинг мазмунига мос келадиган ранг колорити ва мазмунини топиш малакасини ривожлантириш.

Афсонавий образларнинг ўзига хос жиҳатларини тасвирлашга ижодий ёндошиш малакаларини ўстириш. Ишлаган расмларида қадимий дунё кўринишларини акс эттира олишга ўргатиш.

Танланган образларнинг қаламтасвирини чизиш ва хомаки ранг-ламаларини бажариш орқали энг қулай композицияларни тузиш.



19. Эркин мавзуда расм ишлаш

Дастлаб ҳар бир тўғарак аъзоси ўзлари хоҳлаган мавзуда ишлаш учун намуна танлаб олишади. Тўғарак аъзоларида мустақил равишда композиция ишлаш малакаларини ўстириш мақсадида тўғарак раҳбари амалий жиҳатдан кўрсатиб беради.

Ўзлаштирилган билим, малака ва кўникмалар, ҳаётий тажрибалари асосида ўзларига ёққан мавзуларда ижод қилиш.



20. “Қиш эртаги” мавзусида (совук колоритда) расм ишлаш

Тўғарак аъзоларини қиш манзараси тасвирланган тасвирий санъат асарлари билан таништириш. Уларнинг мазмунини таҳлил қилиш орқали тўғарак аъзоларининг тушунчаларини янада бойитиш. Бунда афсонавий ёки ҳозирга замон қиш фаслини реалистик ёки декоратив тарзда ифодалашга ўргатиш. Қиш манзарасини тасвирлашда совуқ ранг тусларидан тушунган ҳолда фойдаланиш малакаларини ривожлантириш.

“Аёз бобо расмлари” ҳақида суҳбат. Музлаган сув юзларидаги, дераза ойналари сиртидаги чиройли “расм”ларни томоша қилиш ва хонада расмларини чизиш.



21. “Янги йил базми” мавзусида композиция ишлаш

Янги йилда кўчаларнинг безатилиши. Декоратив безаклар, Қорбобо, Қорқиз, арчалар. Қор ўйнаётган болалар. Қор босган далалар, дарахтлар. Совуқ ранг колоритида композиция ишлашга ўргатиш.

Янги йил базмига оид композиция элементларининг қораламаси ва рангламаларини ишлаш ва улар асосида “Янги йил базми” мавзусида композиция тузиш.



22. “Наврўзнинг байрам қилиниши” мавзусида композиция ишлаш

Наврўз байрами ва унинг моҳияти ҳақида тушунча берилади. Наврўз байрамида, йил фаслида рўй берадиган ўзгаришлар. Осмонда пайдо бўладиган булутлар. Одамларнинг байрамга тайёргарлик кўришлари. Наврўз байрамида умумхалқ ҳашарлари, кийим-кечаклар ва бошқалар. Энг чиройли топилган композицияни бўйлаб. Илқ ва совуқ, тиниқ ранг тусларидан ўз ўрнида фойдалана олиш.

Турли байрамона кўринишларнинг хонаки расмларини чизиш.



23. “Баҳор” манзарасини ишлаш

Баҳор фаслининг ўзига хос гўзаллиги, хислатлари билан тўғарак аъзоларини таништириш. Чизилган хомаки расмлар асосида яхлит композиция тузиш малакасини ўстириш. Илик ва совуқ ранг қарама-қаршиликларидан тушунган ҳолда фойдаланиш малакасини ўстириш.


Баҳор фаслига мос деталларнинг қоралама ва рангламаларини ишлаш.



24. Тарихий мавзуларда композиция ишлаш

Тарихий воқеа-ҳодисалар ва шахслар борасида назарий билимлар бериш, тарихий образлар қатнашган композиция тузиш малакаларини янада ўстириш. Унда тарихий муҳитни акс эттириш учун танланган образлар, ранг туслари ва буюмлардан тушунган ҳолда фойдалана олиш малакасини янада ўстириш.

Ўқувчилар ўзлари танлаган мавзунини янада ривожлантириш орқали самарали композиция мазмунини яратиш.



25. Ўқувчилар ишлаган расмларни кўргазмага тайёрлаш

Тўғарак аъзолари томонидан бажарилган ишларнинг кўркемлигини ошириш мақсадида, унинг четларига рамкалар яшаш усулини тўғарак раҳбари амалий равишда кўрсатиб тушунтириб беради. сўнг тўғарак раҳбари бошчилигида тўғарак аъзолари ўз ишларини йиллик якуний кўргазмага тайёрлайдилар. Бунда ҳар бир тайёр ишнинг ранги, ранг колоритига мос равишда рамкалар ясашиб, расмлар намойиш этиш учун илиб қўйилади.



Табиат манзараси



Натюрморт расми

“Тасвирий санъат” тўғараги ўқув режаси

(6 ёшли болалар учун)

1. Кириш. Болаларда ранглар жилоси асосида мевалар чизиш усуллари


“Тасвирий” атамаси “тасвирлаш” сўзидан олинган бўлиб, унда турли материал, хусусан, бўёқ, тош, гипс, ёғоч, шунингдек, бошқа бадиий ва турдош материаллар ёрдамида ҳар хил тимсолларнинг ва нарсаларнинг расми, ҳайкалини ифодалаш тушунилади.

Тасвирий санъат илм-фан каби дунёни, ҳаётни, табиатни, халқлар тарихини ўрганишга хизмат қилади. Тасвирий санъатнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа даврига бориб тақалади. Бу вақтда кишилар теvarак – атрофда содир бўлаётган воқеаларни, одам ва ҳайвонларнинг тасвирини тошларга чизиб, уларни кесиб турли кўриниш ва мазмундаги ҳайкалларни ясаганлар. Қадимдан кишилар санъат, табиат ҳодисалари ва кишиларнинг ўзаро муносабатлари, фаолиятларига, хулқига ижобий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблаганлар.

Айни пайтда тасвирий санъат асарлари кишиларнинг ҳис туйғуларига кучли таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эгадир. Кишилар тасвирий санъат асарларини томоша қилиш орқали, уларда ифодаланган гўзалликни киритишга ҳаракат қиладилар, асарлардаги қаҳрамонларни кўриб эса уларга ўхшашга интиладилар. Санъат асарларида ифодаланган салбий воқеалар, хунук хатти – ҳаракатларни кўриб, улардан муайян хулосалар чиқарадилар, бундай ҳодисалардан йироқ бўлишга интиладилар.


Мевалар шакли ва уларнинг турлари, ранглари, қандай ташкил топганлиги тўғрисида тушунча бериш. Ҳар бир боланинг ўзи ёқтирган меваларни танлаб расмини чизишга ўргатиш. Расм чизиш жараёнида нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида тушунча бериш. Уларга ранглар орқали ишлов бериш.

Воситалар ёрдамида ҳайвонлар суратини чизиш.



2. Қоғоздан қуш ясаш ва уни ранглар билан безаш (кимни ясаган қуши узоққа учади? ўйин асосида)


Биринчи навбатда тўғарак аъзолари қоғоздан ўзлари танлаган қушларнинг нусхасини ясашни ўрганишади. Қоғоздан ясалган қушнинг шаклига қараб ранглар билан безаш орқали ранг танланади, рангларни ажрата олиш мукаммаллаштирилади.



3. Копток асосида айлана чизиш. Айлана нима?

Айлана шаклини нималарда акс этиши ҳақида тушунча бериб, копток мисолида айлана шаклини чизиш усуллари.

Шар сиртини чизиш учун улар уфқ чизиғидан пастроққа қўйилади ва кузатилади. Кузатилганда шарнинг эни, бўйи, қалинлиги ундаги перспектив қисқариш ва хоказолар қалам ёрдамида чамалаб аниқланади сўнг тасвир қоғозда композицион жihatдан тўғри жойлаштирилиб чизишга киритилади. Чизишда аввало ёрдамчи чизиқлар билан шарнинг ҳолати умумий ўлчамлари ўлчаниб олинади. Кейинги босқичда шарлар тасвиридаги майда бўлақлар чизилади. Перспектив қисқаришларнинг қай даражада тўғри тасвирланганлигини яна бир бор текшириб кўрилади.



4. Қўл панжалари асосида рангларга ботириб кимни қўллари катта ўйин асосида қоғозга чизиш


А-3 форматда бир неча хил ранглар орқали ўйин тариқасида бирор бир шаклни акс эттириш ва бу шаклларни номлаш. Қўл панжаларини рангларга ботириб қоғозда акс эттириш.



5. Рангларни қоғозга сачратиб бир-бирига ёпиб тасаввурни кучайтириш. (ўйин асосида)


Рангларни қоғозга сачратиб бир-бирига ёпиб тасаввур қилишликни ўргатиш.

Турли хил рангларни қоғозга сачратиб унинг мавжудлигини ҳосил қилиш.





6. Қора қаламда бўяш, чизиш ва ўчириш. (ким тез ва тўқ бўяйди ўйини асосида)

Қора қалам асосида ёруғликни тасаввур қилиш ва уни акс эттириш, ўз соясига қараб ишлаш.




Олма шаклини чизиш ва қандай ранглардан фойдаланиш усуллари

Олманинг хили ва шаклини тушунтириш. Рангларни танлаш усуллари ўргатиш. Режа асосида олма расмини ишлаш.




8. Энг ширин узум қайси ва уни шаклини чизиш ва бўяш усуллари

Хусайни узуми, киш-миш, ризамат, чарос, тоифа, чиллаки узумларининг шакли ва рангларини ажрата билиш ва ранглаш. Ўқувчилар ва таниқли рассомлар томонидан ишланган расмларни намоиш этиш. Кузги сабзавот ва мевалардан иборат қўйилма (натюрморт) асосида савол-жавоблар ўтказиш. Натурани ўзига қараб расмини чизиш ва бўяш. Илик ва совуқ ранг тусларининг ўзига хос боғлиқликларидан самарали фойдаланиш. Қўйилмани қоғоз юзасида тўғри жойлаштириш ҳақида назарий ва амалий тушунчалар бериш. Натурани қоғознинг тўрт томонига (юқори, паст, ўнг, чап) ва композиция марказига кўра тўғри жойлаштириш.




9. Қуёш шаклини уни қандай тасаввур этиш ва расмини чизиш

Айлана тимсолида қуёш шаклини акс эттириш. Дастлаб қуёш шаклини чизиб оламиз ва кейин уни ранглар билан бўйямиз.



10. Бекинмачоқ ўйнаш ва дарахт орқасига бекиниш шу дарахтни шакли ҳақида суҳбат ўтказиш ва тасвирини чизиш

Табиат қўйнида дарс ташкил этиб ўйин асосида тасаввурини акс эттириш.



11. Эртақлар асосида болалар билан суҳбат ва тасаввур асосида расм чизиш

Эртақлар қарамонларини акс эттириш, ёқтирган қаҳрамонларни номларини аниқлаш, чизиш, ранглар асосида бўйаш.



12. Табиатга саёҳат, ранглар асосида қоғозга тушуриш ва чизиш

Дарс машғулотларини табиат қўйнида ташкил этиб, табиат манзараларини тасаввурини қоғозга тушуришни ўргатиш ва уларни ранглаш.



Фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури тўғрисида”ги Қонунлари // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ матбаа – нашриёти, 1997.
2. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Маърузалар, нутқлар, суҳбатлар. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 165 б.
5. Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 март “Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 69-сонли буйруғи.
6. Ҳ. Эгамов. Қаламтасвир, рангтасвир ва композиция тўғрақларининг дастури. Тошкент-2006.
7. Набиев М. Азимова Б. Расм чизишга ўргатиш методикаси. Тошкент. Ўқитувчи 1996.
8. Тен Н. Д. Гипс моделларининг расми ўқув қўлланмаси. Тошкент. Ўқитувчи – 1994.
9. Амалий санъат қисқача луғати. Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти.
10. П. П. Шабаратов “Композитция”, “Янги аср авлоди” Тошкент 2007-йил.

Электрон манбалар:

1. barkamol.uz
2. Тасвирий ойна.@.ru
3. ebiblioteka.uz.
4. kitob.uz.
5. Ziyonet.uz

МУНДАРИЖА

“ЁШ МУСАВВИР” ТЎГАРАГИНИНГ БИРИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ ҚЎЛЛАНМАСИ

Кириш	3
1. Миниатюра санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши	3
<i>Шарқнинг миниатюра санъати ва унинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни</i>	6
2. Миниатюра ишлашда қўлланиладиган материаллар асбоб-ускуналар ва техника хавфсизлиги қоидалари	6
3. Миниатюраларда ишлатиладиган гул ва дарахтлар тасвирини қаламда чизиш, рангларда бўяш	6
4. Миниатюрада ишлатиладиган тоғлар тасвирини қаламда чизиш ва рангларда бўяш.....	7
5. Миниатюрада ҳайвонлар тасвирларини чизиб рангда бўяш	7
6. Миниатюраларда одамлар тасвирларини чизиб ранг бериш.....	8
7. Миниатюра бинолари тасвирларини чизиб ранг бериш	8
8. Икки фигурали миниатюра композициясини тузиш	9
9. Кўп фигурали миниатюра композициясини тузиб унга ранг бериш	9
10. Камолиддин Бехзоднинг шарқ миниатюра услуби	10
Кўرғазмали материаллар	12
11. Паннога миниатюра ишлаш	13
12. Қутичанинг устки қисмига миниатюралар композициясини ишлаш.....	14
13. Қутичанинг бошқа томонларига миниатюра композициясини ишлаш.....	14
14. Хусрав Дехлавий китобидан аниқ нусха рангда ишлаш	15
15. Миниатюрада ишлатиладиган едирма чизиқлар	15
16. Қоғоз сатҳида эртақлар асосида миниатюра асарларини яратиш	16
17. Миниатюраларнинг четида фризм нақшларини чизиш	16
18. Ўқув йили давомида тайёрланган буюмлардан кўрғазма ташкил этиш.....	17

“ЁШ МУСАВВИР” ТЎГАРАГИНИНГ ИККИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ ҚЎЛЛАНМАСИ

1. Кириш. Лакли миниатюра санъти.	18
2. Оддий нақш намуналарини қаламда ва рангда ишлаш.	21
3. Оддий нақш намуналарини бўяш.....	26
4. Айлана ва бошқа кўп бурчак юзларига нақш ёки миниатюра композицияси ишлаш.....	28
5. Шарқ миниатюра мактаблари.	30
6. Эрон миниатюра мактаби.	33
7. Қутичага табиат, ҳайвонот олами ва инсон қомати акс этган композициялар ишлаш.	35

8. Либослар тарихи ва уларни бадийлаштириш. Композициялар ишлаш.....	39
9. Турк ва Озорбайжон миниатюра мактаблари ҳақида.	41
10. Озорбайжон миниатюра мактаби.	43
11. Қутичага табиат, меъморчилик обидалари ва кўп қоматли инсонлар акс этган мураккаб композициялар ишлаш.	45
12. Мураккаб шаклдаги қутича “Ов” мавзусида композиция ишлаш....	47
13. Шарқ миниатюра санъати.	49
14. Сопол ёки чинни буюмлари учун композиция ишлаш.....	51
15. Қутичага “Буюк ипак йўли” мавзусида композиция ишлаш.....	52
16. Ҳирот миниатюра мактаби.	56
17. Беҳзод ижоди.	57
18. Қабарик юзали қутичаларни бадий безаш.	59
19. Кўп қиррали столни бадий безаш.....	61
20. Ўқув йили давомида тайёрланган буюмлардан кўргазма ташкил этиш.....	62

“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ТЎГАРАГИНИНГ БИРИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ ҚЎЛЛАНМАСИ

Кириш.....	69
1. Тасвирий санъат тарихи. Тасвирий санъатнинг буюк намоёндалари ҳақида.	70
2. “Мен ёзни қандай ўтказдим?” мавзусида композиция ишлаш.....	71
3. Қаламтасвир ҳамда ранг тасвир ҳақида умумий маълумотлар. Штрих, чизик, ёруғ-соялар.....	72
4. Оддий геометрик шакллардан доира, квадрат, тўғри тўртбурчак ва учбурчаклар тасвирини чизиш ҳамда штрихлаш.....	73
5. Ясси предметлардан дафтар, китоб муқоваси, йўл белгилари, тут, терак барглариининг расмини чизиш	73
6. Оддий гипс (куб, уч, тўрт, беш бурчакли пирамида, конус, цилиндр, уч, беш ва олти бурчакли призма, параллелепед, шар) сиртлар.....	74
7. Куб ва цилиндрдан иборат қўйилма расмини чизиш.....	74
8. Пирамида ва параллелепед расмини чизиш.....	75
9. Уй рўзғор буюмларидан иборат натюрморт қўйилмаси расмини чизиш	75
10. Рангтасвир ҳақида умумий тушунча	76
11. Оддий буюмлар ва нарсаларнинг (кружка, чойнак, пиёла барг ва дарахт шохчаси) рангтасвирини босқичлар асосида ишлаш	77
12. Цилиндр ва конусдан иборат қўйилмани гризайл усулида ишлаш... 	78
13. Пирамида ва кубнинг тасвирини гризайл усулида ишлаш	78
14. Капалакнинг рангтасвирини ишлаш	79
15. Гуллаган дарахт шохчасининг рангтасвирини ишлаш.....	79
16. Гултувакдаги гулларнинг ўзига қараб ранг тасвирини ишлаш	80

17. Чойнак ва пиёладан ташкил топган натюрморт рангтасвирини ишлаш.....	80
18. Композиция ҳақида умумий тушунча. Композиция элементлари ва уларнинг ҳосил бўлиши	81
19. “Куз неъматлари” мавзусида натюрморт ишлаш.....	81
20. “Уч оғайни ботирлар” эртагига иллюстрация ишлаш.....	82
21. Спорт мусобақаси” мавзусида расм ишлаш.....	83
22. “Эртақлар оламига саёҳат”. Ким қайси эртақни ёқтиради?.....	83
23. “Ҳайвонот боғига саёҳат” мавзусида расм ишлаш.....	84
24. Эркин мавзуда композиция тузиш	85
25. Тўғарак аъзоларининг ишларини кўргазмага тайёрлаш.....	85

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТЎГАРАГИНИНГ ИККИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ

1. Кириш. Қаламтасвир ҳақидаги тушунчаларни янада мустаҳкамлаш	86
2. Турли ҳашоратлар ва жониворларнинг (капалак, ниначи, аквариумдаги балиқлар) қаламтасвирини ишлаш	86
3. Гипсдан ясалган геометрик шакллардан тузилган (пирамида, цилиндр, конус) қўйилманинг қалам-тасвирини ишлаш	87
4. Уй-рўзғор буюмларидан ташкил топган натюрмортнинг қаламтасвирини ишлаш	87
5. Гипсдан ясалган геометрик шакллар (куб, призма, шар, конусни) ўзига қараб расмини ишлаш.....	88
6. Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат манзарасини қаламда чизиш	89
7. Рангтасвир ҳақидаги тушунчаларни янада мустаҳкамлаш. Содда кўринишлардаги предметлар ва натуралар (содда тузилишдаги капалак, гултувак, гуллар ва х..) нинг хомаки рангтасвирларини ишлаш	90
8. Турли ҳашоратлар ва жониворлар (хонқизи, капалак, ниначи, декоратив балиқлар)нинг ранг тасвирини ишлаш	90
9. Сувли бўёқлар ёрдамида ранг тусларининг оч ҳамда тўқ кўринишларини ҳосил қилиш ва декоратив панжарлар расмини бўйаш.....	90
10. Уй-рўзғор буюмларидан ташкил топган натюрмортнинг рангтасвирини ишлаш.....	91
11. Акварельда қоғоз сиртини “ҳўллаш” усулида ранг тасвир ишлашни машқ қилиш (“Алла прима” методи)	91
12. Уй ҳайвонлари, дарахтлар, паррандалар иштирокидаги табиат манзарасини акварель бўёқларида ишлаш	92
13. Чекланган ранглар билан рангтасвир ишлаш	93
14. Ранг тусларига кўра бир-биридан кескин (контраст) фарқ қиладиган буюмлардан тузилган натюрморт (мис обдаста, чинни чойнак, пиёла, пичоқ ва нон) нинг рангтасвирини ишлаш.....	94

15. Композиция ҳақида умумий тушунча. Берилган мавзуга кўра композиция мазмунини яратишни машқ қилиш.....	94
16. “Кузги ишлар” мавзуси асосида илиқ колоритда расм ишлаш	95
17. “Ўқувчининг иш ўрни” мавзусида расм ишлаш.....	95
18. “Авазхон”, “Рустамхон”, “Алпомиш” дostonлари ёки ўзбек халқ эртагига иллюстрация ишлаш	96
19. Эркин мавзуда расм ишлаш	96
20. “Қиш эртаги” мавзусида (совуқ колоритда) расм ишлаш	97
21. “Янги йил базми” мавзусида композиция ишлаш	98
22. “Наврўзнинг байрам қилиниши” мавзусида композиция ишлаш	98
23. “Баҳор” манзарасини ишлаш	99
24. Тарихий мавзуларда композиция ишлаш.....	99
25. Ўқувчилар ишлаган расмларни кўргазмага тайёрлаш	100
“Тасвирий санъат” тўғараги ўқув режаси (6 ёшли болалар учун)	101
1. Кириш. Болаларда ранглар жилоси асосида мевалар чизиш усуллари	101
2. Қоғоздан қуш ясаш ва уни ранглар билан безаш (кимни ясаган қуш иузoққа учади? ўйин асосида).....	102
3. Коптоқ асосида айлана чизиш. Айлана нима?.....	102
4. Қўл панжалари асосида рангларга ботириб кимни қўллари катта ўйин асосида қоғозга чизиш.....	103
5. Рангларни қоғозга сачратиб бир-бирига ёпиб тасаввурни кучайтириш. (ўйин асосида).....	103
6. Қора қаламда бўяш, чизиш ва ўчириш. (ким тез ва тўқ бўяйди ўйини асосида).....	103
7. Олма шаклини чизиш ва қандай ранглардан фойдаланиш усуллари	104
8. Энг ширин узум қайси ва уни шаклини чизиш ва бўяш усуллари	104
9. Қуёш шаклини уни қандай тасаввур этиш ва расмини чизиш.....	105
10. Бекинмачoқ ўйнаш ва дарахт орқасига бекиниш шу дарахтни шакли ҳақида суҳбат ўтказиш ва тасвирини чизиш	105
11. Эртақлар асосида болалар билан суҳбат ва тасаввур асосида расм чизиш	106
12. Табиатга саёҳат, ранглар асосида қоғозга тушуриш ва чизиш.....	106
Фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар:.....	107

